

УСМОН АЗИМОВ

УЙГОНИШ  
АЗОБИ

Тошкент  
Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1991

Уз2

А 36

**Азимов, Усмон.**

Уйғониш азоби: Шеърлар ва тарихий драматик қисса.— Т.; Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.— 320 б.

Усмон Азимов — 70-йиллар адабиётимизга түлғонч фикрлари билан дадил кириб келган ёшларимиздан. Үннинг шеърларида Замон, Ҳаёт, Ҳақиқат ва Адолат қалби тутён уриб туради. Эрк ва Үзлик учун Кураш— шоир шеърларининг мағзи-мағзини ташкил этади.

«Халил Султон» тарихий драмасида эса узоқ ўтмишишимизда рўй берган Муҳаббатнинг покиза туйғулар меҳроби йўлидаги Адолатли кураши бадиий тарзда тараннум этилади.

**Азимов, Усман. Муки пробуждений Стихи и историко-драматические поэмы.**

Уз2

**A 4702620202—45  
M 352 (04)—91 29—91**

**© Усмон Азимов, 1991 й.**

**ISBN 5-635-00346-X**

---

\* \* \*

На-да дўзах олови ямлар,  
На-да эшик очади беҳишт —  
Кўкрагингни аросат қамраб,  
Қолганида юрагинг беиш.  
Тўғри шамолларга эгилмас,  
Тескари ҳам айланмайди бош.  
Юрагингдан бошлаб туғилмас,  
Кўзларингга етиб келмас ёш.  
Чорбоқларга йиқилар сўлғин,  
Шамол — бевақт қуриган япроқ.  
Нимагадир келмайди ўлгинг,  
Яшагинг ҳам келмайди бироқ.  
Деразангни келиб қучолмас,  
Қанотлари синган товушлар.  
Шеъларингда энди солланмас,  
Турналардек учолмас улар.  
Мувозанат — қийноқсиз қийноқ,  
Мувозанат — энг бебаҳт баҳтим,  
Мувозанат — эй, рангиз байроқ —  
Қачон сенинг қулайди таҳтинг?  
...Юрак бўлса, аллақачонлар,  
Довдирабми, алаҳлаб — беҳуш.  
Номаълум бир эшикни очар,  
Ҳали билмас: дўзахми, беҳишт.

\* \* \*

Бу дунёга келмадим, ахир,  
Ўз номимни ёзмоқлик учун.  
Менинг номим шамолда тўзғиб,  
Ёмғирларда оқмоқлик учун.  
Саратону қаҳратонларда  
Бола каби яшайман ўйнаб —  
Пешонамга тушмайди ажин  
Мангаликка қолмоқни ўйлаб.  
Қилмагайман вақтга хушомад,  
Совураман қўллэзмаларни.  
Ёмғир ювиб кетар бешафқат  
Қалбимдаги кул ёзмаларни.  
Кўкрагимда гуллайди маҳзун  
Шу беэга тупроққа шафқат.  
Ургатаман бўғезим, лабимни  
«Ватан» сўзин айтмоққа фақат.  
Мен ўламан — тобутда руҳим  
Хавотирдан туради тикка...  
Ватан, сенга бу танҳо жоним  
Үлгурдими қоришмоқликка?

\* \* \*

Бўлиниб боряпман минг бир бўлакка,  
Она, оқибатим адашиб кетди.  
Болам, қаерларда қолди шафқатим?  
Севгилим, лабимни йўқотиб қўйдим.

Бўлиниб боряпман минг бир бўлакка,  
Душманим баҳтиёр — қаҳрим қаерда?  
Нега бунча пастман — қаерда бўйим?  
Оёғимдан қачон ажралиб қолдим?

Бўлинниб боряпман минг бир бўлакка,  
Хотирам йўқликка қоришиб кетди.  
Селдай оқиб кетди кўксимдан юрак,  
Фақат хаёл тошдай қотди бошимда.

Чинорнинг тагида бўлинниб ётибман —  
Шунда бир сўз баргдай лабимга қўнар:  
«Ватан» дейман, такрор айтаман: «Ватан»...

Бирлаша бошлайди юрак, ақл, тан...

\* \* \*

Мен ҳеч кимга қўлмайман хизмат,  
Ўзимга қул, ўзимга бекман.  
Югурмайман худованд излаб,  
Фақат паноҳ сўрайман эркдан.  
Энгашмайман садақа учун,  
Олмагайман шоҳнинг қўлни.  
Ургатаман қулларга тун-кун  
Фул-занжирни узмоқ йўлини.  
Оҳор йўқдир янги сўзимда,  
Сийқа гапни айтаман **такрор**,  
Дейман: «Боққин ҳақнинг юзига,  
Мен кимман деб сўрагин бир бор?»  
Қонитотининг кенг денгизига  
Сингиб кетса бу митти савол,  
Нажот излаб боққин ўзингга,  
Ўз-ўзингга тилагин камол.  
Мен ҳеч кимга қўлмайман хизмат,  
Ўзимга қул, ўзимга бекман.  
Қоронғида адашсам фақат  
Иўл сўрайман қувгинди эркдан.  
У кўрсатган йўлдан жўнайман —

Қўлларимда юрак сатодир.  
Эрк кечади менинг жонимдан  
Қурбонликка сўйиб отадир.  
Қарбалонинг биёбонимас,  
Руҳим дашти тортаркан алвои,  
Ўз-ўзимга жаноза ўқиб,  
Юз бураман халқимга томон:  
Менинг Маккам,  
Менинг Мадинам,  
Мангу ҳаёт сенга буюрсин!  
Менинг унут хоким устидан  
Фақат эркин авлодлар юрсин...

\* \* \*

Шу кунлар тўлиқиб — дард бўлиб юрибман.  
Кўнглим дарёсига ғарқ бўлиб юрибман.

Гоҳида боғларни тутар баҳорим,  
Гоҳ қуруқ навдада барг бўлиб юрибман.

Гоҳ замон йўлида тинч кезар руҳим,  
Гоҳида кажрафтор чарх бўлиб юрибман.

Бошимда тоғ каби ғамларим кўпдир,  
Дунёга ташламай — мард бўлиб юрибман.

Фаришта очмади кўнглим дафтариц,  
Шайтонлар дарсида шарҳ бўлиб юрибман.

Оlam, тўрт тарафинг бошимга дўнар,  
Барчасин рад этиб — Шарқ бўлиб юрибман.

Гоҳида тошдирман, гоҳида денгиз,  
Гоҳ ёлғиз — гоҳида халқ бўлиб юрибман.

Ўзимдан кулибу сен учун йиғлаб,  
Ғуссанинг аршида ҳақ бўлиб юрибман.

\* \* \*

1

Изтиробдан  
Юрак юксалиб борар,  
Теранлашиб борар,  
Борар кенглашиб,  
Гўштликдан  
Асабга айланиб борар,  
Тобора боради руҳга тенглашиб.  
Изтиробнинг мунглиғ туманларида  
Тентираб юраркан ўзлик — митти чўғ,  
Кечиб вазнисиз тўғонларидан,  
Сокин туташади кўнгил билан кўк.  
Изтироб — умринг хазонлигидан  
Кунларинг ҳақ сари ташларкан қадам,  
Қалб чиқиб бетартиб тўғонлигидан,  
Кўради: ўлиму ҳаёт бир қадам.  
Сенга ниманидир айтмоқчи бўлар,  
Софинчдан титраниб мангуллик лаби —  
Сенга  
Ҳамма нарса  
Осон туюлар:  
Ўлим — яшамоқнинг давоми каби...

2

Қурбон қушнинг патлари каби  
Руҳим — тўзгин, юрагим — тўзгин.  
Қонли базм қурмоқда, раббим,  
Вужудимда уйғонган қузгуни.

Дардларимнинг соҳили йўқдир,  
Шамоли йўқ, шакли йўқ — туман.

Юрагимнинг булбули — сурур,  
Ухламоқда ғофил уйқуда.

Қурбон қушпинг патлари каби  
Йўқ бўламан учиб, тўзғиниб...  
Қалб туғилар йўқлиқдан, раббим,  
Най қиласди қонли бўғзини...

3

Кечалари юрак санчади,  
Тутунларга тўлади бошим.  
Рутубатли тунни яичгани,  
Руҳимда бир порла, қуёшим.  
Кундузларим маним — лаҳзалик.  
Туним — узун. Узун. Беадад.  
Юрак — яна битта ларзалик,  
Жоним — яна бир оғриқ фақат.  
Кўкрагимдан келиб босади  
Тош тунларнинг бефарқ тошлиги.  
Бўшлиқларга ўзин осади  
Адашибми келган ёшлигим.  
Туним — узун. Узун. Масиқиб  
Туни судрар тентак шамоллар  
Деразамга бойқушлар қўнар,  
Қўнар жуда ёмон хаёллар.  
Ёнар, эрир гуноҳкор бардош  
Дўзахларнинг шундоқ ёнида...  
Туғилади руҳимда қуёш —  
Ҳаёт-мамот жараёнидан.

\* \* \*

Тахтли кўнгил — фақир бўлгин,  
Бахтли кўнгил — ҳақир бўлгин,  
Баҳордан кеч — тақир бўлгин —  
Ўзинг сўнг бир чечак ўстир.

8

Тош бўлмагин — оқиб тургин,  
Гоҳ-гоҳ ўзни ёқиб тургин,  
Кўкка ҳар дам боқиб тургин —  
Умиддан бир печак ўстир.

Расмингга боқ, кўпдир ёлғон,  
Ярминг раҳмон, ярминг шайтоя,  
Эл коридан толмайдигон —  
Билак ўстир, билак ўстир.

Бўлсин десанг эл қариндош,  
Аввал қилгин ўзингни фош,  
Берай десанг ёлғонга дош —  
Тилак ўстир, тилак ўстир.

Одамгамас, ҳаққа ишон,  
Сен ким бўлсанг — шудир замон,  
Кўксингни буз, этгин вайрон —  
Қайтадан бир юрак ўстир.

\* \* \*

Дунё қотди бешамолликда.  
Ҳаёт... баттар тортмасин деб дим,  
Бош кўтардим окопдан тикка:  
— Ҳаммангизни, душман, кечирдим!

Меҳру шафқат шамоли эсди,  
Ғаш ариган менинг кўнглимдан.  
Кечирдиму мен баланд ўсдим,  
Қуролни ҳам отдим қўлимдан.

Кечиримсиз яшайсиз бунча!  
Үқ отилди. Ҳаво тортди дим.  
...Үқ бағримни тешиб ўтгунча,  
Ҳаммангиздан узоқ яшадим.

\* \* \*

Аввал яшашни ўрган.  
Кейин ўлишни.  
Кейин  
Сочилган сүякларингни йигиб,  
Яна жон ато қил ўзингга-ўзинг.  
Сўнгра ўлимнинг кўзига тик қара.  
Жонингни олса олибди-да!

Жони ширин одам,  
Бир марта ўлмай туриб,  
Ўзингни қандай қайта қурмоқчисан?

\* \* \*

Юзинг қийшик бўлса,  
Ойнадан ўпкалада.  
*Мақол.*

Подшоҳ ғазабланди.  
Подшоҳ бўкирди:  
— Бу ойна қийшиқдир!  
Ойна — фитнакор!..  
Ҳамма бир сесканди —  
Яшинми урди,  
Улгурмади юзин беркитиб девор.

Жаранг...  
Ойна синди.  
Уламо — мустар...  
— Бошқа ойна топинг!  
Тўп-тўғри ойна!..  
Яна бир ойнани келтирас уста,  
У ҳам чил-чил бўлиб,  
Инқилар лойга.

Хизматкорлар титрар,  
Вазирлар ҳайрон.  
Устага маънодор ташлашади кўз...  
У қийшиқ бир ойна келтириб, шу он  
Салтанат пойнда  
Тиз чўкар бесўз.

Ҳамма енгил тортар.  
Ҳукмдор хурсанд!  
Қийшиқ юзларида  
Қийшиқ табассум.  
Бир пасда ойнанинг атрофи тирбанд:  
— О, ана ҳусну,  
О, мана ҳусн!

Тахтида типирлаб  
Хаҳолайди шоҳ:  
— Бунча бўлмасанглар хунук башара!  
Ва олий фармойиш беради ногоҳ:  
— Бошқа ойналарни  
Синдириб ташланг!

Ҳамма фуқарони  
Саройга тўйланг,  
Бизнинг ойнамизда ўзларини кўрсин...  
Ойнага боқиб халқ  
Гувлайди бир дам:  
— Шоҳим,  
Сизга чирой муборак бўлсин!

Тахтида типирлаб  
Хаҳолайди шоҳ:  
— Бунча бадбашара бўлмасанг, эй, халқ!  
Оломон  
(Энди у халқ эмасдир, оҳ!)

Фамгин пичирлайди:

— Подшоҳим,  
Сиз — ҳақ!  
Бу юрт энди ўзин кўрмоқчи бўлса,  
Боқади шу қийшиқ ойнага чунон...  
Боқади:  
Тўғри йўл  
Чалкашдир роса,  
Эгри йўллар эса тўп-тўғри, равон.

Хотира қийшиқдир,  
Ўй-хаёл — қийшиқ.  
Юраклар — қийшайган,  
Қибла — қийшайган,  
Ҳатто қийшиқ қилиб айтилар қўшиқ,  
Шиор: «Тўғри юрма!  
Чалкаштир!  
Айлан!»

• • • • • • • • • • • • • • •  
Ўйинқароқ бола,  
Сен нечун гирён,  
Қайдан топиб олдинг ойна бўлагин?  
Нега йиглаяпсан?  
Кўрдингми аён?  
Тўп-тўғри дунёнинг этсиз сўнгагин?

Подшоҳлар ҳам ҳатто  
Хом ишга қодир —  
Оладан бир парча қопти-ку омон!..  
Бола,  
Энди сенга яшамоқ өғир.  
Энди сен яшовчи дунёга осон...

## ШАХМАТ ҲАҚИДА ШЕЪР

Пиёдалар, филлар, руҳлар,  
Аввал сиз билан гаплашамиз.  
Чунки сиз ўласиз...  
Шоҳ ҳақида кейин...  
Шеър бошланди!

Пиёда олдингга интилар,  
Пиёда ҳеч қачон чўкмас тиз.  
Пиёда ўқ еди, йиқилар...  
Айтдим-ку, ўласиз, ўласиз...

Майдонда фил жавлон уради,  
Иzlайди голиблик йўлини.  
Шоҳ учун ўлимга юради,  
Таслим деб кўтармас қўлини!

Не учун жангдасан, иодон руҳ,  
Не учун курашиб-тўласан?  
Оэтнингдан изғийди хоин ўқ,  
Ўласан, барибир ўласан...

Подшоҳнинг ўнг қўли, эй, вазир,  
Сен ўзинг лашкарга саркарда.  
Бекорга излама зўр тадбир,  
Барибир минг яра бу танда...

Айтдим-ку, ҳаммангиз ўласиз,  
Подшоҳнинг амрига тикиб жон!  
Балки ул қудратли шоҳингиз  
Хун олар рақибдан беомон?

Пиёдалар, филлар, руҳлар...  
Сиз ўлдингиз...  
Шоҳ бўлса...

Шоҳ бўлса, имиллар тахтида,  
Тополмас нажотнинг йўлини,  
Шоҳ бўлса, қайтади аҳдидаи,  
Қўлини кўтарар, қўлини!

Руҳ ўлди, фил ўлди, пиёда —  
Кўксини чанглаб йиқилган!  
Подшоҳнинг кўшкида хиёнат —  
Байроғи, оқ байроқ тикилган...

Пиёдалар, филлар, руҳлар...  
Сиз бизнинг ёдимизда мангу қоласиз!  
Шоҳ бўлса...  
Шоҳ ҳақида кейин гаплашамиз.

Шеър давом этади!

• • • • • • • • •

\* \* \*

Пўлатдан эирҳ кияр Европа,  
Қамоқ қуарар, танклар қуяди.  
Доҳийларни сужди кўплар —  
Қаттиққўллигини сужди.

У томонда тилларда Гитлер,  
Биз томонда — ўртоқ Сталин.  
Ва қийшаша бошлар Она ер —  
Бузилади мувозанати.

Аммо Париж кўчаларида  
Кезар экан негадир маълуд —  
Рильке гадо аёл қўлига  
Таъзим билан тутқазади гул.

Чархиниг сезгир мувозанати  
Тарозида тенг тортар бир зум.  
**У томонда — Гитлер, Сталин,**  
Биз томонда — Битта қизил гул.

\* \* \*,

Деразамда икки қуш  
Суҳбат қурди ўзича:  
— О, нақадар одобли,  
Камтар махлуқ мусича!  
Ана, кезар майдонда  
Бир жуфтни — мўмин, қобиля,  
Топиб олишса бир дон  
Бўлишади тенг, одил.  
Уларга ёт жанг-жадал  
Тумшуқ билан уруш йўқ.  
Ҳурпайганча қўрқитиб,  
Қанот билан суриш йўқ.  
Роса ўтди жонимдан  
Паррандалик кучлари!  
Мусичага тортсайди  
Бу дунёниг қушлари...

— О, маликам!  
Подшоҳга  
Бир оғизлик сўзингиз —  
Сўнг қушларга боқсангиз  
Лол қоласиз ўзингиз.  
Булбуллар ҳам, қузғун ҳам  
Бир қафасга жойлангай,  
Бир кечада бургутлар  
Мусичага айлангай...  
— Жим бўл!  
Суҳбатимизни  
Шоҳ билмасин ҳеч қачон.

Мусичага тұлгуси  
Бир зумда еру осмон.  
Боғларда турфа-турфа  
Сайроқилик сұнгуси,  
Мусича соғ қолару  
бошқа қушлар үлгуси.  
Жім бұл! Эсн паст каниә!  
Тошларга этгииң тақлид...

Деразамда иккى қуш  
Суҳбат құрди шу тақлид.  
Боғда эса донларди  
Мусичалар беларво,  
Қарғалар қағылларди,  
Булбул сайранды ҳатто...

### ҚИСМАТ

Хали ёрилмаган  
Яңги пешонам,  
Жім турғин —  
Деворлар ураверсин дүқ.  
Қанча пешонамни, ахир, ёрганман,  
**Аммо**  
Бирор девор қулагани йүқ.

### ХАВОТИР

Менинг ўнг қўлим бор,  
Менинг сўл қўлим.  
Ўнг томоним — бўм-бўш,  
Сўлида — юрак.  
Юраксиз томонда  
(Билмайман ўзим!)  
Юраксиз бошим ҳам бўлиши керак.

\* \* \*

Қуёш бор, биз — ғолиб — кунлар кулдилар,  
Оlamнинг ярми биз — тунлар кулдилар.

Тунлар тугасин деб мен ҳам ёнгандим,  
Қисматинг — биз, дея куллар кулдилар.

Иўқ, дедим, ўзимни фалакка отдим,  
Устимдан занжирлар, гуллар кулдилар.

Синган қанотимни элга кўрсатиб,  
Оlamни тўлдириб қуллар кулдилар.

Ҳали ўлмаган бу жонимни йўқлаб  
Инглай олмадилар — мунглар кулдилар.

Қара, мен сарғайдим, мен хазон бўлдим,  
Аммо юрагимда гуллар кулдилар.

\* \* \*

Изиллаб ёвуқ-ёвуқ,  
Жонга тирмашди совуқ.

Совуқ... Оlam торайди,  
Дилимда гул қорайди.

Кўксимда изғиринлар.  
Кўксимдаги муз — кимлар?

Кимлар — бу бемаҳал қиши?  
Кимлар — мени беянглиш —

Топиб келсан йиртқичлар,  
Юракларни йиртгичлар?

Кимлар?.. Жим... Отилди ўқ...  
Ёмонликнинг исми йўқ.

Эллик йил аввал ҳам у чечан эди.  
«Абдулла Қодирий миллатчи», дерди.

Минбардан жон олиб, улашарди жон.  
«Иғлоқи» — Ойбекка берганди унвон.

Берия сурати осиқ хонага,  
Гүё кечиккандай қизиқ кинога —

Шошиб борар эди, чайқар эди бош,  
Кимни эслатишса — отар эди тош.

Усмонми? О, душман!.. Инглис! Француз!..  
Яхши билмайману... Ишқилиб, жосус...

Бу одам изида қанча мозор бор,  
Чиркин кўкрагида ҳамон бозор бор —

Ҳамон савдо қилар, ҳамон сотади.  
Энди тошларини пусиб отади,

Энди ўтган умрин қилиб ҳимоя  
«Тепа»га чиқади:— Фалон беғоя...

Кечаси мўйловдор суратга боқмай,  
Эски қофозларни титар пайдар-пай.

Сурат-чи, буюрар шошилмай, эркин,  
— Қани, тошларингни қайтариб бергин!

— Иўқ,— дейди у одам,— керак ўзимга!  
Сўнг отар тошларни сурат юзига.

## УТТИЗ САҚКИЗИНЧИ ЙИЛ. ЛАГЕРЬ

Бу ерда фақат тун. Фақат тун. Тун. Тун...  
Азоби — қабрга боришдан узуи.

Қаҳратон муаллим беради таълим,  
«Сталин билмайды, ўртоқ Сталин...»

Куздан баҳоргача тайга зим-зиё.  
Музлаб ўлмадингми, Үрта Осиё?

Қалбинг-ку қамалди, йитди, отилди,  
Кимлар иғво ёзди, кимлар сотилди.

— Тўхтасанг отаман! — ҳайқирап нозир...  
«Сталин билмайды, билсайди ҳозир...»

Кимга кераксан, эй, сабил қолган жон?  
Бир бало бўлади! Қайнайпти қон.

Тикан сим! Нимасан? Кимсан ўзи? Ким?  
Баданин тиканинг тилади сим-сим...

Бошимга энгашар ёшгина соқчи...  
— Соқчи, ўлмадимми, кўзимга боқ-чи!..

Тошкентда бир аёл пичирлар ғамгин:  
— Сталин!.. Билмайди ўртоқ Сталин...

\* \* \*

Бу ёлғон чаққондир,  
Бу ёлғон — чапдаст.  
Қочдингми — қувониб  
Қувишин қўймас.  
Бу ёлғон — фитначи,

Қочдингми — ёмон  
Ўзини ботир деб  
Қилади эълон.  
Бу ёлғон — ақлли,  
Бу ёлғон — айёр.  
Курашчи деб ўзин  
Аташга тайёр.  
**Сен бўлса, уятчан,**  
Кўнгилчан одам,  
Сурбет бу ёлғондан  
Қочиб боряпсан.  
Тўхта! Раҳминг келсин  
Ўзинг ўзингга.  
Фижиниб бир қара  
Ёлғон кўзинга.  
Гарчи у фитначи,  
Гарчи у чапдаст,  
Ҳали ҳақиқатни  
Енголган эмас.

## БАЛЛАДА

Кўзимдан кўра  
Юрагим кўпроқ йиғлади.  
Оёғимдан кўра  
Югурди кўпроқ.  
Қўлларимдан ортиқ  
Меҳнат қилди у.  
Лабларимдан ортиқ  
Лаблари севди.  
Ватанин севди у  
Жонимдан ортиқ.

Кўзимни мақтадилар —  
Оёғини тагини кўради.  
Қўлларимни мақтадилар —

Жуда меҳнаткаш.  
Лабларимни мақтадилар —  
Оғизни очирмайди.  
Оёғимни олқадилар —  
Беминнат югурдак...

Юрагим ёнидан жимгина ўтдилар.

Қичқирдим:  
— Ҳей, қаранг, юрагим бор, мана!  
— Душман! — дедилар улар  
— Душман, — дедилар  
(ўйлаб ўтирмай).

\* \* \*

...Ва фақат ўзингга, ўзингга ишоні  
Сесар Вальехо

Роса қирқ ёшингда тұхтадинг, юрак,  
Одоб-ла ётибман  
Қўксимда қўлим.  
Менинг қирчиллама жоним  
Не керак,  
Мени нима учун ўлдиридинг, ўлим?

Тепамда вариллаб учди учоқлар,  
Бошимдан шовуллаб тўкилди оғу,  
Бадбўй ҳаволарга тўлди димоглар —  
Аммо мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку!

Аммо мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку! —  
Меҳнат қиласкердим бошимни эгиб.  
Фақат ному чойми?

Хўш, нима бўпти! —  
Тартибли бу жоним барчага тегиш.

Ҳамма шиорларга ишондим чиндан,  
Ҳамма буйруқларни йўлига тушдим.  
Саволлар бермадим —  
Ахир, мен кимман?  
Ариқдан сув ичдим —  
Жигарим шишиди.

Болам хазон бўлди кузги япроқдай,  
Хотиним кўксидан сут оқди —  
Заққум!  
Елкамда зилзила турди — титроқдан,  
Неча бор кўз ёшдан тўлди шўр халқум.

Аммо мен бирор сўз айтдимми ошкор?  
Ютдим, ютиб қўйдим ичга тилимни,  
Яна ташаббусми?—  
Майли!  
Мен — тайёр!  
Унсиз бош силкидим — бердим дилимни.

Ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ-ку.  
Мени нима учун ўлдирдинг,  
Ўлни?  
Нега жасадимга соялар тўкиб,  
Учмоқда умримнинг  
Исёнсиз йўли?

«Худога шукур»— бу отамнинг сўзи.  
Менини-чи — «шукур...»—  
Қисқа ва ихчам.  
Газетта ёзганни ўқиди кўзим.  
Шўрлик тўғри кўзим  
Содда бечорам.

Кўрмадим —  
Тахтларни қилишди савдо.  
Кўрмадим —  
Кўшклару зиндан қуришди.  
Кўрмадим —  
Тескари айланди дунё —  
Покдомон халқни ҳам йўлдан уришди.

Наҳот заҳарланган онамиз — тупроқ,  
Наҳот қуриётгап умримиз — Орол...  
Бир алам кўксимда қўзғалди,  
Бироқ...  
Мулойим табассум қилдим:  
— Бемалол...

Бе-ма-лол!..  
Танглайим қотди йиғидан.  
Ўзимга етмади  
Ўзимнинг йиғим...  
Чексиз пахтазорнинг илк ҳосилидан —  
Нетай — қулогимга тиқилган тиқин.

Бошимда «уф» тортар —  
Ёнмоқда ичи...  
Бу — Ватан!  
Уларда таниб ол, кўзим!  
У худди ўттиз йил пахтазор кечиб,  
Пушти куйиб кетган  
Опамнинг ўзи.

Илинж-ла тутар у совуқ қўлимдан,  
Бошин тебратади:  
— Алам! О, алам!..  
Қандай олиб қолай сени ўлимдан  
Нимага ҳеч нарса қилмадинг,  
Болам?

## ПАХТАГА ҚАСИДА

Менинг таржимаи ҳолим йўқ — гап шу!  
Менинг ўтган умрим пахтаники-ку!

Қайси йил, қанчадан уйғанман хирмои,  
Қанчаси ҳақиқат, қанчаси ёлғон,

Қанчаси тўқилган, қанча териилган,  
Қанчаси қўшимча яна берилган.

Кимлар орден олган ва кимлар қамоқ,  
Заққумли маммани эмган чақалоқ.

Саҳрода мунғайиб қолган кемалар,  
Жигарни шиширган қотил мевалар,

Айтниш мумкин бўлса яна (қаттиқроқ!),  
Ҳар хил мансабпарат қўлида байроқ —

Унинг таржимаи ҳоли шунақа:  
Қолган гап — бир чақа,  
рост гап — бир чақа.

Қонунлари бордир, ҳукумати бор,  
Мен унга хизматкор, мен бир хизматкор...

Менинг таржимаи ҳолим йўқ — гап шу!  
Менинг ўтган умрим пахтаники-ку!

\* \* \*

Оролқумнинг кенг саҳролари  
Унутмаган денгизи ҳали —  
Тушларига киради ёриб,  
Тўлқиниларнинг нотинч қўлларин.

Чайқалади ногоҳ қайиқлар,  
Чиғаноқлар мавжларни тинглар.  
Ялт-юлт этиб ўтар балиқлар,  
Босиқ-босиқ ҳансирап гумлар.

Қамишларнинг кўланкасида  
Чўмилади қоп-қора қундуз.  
Сахий денигиз баракасидан  
Баҳра олар беҳисоб илдиз.

Бандаргоҳдан қўзғаләр кема:  
— Улжа қайда? — денигизни тергаб.  
Палубада тўрларни ямаб,  
Балиқчилар ўлтирасер сергак.

Тушлар кўриб саҳро тўлғонар  
(Унутмаган денигизни ҳали!)  
Ү уйқудан увлаб уйғонар,  
Шамолларда сачраниб тани.

Ү қарайди — айланар бесас  
Бархан узра ҳужмкор қузғун.  
Қўлмакдаги сўнгги балиқни  
Тилка-пора қилмоқлик учун.

Узоқларда, пахта тергани,  
Минглаб одам эгилади жим.—  
Кийинтиromoқ учун ҳаммани,  
Хурсанд бўлсин учун аллаким.

Кўйлак кияр оппоқ аёллар —  
Мато гули — қайиннинг барги.  
Хаёлига келтирмас улар,  
Бу кўйлак — бир шўр элшинг марги.

Бу шўх либос — менгзайди кунга,  
Шу шаън либос — орзу тумани.  
Қилолмайсан тасаввур, унга  
Бир денигизнинг сингиб кетганин.

## ‘ЗБЕК АЕЛИ ҲАҚИДА ОЧЕРК

Бунча сизнинг елкангиз ғамгин,  
Офтоб ювган кўйлагингиз ҳам.  
Қўлларингиз ғамдан ҳам ҳорғин,  
Чангга ботган калишингиз — ғам.

Бунча сариқ сизнинг юзингиз,  
Кўзларингиз тубсиз гуссадир.  
Буича ночор титрар сўзингиз,  
Тинглаганинг кўнглини бузадир.

Хаёлланиб сигир соғасиз,  
Нон ҳам ёпмоқ керак, ҳойнаҳой.  
Сиз ионларга тўймай боқасиз,  
Ўн бешта нон — ўн беш ғамгин ой.

Болаларни чўмилтирмоқ шарт,  
Кийдирмоқ шарт оппоқ кўйлаклар.  
Яна гўзал эртак айтмоқ шарт,  
Бахтли тушлар кўрсин гўдаклар.

Ана, гугурт!.. Чидагин, юрак,  
Хиёнаткор кўз ёшлари, тин.  
Болаларни ўпмоқлик керак...  
Энди гулхан бўлмоқлик мумкин.

\* \* \*

Сизга заррача йўқдир ҳасадим,  
Фақат турналарга қалбимда ҳавас.  
Улар ўтар экан, тирик жасадим  
Туб-тубида руҳим қўзғалар бесас.

Юрагим кўксимга ыайтиб қўнади,  
Бахтли шамолларда ярқирап манглай...  
Шундай озод қушлар қандай ўлади,  
Шундай озод қушлар яшайди қандай?

\* \* \*

Пахтазорда беҳуш йиқпидим.  
Алдоқлардан толиқдим. Тамом.  
Коинотга ҳорғин тикилдим —  
Бир ҳақ сўзни юборгии, осмон!

Бош устимда сайради бирдан  
Қанотлари чарчоқ Ҳаққуши...  
Тинглайману ишонмайман,  
Тинглайману қайтмайди ҳушим.

### ҚАРИ ОТЛАР

Қари отлар белларида  
Ёвқургина болалар.  
**Ўзларини дилларида**  
Курашларга чамалар.  
Қур — бежилов сел шу тобда,  
Қур — тошқинли бир гирдоб:  
Қари отлар гирдибодда  
Туришади бешитоб.  
Туришади сокин, беун,  
Гўё салқиган тордай.  
Улоқ йўқдай улар учун,  
Фақат болалар бордай...

\* \* \*

Отланмоқда ёлғон лашкари  
Ёлғон юртни этмоқ учун забт.  
Келолмайсан энди мен сари —  
Сени кўрмай ўлгум, ҲАҚИҚАТ.  
Қуёш бўлса...  
Чиқади қуёш —  
Худди сендай алвоиранг, шонли.

Эси йўқ бу ёнаётган тош  
Аввал уфқда сўяди тонгни.  
Заққум босган элнинг тузида  
Ҳали шайтон яратган кундуз,  
Фақирларнинг нурсиз кўзида  
Сўниб борар энг сўнгги юлдуз.  
Қасрларда ўзларин ўйлаб,  
Қуришади шайтонлар мажлис.  
**Шаънларига ҳамдулар сўйлаб,**  
Чўксин учун бечоралар тиз.  
Куп-кундузи қалбларга кирап  
Қип-ялангоч фоҳиша — ёлғон.  
Оналарнинг қоқ кўксин силаб  
Чақалоқлар бўлади қурбон.  
Она тупроқ, не гуноҳ қилдик,  
Не тиф ботди банд-бандларингга?  
Нечун ўлим қиласан тортиқ  
Кўзи кўр бу фарзандларингга?  
Мен тошларга бошимни урдим,  
Деворларга урдим бошимни,  
Ёлғонлардан тамом юз бурдим,  
Ҳақиқат деб тўқдим ёшимни.  
Қаердасан, келгин. Ҳақиқат!  
Қара, ҳамма юраклар доғли.  
Сенинг умринг агадул-абад,  
Менинг куним фақат саноқли...

\* \* \*

Қаҳру ғазаб соврилди елга —  
Елдан уни қилмайман талаб.  
Энди раҳмим келгани келган  
Нотўқис бу дунёга қараб.  
Дўстларимнинг азиз бошида  
Айланади қилич сояси —  
Эримайди кўзим ёшига

Мустабидлик — шайтөн қояси.  
Чарх ўйинин ташлайдыгандай...  
Қатlamга тиғ қайрайди ғаним.  
Гүё мангу яшайдигандай,  
Олмагандай ўлимдан таълим.  
Дўстим, сенинг жонинг беқалқон,  
Ғаним, нима умрнинг нархи?..  
Бир кун ҳаёт бўлади армон —  
Сизга раҳмим келади, раҳмим!  
Подшоҳларга раҳмим келади,  
Даҳоларга раҳмим келади.  
Фуқарога келади раҳмим,  
Бечорага раҳмим келади.  
Хасларга ҳам раҳмим келади,  
Пастларга ҳам раҳмим келади,  
Үқларга ҳам келади раҳмим,  
Йўқларга ҳам раҳмим келади.  
Мушти туғик, ранги бўзарган  
Ҳазабкор бу дунёдан толдим.  
Эзгуликни гулдай кўтарган  
Кўнглим билан юзма-юз қолдим.  
Бу очунга қанча гул бердик!  
Қай тикондан, кўнгил, ёмонлар?..  
Фаришталар гулларни терди,  
Гул олмади аммо шайтонлар.

\* \* \*

Одамларга кўча-кўйларда  
Вужудингиз кетар қўшилиб.  
Гўё эзгу, одил ўйларда  
Бораётир оллоҳ қўшини.  
Зеро, кўнгил йўлбошли экан,  
Қибла эрур тўрт тараф бори.  
Тўрт тараф ҳам бир кун, даъфатан  
Олиб чиқар ҲАҚИҚАТ сори.

Аммо Шайтон ажратиб қўйди  
Бу дунёнинг инсонларини.  
Одамларнинг қалбида қурди  
Чегаранинг тиконларини.  
— Мен билан юр!  
— Мен бошқа йўлдан...  
— Сен — душманим!  
— Сен ҳам менга ёв!  
Кўнгил йўли элтгувчи маскан  
Яктолигин англамас бирор.  
Ғазаб асир олмишdir сизни,  
Бесабрлик — энг улуғ расм.  
Асримайсиз бир-бирингизни...  
Энди сизни худо асрасин!

### ОНАМГА ТАСАЛЛИ

Ҳамма мендан миннатдор,  
Ҳамма очади қучоқ.  
Аммо қайдан қадалган  
Елкамга бунча пичоқ?

Пичоқ камайса бўлди —  
Қайтариб бермайман мен...  
Она, хавотир олманг,  
Елкам — осмон каби кенг.

\* \* \*

Хайр-хўш йўқ — жўнайман бехос  
Софинчнинг ҳур сўзига кўниб.  
Бойсун менга чиқади пешвоз  
Оқдовонда бойчечзак бўлиб.  
Адирларнинг чўнг елкалари  
Алвонлашиб бораётган пайт,  
Мен беуқув соғинчим билан

Бойчечакка тўқийман бир байт.  
Тоғдан келар шамол — қор исли,  
Баҳор бўйи уфурар даштдан.  
Қишининг улкан ҳасратин митти  
Чечак сўзлаб берар бир бошдан.  
Шаҳарга юр, десам — кўнмайди,  
Бош чайқайди, илдизнинг қули...  
Узилсанг ҳам сира ўлмайсан,  
Ҳеч сўлмайсан... Тўғрими, гулим?

## ДАШТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

*Эркин Аззамовга бағишладом*

Тоғлар кичрайди. Пасайди осмон.  
Яшаб бўлмайди-ку, ахир энгashiб...  
Жўнадим баландроқ осмонлар томон,  
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди...

Мени ишонмади уфқларга у,  
Дош бериб тезликнинг шамоллариға  
Ортимдан югурди, югурди ёҳу,  
Қоқилиб темир йўл шпалларига.

Вагонга чиқазиб қай бир бекатда,  
Койидим.— Бу ишдан зарра йўқ маъни!..  
У руҳсиз чўзилди тепа қаватга,  
Билетсиз ва пулсиз йўловчи каби.

Сўнг шаҳар кўчаси, хиёбонлари  
Аро кездим — жойлаб дилимга уни —  
Одаму машина оломонлари  
Тептаб ёғишимасин кун-кундуз куни.

Давру даврон сурдим ҳар ҳафта кўчиб,  
Ижара уйларнинг шавқи ёдимда!

Қаттиққұл хұжайин күзидан чұчиб,  
У беун яшади менинг ёнимда.

Мұхаббат ловуллаб кирди юракка,  
Илк бора аламли сүзлар тингладим:  
Юзларимни босиб хасу хашакка,  
Даштимни қучоқлаб тұнлар ńигладим.

Баҳорда күкариб, кузда сарғайиб,  
Сукунату қорга ўраниб қиша,  
Ғұра шеърларимга боқди мунгайиб...  
Хуллас, содиқ бұлди ҳар әзгу ишда!

... Аммо, нима қилиб қўйди бу йиллар!  
Гарчи мен, мунаққид айтгандай, «ўсдим»  
Үртамизга кирди қай айёр жинлар,  
Кўп хона уйимга сиғмайди дўстим.

Ялинаман унга:

— Бор, Бойсунга бор!  
Шаҳарга ярашмас саҳроиң сўхтанг.  
Борсанг — шамол тайёр, ёмғир ҳам тайёр,  
Тоғлар орасида яшайсан кўркам.

Панду насиҳатлар бериб толаман,  
Алдайман:

— Юр, кетдик ифор тергани.  
Ҳар баҳорда довдираб Бойсун бораман.  
Бойсунга даштини ташлаб келгани.

Қайтаман. Аммо дашт сезиб улгурап...  
Дош бериб тезликнинг шамолларига,  
Ортимдан ҳаллослаб, шошиб югурап,  
Қоқилиб темир йўл шпалларига.

Уйимга гезариб кириб келаман,  
Мени асра энди, инглизча қулф!

Шундоқ остонада дашт қолар гаранг,  
Эшикка термулиб «уф» тортади... «уф!»

Мана, тонг өнгіда ишга кетяпман.  
Юрак, азобдасан — қандай дард әзар?  
Жунжикиб, әгасиз ит каби ғамгин  
Вокзал майдонида ёлғыз даңыт кезар...

\* \* \*

Бұлар эди шундай байрамлар  
Болалигим әртакларида:  
Киярдилар қызылар күйлаклар  
Гуллар тикиб этакларига.

Супирилган ҳовлилар тонгда  
Очиб сокин дарвозаларин,  
Жойлардилар онгларга, жонга  
Хушпулаклар овозаларин.

Гул очарди ҳамма дәрахтлар —  
Камтар беҳи, нағис олуча...  
Одамларнинг усти ярақлар —  
Эски ковуш, янги олача.

Тараларди шивитлар ҳиди  
Ҳарир жисмин ҳавога қориб.  
Мўйсафидлар — виқорли, жиддий —  
Ўйинчоқлар қиласарди харид.

Бахши гирдин давра ўради —  
Чоҳдан чиқиб яйрарди достон.  
Гул борлигин күзлар кўрарди,  
Кўрар эди борлигин осмон.

Бұлар эди шундай байрамлар  
Болалигим әртакларида.

Гул тикканда чевар кўкламлар  
Бойсунтоғнинг этакларига.

Энди менинг умримга абад  
У байрамлар бўлмагай меҳмон.  
...Тутаб ётар товалар фақат,  
Фақат қозон қайнайди, қозон...

\* \* \*

Бу тош ғариб эди тоғлар пойида  
Қоялар қошида жуда хор эди.  
Тенг эди пастрларнинг чангу лойига,  
Ҳиммату мададга балки зор эди.

Мен келдим. Тош бўлиб йиглар эди тош —  
Софиниб юксакнинг ҳаволарини.  
— Тошжон!— дедим,— Тошжон! Қўй ўзингни бос!  
Англадим дардингнинг даволарини.

Мен тошни кўтариб тоққа жўнадим,  
Урларга ўралардим қаддимни букиб.  
Сирқираб майишди ҳар бир сўнгагим,  
Пешона теримни жаладай тўкиб.

Фалакка сапчири борган сари йўл,  
Қутуриб қўзғалди ўрнидан жарлар.  
Менинг оёғимда энди титроқ мўл,  
Менинг товонимда беҳисоб хорлар.

Тош бўлса, тош бўлиб ётар елкамда...  
Тобора танимни тарк этмоқда куч.  
— Тошжон!— дедим,— Тошжон! мен бир елканман.  
Мендан мадад ол-да,  
Энди ўзинг уч.

Залворидан бошқа бир саси йўқдир —  
Тош бўлса, тош бўлиб ётар елкамда.  
Суягим ғижирлаб йиқилдим охир —  
Мен — қотган тўлқинлар енгтан елканман!

— Тошжон! — дедим. — Тошжон! Мен адо бўлдим,  
Сен бундай ётмагин! Ўрнингдан тур! Бас!  
Мендан мадад кутма — жо бажо бўлдим,  
Ўзингдан кўмак топ — тоғларга тирмаш!

Тош бўлса, тош бўлиб йиғлади бетин,  
Беун лаънатлади, беун қарғади:  
— Мен юксалтирмай йиқилди нечун?  
Бу одам алдади,  
Мени алдади...

\* \* \*

Занжирларни уздим.  
Гулларни буздим.  
Охир зиндонни ҳам айладим вайрон.  
Эркин ҳаво билан ҳур базм туздим —  
Үйнадим беармон,  
Кулдим беармон.

Мендан кулма, бола!  
Ҳей, мендан кулма...  
Сезяпман, курашли тақдирларингни.  
Бузмоқ — энди сендан,  
Узмоқ — энди сендан —  
Менинг мен кўрмаган занжирларимни.

\* \* \*

Тун ярмида саратон ҳам  
Ҳокимлигин ташлади.  
Кўкси ҳамон ёниб ётар  
Ялангдаги тошларни.  
Пастда эса сой оқади  
Юлдузлари йилтираб.  
Салқинида шабодалар  
Кезинишар дийдираб.  
Тошлар бирдан жовдирашиб  
Боқишар теваракка.  
Сўнгра қатор чиқишиади  
Елғиз оёқ йўлакка.  
Лапанглашиб, судралишиб,  
Пишнаб боришар бари —  
Энг чидамли, энг армонли  
Дунёнинг гўдаклари.  
Секин-секин боришади  
Бир-бирини судрашиб.  
Бир-бирига йўл беришиб,  
Бир-бирини суяшиб.  
Секин-секин боришади...  
Пастда эса оқар сой —  
Қучорида чўмилади  
Титраб титраб тўлин ой.  
Тошларнинг чўнг танларида  
Бир беукув ҳаяжон...  
Ногоҳ хўроz қичқиради,  
Қўринади ногоҳ тонг.  
Чўмилаётган юлдузларин  
Самоват йига бошлар.  
Шошибгина, мустаргина  
Ортга қайтишар тошлар.  
Ялангликка чўзишишар  
Улар яна беозор.

Чатнаб кетган танларида  
Ҳозир тушган ёриқ бор...

Оролдан то Ўшга қадар  
Жазирама бошланди...  
Кўкраклари қизиб борар  
Ўзбекистон тошларин.

\* \* \*

Юравер. Қолма йўлдан.  
Қолган қолар. Ачинма.  
Чўчима ҳеч нарсадан —  
Ўзбекистон олдинда.

Ботир бўл. Олға югур.  
Қўрқма ҳар хил қотилдан.  
Ахир, тоғдек суюнчинг —  
Ўзбекистон ортингда.

\* \* \*

Мен баҳтдан бебаҳтлиғ топдим — оқибат гап шунда,  
Роҳатдан заҳматни топдим — оқибат гап шунда.  
Шафқату раҳматни топдим деб ўйладим бекор,  
Қарғишу лаънатни топдим — оқибат гап шунда.

Теграмда «ё ҳақ» деб жинлар, шайтонлар кездилар,  
Билмадим, қай фалакда пок имонлар кездилар,  
Бу гулистон ичинда кўп илонлар кездилар —  
Дўзахий жаннатни топдим — оқибат гап шунда.

Руҳимга айтдимки, энди уйғон — самандар бўл,  
Қонимга айтдимки, энди қўзғол — қаландар бўл,  
Қўксимга айтдим, кураш ўтида мунаввар бўл,  
Ўзимдан ҳимматни топдим — оқибат гап шунда.

Кўп сўэни ёздим, аммо қофозга рост тушмади,  
Ақлимдан тош тушмади, кўзимдан ёш тушмади,  
«Ватан»дан бошқа бир сўз қалбима мос тушмади —  
Шу сўздан журъатни топдим — оқибат гап шунда.

Умримни ҳадя этарга, хайрнят эл бордир,  
Жон берарга Сир-Аму ўртасида ер бордир.  
Ўлсам арзир, қолсам арзир — қалбимда эрк бордир,  
Бенажот шиддатни топдим — оқибат гап шунда.

### ҚИШКИ КЕЧАЛАР

Узун кечалар келди.  
Хатони кашф этмоқни,  
Хатони маҳв этмоқни  
Ўйлашга етди фурсат.  
Узун-узун гуноҳлар  
Чуваланиб, томоқни  
Сиртмоқ мисол ўрагай --  
Жимгина боқар зулмат.  
Узун кечалар келди,  
Узоқлашди шомдан тонг.  
Қайга бошлаб борар бу  
Хотиранині йўллари...  
Мендан ҳадик олмагин,  
Сени сотмайман, замон.  
Бирорнинг бўғзида мас,  
Уз ёқамда қўлларим.

\* \* \*

Қишига «хайр-хўш»ни ийманиб айтди,  
Баҳорга — кўнгли бор — ним жилмайди март.  
Мёнинг кетган дўстим бир тунда қайтди,  
Бир тунда куртакни ёриб чиқди барг.

Мен боққа югуриб чиқдим. Қўлимға  
Ишонмай, лабимни текказдим — ўша!  
Бу ўша — кузда жим борган ўлимга,  
Тупроққа қоришган — одамга ўхшаб.

Ахир, сирлашганман у билан қанча!  
Саҳарлардан яна отгунича тонг,  
Яшилликдан токи хазон етгунча,  
Руҳим қувонганча, қийналганча жон.

Ҳамиша бор эди бир улқаң баҳтим —  
Боғда сайр қиласкан, бир лаҳза тўхтаб,  
Тинглардим елдаги юракча зарбин,  
Сўнгра ҳузурига борардим йўқлаб.

Не шивирларди?  
Яшаш қувончин,  
Ўлимнинг даҳшатин айтарди такрор.  
Куларди ям-яшил кўнглини очиб —  
Бирор тушиндими барг ҳам баҳтиёр.

Барг, нега ўйландинг?  
Нега ҳайронсан?  
Наҳот, ҳали сенда йўқдир хотира.  
Тушундим — у баргга мен спигил, дейсан,  
Дейсан — ишонмасанг, дараҳтдан сўра.

Мени ая, эй, барг! Мени аягин!  
Айтгин: мен — ўша дўст — келдим фанодан..  
Кўнглимда нур сочган яшил чироғим,  
Наҳотки барглар ҳам қайтмас дунёга?

Мени алда, эй, барг! Алдагин, майли!  
Қара, вужудимда руҳим — қари қуш.  
У энди янги дўст ортиrolмайди —  
Кетган дўстларини соғинар ҳануз...

Мен боқقا югуриб чиққандим далли,  
Барг билан гаплашиб, серрайдим бебаҳт...  
Сен нега берасан менга тасалли,  
Сендан ўрганайми яшашни, дараҳт?

\* \* \*

Азиз Абдураззокқа

Дараҳтларни зулумот кўмди.  
Дараҳтларга қарғалар қўнди.  
Зулумотни оралаб, нохуш  
Қанот қоқиб ўтди бир бойқуш.  
Бир ваҳима!.. Ҳасрат!.. Шўрлик тун  
Деразангга суюнди беун.  
Хонанинг бир бурчида чироқ,  
Сендан тортди ўзини йироқ.  
Юлдузлар йўқ қора фалакда...  
**Сен хонангда шу қадар якка —**  
Не учун, деб ўкирмоқ мумкин,  
Исён қилмоқ, сўқинмоқ мумкин...  
Сен-чи, тунга боқасан шу пайт.  
Тилларингда айланар бир байт:

«Куз! Ҳасратда адо бўлган куз!  
Боғда яланг юрмагин, ер — муз...»

## ҚОЗОҚ ШОИРИ КЕНГИШЛИҚ МИРЗАБЕКОВ ХОТИРАСИГА МАРСИЯ

Улим бордир — тириклик юксалишда доим ҳушёрдир.  
Тирикларга тириклиқдан жабру ситам лек бисёрдир.  
Қаро тупроққа кирмоқдан энди мен не учун қўрқай —  
Қаро ернинг тагида сен каби бир яхши бир дўст  
бордир.

## ЯХШИ ОДАМ

У — осмондан тушган даҳрий қуш,  
Еқиб юксак ҳаётларини,  
Одамларга инъом қиласар хуш —  
Юлдуз ҳидли қанотларини.

Ошналикка уни танлашар.  
Қўйлак каби, пойабзал каби.  
Ҳамма билан кечдан тонглашар,  
Аммо хира бўлмайди таъби.

Майсалардай яшар оламда,  
Айёр-айёр ишлардан басир.  
У одам деб боқар одамга  
Ва тушади ҳаммага асир.

Ҳаётга кўп тикилиб боқмас,  
Бир қараса — ҳамма гап аён.  
Жилмайганча туради бесас,  
Унга заҳрин тўкаркан чаён.

У шаробни бирдам совутар,  
Қўзин юмиб симирап дам-дам.  
У ўзини ўзи овутар,  
Овутади бошқаларни ҳам.

Тортинчоқни жилмайиб суяр,  
Далда берар журъат узатиб.  
**У** ҳаммани кузатиб қўяр,  
**Уни** ҳеч ким қўймас кузатиб.

У ҳеч кимга қадрли эмас,  
Ҳеч ким билмас асл отини.  
Ёлғондан ҳам «ёлғизим» демас,  
**Унинг** ростгўй,  
Эроқа хогини...

\* \* \*

Саҳро — чексиз жондор — мени ютади,  
Ютади тўрт тараф — тўрт тубсиз уммон.  
Тундай фожиамни тунлар кутади...  
Хавотир ҳоритди. Мен қурдим қўрғон.

Унинг деворлари нақадар баланд!  
Тирмашиб ярим тун аранг чиқар ой.  
Қиличлар синади. Ўқ беради панд.  
Бекорга чираниб титранади ёй,

Қўрғон! Ўзим — қўрғон, ҳей, баланд қўрғон!  
Собит деворларинг нечун толмайди?  
Душман киролмайди сенга ҳеч қачон,  
Аммо дўстларим ҳам кира олмайди.

Эркин яшолмадим ёруғ дунёда...  
Теграмда, оҳ, қанча қўрғонлар бордир.  
Фақат бир ҳикматни билдим зиёда —  
Кураш мудом кенгdir сокинлик тордир.

Фалокат, кириб кел қўрғонларимга  
Темир дарвозани йўлдан оздириб...  
Кўксимнинг юраксиз томонларидан  
Са ҳро — чексиз жондор келар бостириб.

\* \* \*

Қаро тунда -- Бойсун тоғида  
Учта дўстим ёқади гулхан.  
Ва гулханинг теграсида  
Қоронгулик энич тортар бирдан.  
Арчаларнинг тинч шохларида  
Липиллайди гоҳ нур, гоҳ кеча.  
Дараларнинг адoғларида

Тош оралаб отлар туп кечар.  
Хаёл ичра тинч оқар суҳбат —  
Савол ухлар, мизғийди жавоб.  
Тоғ бағрида тоғларни қўмсаб,  
Учта дўстим ичади шароб.  
Шаҳардан бу йироқ осмонда  
Ҳамма юлдуз порлоғу йирик.  
Қорли тоғлар сокин бу онда  
Усишади осмонни йириб.  
Юраклардан кетар изтироб,  
Юракларга киради кўклам.  
Учта дўстим — уч подшоҳ шу тоб —  
Улар мени эслашмайди ҳам.  
Учта дўстим ёқади гулхан,  
Худди тушдай оқар сўзлари...  
Кенг фалакда омонат турган  
Юлдузимга тушмас кўзлари ...

## ҲОРИШ

Чорладим: кел, қуёшим!—  
Тонгимни бердим қурбон.  
Уфқ қуёшни ютди —  
Кундузларим бўлди шом.

Қоп-қора кечадаман —  
Қичқираман, бўзлайман.  
Ўзимни ҳориб кезиб,  
Ўзимдан тонг излайман.

Қуёш, сен-ку чиқасан,  
Борлиқ тўлар зиёга.  
Аммо менинг қўксимда  
Тонг келурми дунёга?

Тангри масман, бандаман.  
Кундуздан кечалар кўп.  
Кўксим тонглар мазори —  
Кўксимда тирик тонг йўқ.

\* \* \*

Гуллар ҳидин уфурар,  
Шамол ўйнайди даштда.  
Пешонангда юлдуз бор,  
Исминг бор — Юлдузқашқа.  
Оёғинг узун-узун,  
Қизникидай белларинг.  
Елда танинг дириллар —  
Ингичкадир феълларинг.  
Ҳали темир сувлиқлар  
Лабларингни йиртмаган.  
Ҳали михлар жизиллаб  
Туёғингга кирмаган.  
Бесабр шиддат қўзғар  
Даштларнинг чексизлиги.  
Кишнайсан, ўйноқлайсан —  
Билмайсан эрксизликни...

Ҳавода нима учди —  
Шувиллаб кетди бу он.  
Бўйнингга нима тушди —  
Илонми ёки арқон,  
Ўзингни ҳар ён отма,  
Кўникавер, жонивор,  
Юлдузни кўқдан узар  
Тулпор бўласан, тулпор.  
Арқон қилдан тўқилган —  
Унга кетмайди шерлик...  
Баданинг бир сесканди —  
Сағрингга тушди терлик.

Аччиқ нола қилмагин,  
Кўникавер, жонивор,  
Барча отлардан ўзар  
Тулпор бўласан, тулпор  
Икки ёнингга бу дам  
Икки соя узалди.  
Бағрингга муздай теккан  
Узангидир, узанги.  
Эрка-эрка алдоқقا  
Кўникавер, жонивор.  
Ҳеч кимга улоқ бермас  
Бало бўласан, тулпор...

Уфқ бирдан «қарс» этди,  
Бостириб кирди даштга.  
Оlam энди тор бўлди —  
Кўнигкин, Юлдузқашқа.  
Тишларинг зирқиради,  
Оғзингга тушди буров.  
Юлдузқашқа, лол бўлма,  
Энг даҳшатли шу — жилов.  
Бу одамлар ҳеч бир отни  
Тулпор этмас, қилмай хор.  
Энди жилов қайга бурса  
Кетаверасан, тулпор.

---

## БАЛЛАДАЛАР

### БИРИНЧИ БАЛЛАДА

I

К е н ж а б о т и р

Кетгим келаяпти, акалар, кетгим...

Т ў н ф и ч б о т и р

Укам, англаб етгил, замин — юмалоқ.  
Майли, бир шаҳд қил-да, Мағрибга етгим,  
Эртаси Машриқдан қайтасан бироқ.

У р т а н ч а б о т и р

Қанча югурмагил битта макон бор,  
Бошингда айланар бир барҳақ замон.  
Кетма, укажоним, бўларсан хор-зор,  
Учириб кетади руҳингни тўфон.

К е н ж а б о т и р

Кетгим келаяпти, акалар, кетгим,  
Жодугар уфқлар тортар ақлимни.

Т ў н ф и ч б о т и р

Чиранма, укажон, яшайвергин жим,  
Кун кўргин қадрлаб сокин баҳтингни.

Уртанча бот

Дарахтга қарагил, бир жойда ўс,

Кен жа ботир

Иўқ, у ўсајпти осмонга тикка!  
Оламни чарх уриб айлангим келар  
Илашиб, қўшилиб бир ёруғликка...

II

Кен жа ботир

Акалар, мен қайтдим!

Уртанча ботир

Қани, қайдасан?

Тұнғиҷ ботир

Үзингни йўлларда қийнадинг бекор,  
Биз сенга айтдик-ку — бир кун қайтасан,  
Бу илиқ маконни айлаб ихтиёр.

Уртанча ботир

Биз сенга айтдик-ку, замин — юмалоқ,  
Югурган одамнинг аҳволи қизиқ —  
Югуриб-югуриб қараса бир чоқ  
Олдидан чиқади ўз уйи сузиб.

Кен жа ботир

Акалар, соғиндим!

**Уртанича ботир**

Қани, қайдасан?

**Кен жа ботир**

Тубанга қараманг, юксакка боқнинг!

**Түнғиҷ ботир**

Қанақа сафсата гаплар айтасан...

**Уртанича ботир**

Қандай маскан қилдинг фалакнинг тоқиби!

**Кен жа ботир**

Югурдим — баландга ўрлади қалбим,  
Югурдим — қанотга айланди қўллар,  
Югурдим — эшитиб замоннинг зарбин,  
Югурдим — баландга кўтарди йўллар.

**Түнғиҷ ботир**

Қани, пастга тушгин, пастга туш, тезроқ!

**Уртанича ботир**

Бизни тупроқ билма — ёшимиз улуғ.

**Кен жа ботир**

Ииллар манглайимга ёзганин шундоқ —  
Энди тегишлиман саломга тўлиқ.  
Юксакдан бир қаранг:

Нақадар бадис,  
Нақадар димиққан сиз турган макон.  
Унинг қучоғида йўқолар беиз,  
Оқмасдан бир жойда бижғиган замон.  
Қўйинг тубанларни!  
Юксакка чиқинг!  
Югуринг — сиз билан юксалсин ҳаёт!

### Тұнғиң ботир

Пастга туш! Ғазабим келмоқда лекин...

### Уртандың ботир

Тубанла! Юксакда нима бор, саёқ?

### Кенжә ботир

Акалар, не учун бунчалар қаҳр,  
Нечун қурол пайдо қўлларингизда?  
Мен сизга юксалинг деяпман, ахир,  
Учиб, ботқоқвужуд қўлларингиздан  
Акалар, шошилманг!..

Оҳ, умрим абас!..  
Үқ тегди... Бир қалқиб тўхтади юрак...  
Юксакка тиригим, наҳот, керакмас,  
Наҳот, тубанликка жасадим керак?..

## ИККИНЧИ БАЛЛАДА

### Кенжә ботир

Менинг қўлим бўшмас,  
Менинг қўлим банд.  
Йиллар сезмадингиз — йиғладим беун.  
Иккита қароқуш — иккита калхат,

Иккита кўзимни чўқиди кун-тун.  
Иллаб сезмадингиз — қулади осмон.  
Иккита қўлимни кўтардиму даст  
Уни тутиб қолдим...

Бечора инсон

Ерда ҳасрат билан йўқ бўлмаса бас.  
Менинг қўлим бўшмас,  
Менинг қўлим банд.  
Мени «оғам» деган ботирлар қайдা?  
Кўзимни чўқийди иккита калхат  
Жоним оғримоқда...  
Калхатни ҳайданг!  
Қафталарим куймоқда кавкаб чўғидан,  
Қўлларим елкамга бормоқда ботиб.  
Калхатлар эгилар қорачигимга,  
Дунёни қонимга ташлашар қотиб.  
Мен сизга ҳеч қачон зорланганмидим?  
Жонимдан тўйдирди  
Калхатлар роса..  
Қаранг, шом шафағи — қип-қизил бетим,  
Қўзларим қон тўла иккита коса.  
Ботир акаларим, қилинг ҳамият,  
Қўл силтанг!  
Қочишар — калхатлар қўрқоқ.  
Ахир, қузғунларга ем бўлсам — уят,  
Қўлимда осмонни кўтарганим чоғ.

### Уртанча ботир

Ақлли боласан, боқсам тарзингга...  
Яна бир оз чида,  
Қолмайсан ўлиб...  
Ахир мен турибман мумтоз таъзимда,  
Қара, кўксимда-ку иккита қўлим.

### Тұнғиң ботир

Укам, кечир мени!  
Ұзи ҳолим танг...  
**Құлым банд.**  
Ҳаммани ит каби тищлаб,  
Бир асов улоқда қатнашайпман,  
Қандайдир тахтчанинг оған ушлаб.

### Кен жа ботир

Акалар, осмонни тутиб турибман,  
**Қонимни ичмоқда** қалхатлар --- ташна...

### Уртанча ботир

Сенсиз ҳам қанча ғам ютиб турибман...

### Тұнғиң ботир

Қалхатларни ҳайды  
Осмонни ташла!

### Кен жа ботир

Менинг ташвиши күл бечораларим,  
Ахир, яшаяпман сизге баҳт тилаб.  
Ахир, мен осмонни қандай ташлайин,  
Осмон бошингга тушар-ку қулаб.

## УЧИНЧИ БАЛЛАДА

### Кен жа ботир

Маликам, тулпорим тердан қорайди,  
Құҳи Қоф тарафдан құзғолди тұғон.

Қуёш қочиб кетди, олам торайди..  
Девлар ортимиздан келар бегумон!

### М а ли ка

Ботирим, девлардан қўрқмоғим ордир,  
Севгинг — қўрқинчларни айлади бекор.  
Менинг бир сеҳрли тароғим бордир,  
Ташласам, йўлларни тутгай чангальзор.

### К е н ж а б о т и р

Маликам, чангальзор ўтдай ўрилди,  
Иўқ бўлди, кул бўлди — бир боғ хас каби.  
Яна ортимиздан девлар қўринди —  
Оҳ, бизни ажратмоқ улар матлаби!

### М а ли ка

Ботирим, девлардан қўрқмоғим ордир,  
Севгинг — қўрқинчлардан айлади озод.  
Менинг қудрати зўр бир кўзгум бордир,  
Ташласам, улкан кўл бўлади бунёд.

### К е н ж а б о т и р

Маликам, махлуқлар йўқотди кўлни,  
Шўрлик кўл қуриди — буруқсиб, буғланиб,  
Девлар келаяпти чангитиб йўлни —  
Ғазабдан кўкариб, тутаб, чўғланиб.

### М а ли ка

Ботирим, девлардан қўрқмоғим ордир,  
Севгинг — менинг учун тасалли зиё.

Менинг бир сеҳрли қайроғим бордир,  
Ташласам, баланд тоғ бўлади пайдо.

### Кен жа ботир

Маликам, тогимиз сув бўлиб оқди,  
Эриди, йўқ бўлди метин тошлари.  
Девлар келаяпти — машъаллар ёқиб,  
Булутларга тегиб тоғдек бошлари!

### Малика

Ботирим, девлардан қўрқмоғим ордир!  
Севгинг — менинг учун беҳадлик дунё.  
На қайроқ, на тароқ, на кўзгум бордир,  
Энди мен учун сен борсан танҳо.

### ТУРТИНЧИ БАЛЛАДА

#### Гуллари

Жоним, очман,  
Жоним, ҳолим танг...  
Севгим ҳаққи,  
Бир парча ион бер.  
Қора ботир — қурумсоқ эгам,  
Қора ботир — марҳаматсиз эр!

### Қора ботир

Тандирларда пишмоқда ионим,  
Бир парчаси сенга муқаррар.  
Бир кўзингни  
Бер фақат, жоним,  
Кўзинг гавҳар — бебаҳо гавҳар.

## Гулпари

Енаялман —  
Жоним, ташнаман,  
Севгим ҳаққи,  
Бир томчи сув бер.  
Фақат бошқа азоб бошлама,  
Қора ботир — шафқати йўқ эр.

## Қора ботир

Дарё тошқин — ошар соҳилдан,  
Бир томчиси сенга<sup>1</sup> муқаррар.  
Фақат бергин,  
Бу кўзингни ҳам...  
Кўзинг — гавҳар,  
Энг асл гавҳар.

## Гулпари

Қора қилдинг ёруғ оламни,  
Яна нечун қийнайсан, ахир!  
Инглатасан —  
Кўрлигим камми?  
Қора ботир,  
Қоп-қора ботир!

## Қора ботир

Ингла, пари,  
Хун бўлиб ингла,  
Дарё бўлиб ингла, муштипар!  
Хазина бор оққан ёшингда,  
Ҳар бир ёшинг —  
Бир дунё гавҳар.

## Гулпари

Тўлғанаман қийноқда беҳол  
Қамчи гулдек танимга ботур...  
Үлдир мени. Кел, ўлдира қол!  
Қора ботир!  
Зим-зиё ботир!

Қора ботир

Асрагайман жонингни тун-кун,  
Зинданнинг тош қафасларида.  
Мен оламга  
Гулни кўрсатгум  
Гул унмоқда нафасларингдан.

## БЕШИНЧИ БАЛЛАДА

Кичик одам

Менга шафқат қилгин, айлагин карам,  
Ҳузурингга келдим, кўзимда ёшим...  
Қарагин ҳолимга, эй улкан одам,  
Қарагин,  
Елкамда бироннинг боши.  
Билмайман, бошимни ким олиб кетди —  
Дунё билганича афсона айтар,  
Ортиқ чидолмайман —  
Дил ёниб кетди,  
Улкан одам,  
Менга бошимни қайтар!  
Қандай қўрқинч бўлди сен қурган дунё!  
Ҳамма елкаларда бироннинг боши.  
Ким ўзин бошини авло билса, о,  
Совуқ ўлкаларда қолди-ку лоши.  
Энди «борса келмас» йўллари бекор,

Осмон — узоқ эмас,  
Ер — қаттиқ эмас.  
Ўзга бош остида қалб қолмасин хор —  
Менга ўз бошимни  
Қайтариб бер, бас!  
О, менга қанчалар лаънат айтишди.  
Сўкишди:  
«Муғамбир, ўғри, муттаҳам!..»  
Менинг танамда ҳам исён етишди —  
Яшагим келмоқда.  
Ўз бошим билан!

### Улкан одам

Майдо одам.  
Жуда чарчадим мен ҳам —  
Ўзимнинг бўшидан кўпайтиб нусха...  
Шу тонгда кўзимни очдиму, бирдан —  
Англадим:  
Бу касбнинг умри кўп қисқа.  
Қандай зерикарли экан бу олам!  
Ўйламай, бир хил ранг чалпиб ташлабман.  
Қай фикр чиқмаса менинг бошимдан  
Қанотини кесиб,  
Топтаб ташлабман.  
Юрагим сиқилиб яшадим ўзи...  
Ким билан учрашмай, қайга бормайин,  
Тиллардан тўкилар  
Ўзимнинг сўзим,  
Ўзимнинг йўриғим —  
Айтилар тайнин.  
Истиқбол уфқа саробдай ботар...  
Қарсақлар шиддати  
Бораркан тошиб,  
Барча елкаларда бамайлихотир  
Турар менинг бошим,

**Бир менинг бошим.**  
**Аммо мен ақлимни еб қўйганим йўқ.**  
**Асрадим ҳамманинг бошини алҳол.**  
**Ана, омборларда ётибди тўп-тўп,**  
**Узингнинг бошингни**  
**Бор-да, топиб ол!**

### К и ч и к о д а м

**О, қанча таниш бош!**  
**Кўп экан роса...**

### У л к а н о д а м

**Энди бу бошларнинг тақдиди аниқ:**  
**Эртага оламга қилгум овоза —**  
**Кимга боши керак —**  
**Қилсин эгалик.**

### К и ч и к о д а м

**Мардликда, улуғ зот, Хотамдан ошдинг,**  
**Мен шўрлик айтган бир додга етяпсан...**

### У л к а н о д а м

**Майдо одам!**  
**Шошма!**  
**Уз бошинг қолиб,**  
**Яна ўзга бошни олиб кетяпсан.**

### К и ч и к о д а м

**Мудом шундай:**  
**Дилга қувонч келган пайт,**  
**Киши ўз бошини йўқотар бирдан...**

Улкан одам,  
Энди бир сирни ўргат:  
Мен қандай яшайман  
Үз бошим билан?

## ОЛТИНЧИ БАЛЛАДА

### Қора ботир

Фалакни ғуборга тўлғазиб кўрдим,  
Дўстимни ўлдириб топдим фароғат.  
Шубҳага алмашдим ишончнинг ўрнин,  
Онамни зўрлатдим.  
Қилдим хиёнат.  
Оти йўқ эгарга элимни сотдим,  
Душманга «оғам» деб айладим таъзим,  
Шайтондан минг баттар қарғишга ботдим,  
Қўйган ҳар қадамим гуноҳи азим.  
Пойимда замонлар бўлдилар хазон,  
Ииллар ўтди —  
Юртнинг жигарин эзиб.  
Мен — Қора паҳлавон —  
Яшадим шодон,  
Ўзимнинг боламнинг тилини кесиб.  
Ногоҳ атрофимда денгизлар тошди,  
Беэга гўрлардан қўзғолиб исён —  
Комига ютгани  
Устимга шошди  
Энди қайга юрай,  
Эй, Оқ паҳлавон?

### Оқ ботир

Шўрлик Қора ботир, саволинг бекор.  
Ахир, жавобсиздир — кўнглинг кечадир.  
Үйлаб кўр,

Дунёниг қанча йўли бор,  
Дунёда инсоннинг йўли нечадир?

### Қора ботир

Менга қоронғидир дунёниг йўли,  
Ахир, одамларга йўл танлаш қайда?..  
Қувиб келмоқдадир ортимдан ўлим,  
Менга йўл кўрсатгин бир сокин жойдан.

### Оқ ботир

Мен айтган йўлларга кирмогинг душвор,  
Ҳақни кутиб турмоқ эҳтимол маъқул.  
Сотқинга энг аввал йўлдир қасоскор,  
Тавба-тазарруни қилмагай қабул.

### Қора ботир

Ахир, мен кирмаган йўл қолгани йўқ,  
Не ўжар йўлларни қилмадим таслим...  
Айтгин, қайси йўлга боролмайди ўқ,  
Қай жойда исёндан куламан вазмин?

### Оқ ботир

Ажал қаршисида титранма, ботир,  
Инсонга азалдан бир йўл бор — имон.  
Ана, у қаршингда қийналиб ётур,  
Бу қийноқ ичида юрмогинг гумон...

### Қора ботир

Йўлни кўрсатдингми, жим тургин, нодон,  
Таъналар қилмагин менга ўртаниб.  
Йўлларга кирмоғу чиқмоқлик осон,  
Ўзингни сотишни олсанг ўрганиб...

## ЕТТИНЧИ БАЛЛАДА

Худо, Шайтон ва Жаброил

Сабру тоқат топди-ку паймон,  
Тинглаб ғолиб хандаларингни.  
Нечун йўлдан урасан, шайтон,  
Менинг эрка бандаларимни?  
Ҳақиқатнинг йўли нимадир?  
Одамларга кўрсатдим аён.  
Йўлларини ёруғ этадир  
Олмос шуълалар — муқаддас қуръон...  
Ана, қара! Замин юзида  
Даврон сурар музaffer риё.  
Одамларнинг ризқу рўзига  
Макруҳ руҳинг тўкади зиё.  
Сен ундинг — сотилди имон,  
Сен ундинг — замон сотилди.  
Виждон йўли аталди ёлғон,  
Ҳаром — подиҳоҳ, ҳалол қотилдир.  
Сен дил билан тилни айирдинг,  
Жудо этдинг юракдан сўзни,  
Ҳақиқатни йўлдан қайирдинг,  
Олов дединг ялтироқ музни.  
Қўраяпман аршу аълодан  
Ҳар қадаминг фитна, макру кин...  
Шайтон, сени ёруғ дунёдан,  
Бугун беиз йўқотмоғим чин.  
Бор! Қетавер! Зулматингга уч!  
Сўнгги бор уч. Ёвузлик фахри!  
Бир лаҳзада мағзинг бўлар пуч —  
Етиб борса қасоскор қаҳрим...

Шайтон

Оллоҳ, тингла...

## Худо

Тингламайман, йўқ!  
Бугун умринг бўлғуси ғарот.

## Шайтон

Тангрим, эшит...

## Худо

Сўз — отилган ўқ,  
Мен сўзимдан қайтсан — қиёмат!  
Бор лаънати! Қалбютар манфур,  
Қўкда сўнг бор қанотингни қоқ.  
Узинг бузган дунёга охир  
Афсус чекиб, кўз ёш тўкиб боқ...

## Шайтон кетади

## Жаброил

Тангрим, қаттиқ кетмадингмикан?  
Оғир жазо шайтонга ўлим...

## Худо

Наҳот унинг сафида сен ҳам,  
Ҳақ ишида менинг ўнг қўлим?

## Жаброил

Тангрим, ҳаққа боқдингиз тикка,  
Жилванигизда олам мунааввар.  
Аммо ерни бошқармоқликда  
Хатолар ҳам бўлур муқаррар.

## Худо

Тушунмадим...

## Жаброил

Кўнглимдир равон...  
Хатоларки бор экан тангри,  
Тирик юрсин лаънати шайтон  
Шу тинчимас одамлар билан.  
Хатоларга шайтондир қалқон.  
Сизницидир Ердаги шараф...

## Худо

Ахир, нима бўлади имон?  
Майли, ўйлаб кўрамиз, ўйлаб...

## САККИЗИНЧИ БАЛЛАДА

— Юксакдан учиб келдинг,  
Патларингдан оқар тер.  
Эй, қуш, осмонда не бор —  
Қанотингдан сўраб бер?

— Шовиллайсан, эй, дарахт,  
Илдизинг ер бағрида.  
Илдизинг айтсин, не бор  
Қаро ернинг тагида?

## ТУҚҚИЗИНЧИ БАЛЛАДА

## Бош пари

Бешиклар ҳам олди аланга,  
Ҳар балога душман қодирдир...

Осойиш юрт — Боги Эрамга  
Олиб кетай Тўнғич ботирни.  
Душман ёққан ўтда ёнмасин  
Шундай қудрат, шундай шаън юрак...

### Кенжаботир

Ёв кетгай сўнг қолиб кетмасин,  
Қайтсин — юрт ҳам ботирга керак.

### Бошпари

Боши кесик — ўлмоқда шафқат —  
На қадр бор ва на юз-хотир...  
Рўй бермасдан бирор фалокат,  
Менинг билан Ўртанча ботир  
Ҳаялламай дарҳол отлансин,  
Боги Эрам — тинч маскан сари.

### Кенжаботир

Ёв енгилгач, қолиб кетмасин —  
Юрт ҳам керак ботирга, пари.

### Бошпари

Увол юртинг, бечора юртинг —  
Бегуноҳлар қабристони.  
Келгин, менинг қўлимдан тутгин,  
Тарқ этгин бу ғамгин маконни.  
Умринг ҳали баҳорги гунча —  
Очилсин қиши юртидан нари...

### Кенжаботир

Қетолмайман ёв енгилгунча —  
Мен элимга керакман, пари...

## УНИНЧИ БАЛЛАДА

### Сен

Сен кетасан: йўлинг — хатарли,  
Сен кетасан: манзилинг — йироқ,  
Йўллар ютса хату хабарни,  
Жонгинамни ўртаса фироқ,  
Юрагим ҳам сезмаса ҳатто  
Уз умрингга султонлигингни,  
Елғиз қолган мен бахти қаро  
Қандай билай омонлигингни?

### Мен

Мен кетаман: йўлларим — туман,  
Мен кетаман: саратоним — қиши.  
Бор-йўғимни сўра дарёдан,  
Юрагингни ўртаса ташвиш.  
Тиниқ-тиниқ тўлқинлар оқса,  
Ташвишингнинг хатолиги шу.  
Тўлқинларни қизил қон ёқса,  
Менинг умрим адолиги шу.

### Сен

Менинг куним ўтди қирғоқда,  
Илим ўтди дарёга боқиб,  
Жоним, умрим ўтди фироқда,  
Умрим кетди дарёга оқиб,  
Хотирангни жонга ўрайман,  
Кўзларимда ёш тизим-тизим.  
Бор-йўғингни, ахир, билмайман,  
Дарё қуриб қолди, азизим...

## М е и

Сенсиз кетдим — топмадим мурод,  
Сенсиз кетдим — чалқашди йўлим.  
Сенсиз кетдим — тугади ҳаёт,  
Сенсиз кирди руҳимга ўлим.  
Менга кўмак беролмас ҳеч ким,  
Сенсиз қолган жонимда алам...  
Қандай хабар берай, азизим,  
Бор-йўғимини ўзим билмайман...

## УН БИРИНЧИ БАЛЛАДА

К е н ж а б о т и р

«Борса, келар» — бойлик йўлидир,  
«Борса, келар» — ҳавоий шавкат.  
Катта акам шу йўлдан кетди —  
Қийналса ҳам, тортса ҳам заҳмат,  
Зарларини сочиб ҳавога,  
Ўз умридан ўзи дарс олиб,  
Лаънат айтиб ёлгон дунёга,  
Она, бир кун келади ҳориб...  
«Борса келар ё келмас» — хатар -  
Мансаб йўли, тож-тахт йўлидир.  
Эртак қадар ё сароб қадар  
Алдамчи йўл — бебаҳт йўлидир.  
Мард йигитдир ўртанчи акам,  
Тахти қалбга кўрмас муносиб.  
Қайтиб келар совуқ дунёдан,  
Шон-шавкатни хас каби босиб.  
Уч ботирни туққан, паноҳим,  
Қиблагоҳим, йиғламоқ нечун?  
Ҳар ким ўзи танлайди роҳин,  
Умри олар ҳар кимдан ўчин...

## О на

Сени учун йиғлайман, болам,  
Сени учун, Қенжә ботирим,  
Сенсан — менинг кўнглимдан кўчган  
Эзгу тушларимнинг хотири.  
Келгин, болам сўнг бор қучоқлай,  
Яна сени кўрмоғим душвор:  
Қўрқмай бўғзиңдаги пичоқдан  
Сайраётган қуш руҳингга ёр.  
Бошларингда дорлар чайқалар,  
Қўксинг — милтиқларнинг мўлжали.  
«Борса, келмас» йўли бу — қадар,  
Уқубатинг олдинда ҳали.  
Сен пайғамбар топдинг хатодан,  
Азоб тортмоқ — қалбинг учун иш.  
Ва англадинг: руҳ бу — худодан,  
Вужудни-чи? — шайтон яратмиш...  
Энди мангу алевдо, болам!—  
«Борса, келмас» сенга муқаддас.  
Ўзлигингни топарсан йўлдан,  
Ўзлигини топганлар қайтмас...

## ЎН ИККИНЧИ БАЛЛАДА

### Бойчибор

Жиловимни қўйиб юбор,  
Эй, суворий, эси паст.  
Жиловимни қўйиб юбор —  
Жондан ўтди-ку чанқоқ.  
Зилол булоқ, нажот булоқ  
Кунботар тарафдамас,—  
Жиловимни қўйиб юбор!—  
Кунчиқарда у булоқ.  
Түёғимга иссиқ қоним

Тикан бўлиб ботмоқда,  
Саҳро узра титрар оқшом —  
Тиниб бормоқда кўзим.  
Жиловимни қўйгин — сувлиқ  
Жағларимга ботмоқда,  
Қўйиб юбор,— у чашмага  
Ўзим элтаман, ўзим!

### Д о с т о н д а й ў қ од а м

Эркни унут, эрка тулпор,  
Эркни унут, феъли тор.  
Ташналиқни кўрмасам бас —  
Утарману кетарман.  
Менга қаттиқ тайинлашган —  
Кунботарда булоқ бор,  
Сени қурбон борсам ҳамки,  
Мақсадимга етарман.  
Иўлда жонлар қолса-қолсин,  
Бахт айлансин армонга.  
Аждар саҳро танимизни  
Қумларида ямласин —  
Тулпор, содиқ қолажакмиз  
«Олға» деган замонга,  
Куч топурмиз енгмоқликка  
Мехру шафқат ҳамласин.

### Б о й ч и б о р

Жиловимни қўйиб юбор,  
Нодонгина суворий!..  
Ялт-юлт этиб ўнгу сўлда  
Қолмоқда-ку чашмалар.  
Бу саҳрова иккимиз ҳам

Улиб кетамиз ҳориб,  
Тушунсанг-чи, биз ташналар,  
Мадори йўқ ташналар..  
Атрофимда югуради  
Саросима қирқ чилтон,  
Бир зум тингла, «чирқ-чирқ» этар  
Алломишининг арвоҳи...  
**Нодон!**  
Мақсад — ўлишдамас,  
Мақсад — тирнклиқ, ишон!  
Мана, қумга тумшуқ тираб,  
Ўмганлаб қолдим охир...

### Достонда йўқ одам

Тулпор, нечун кўзларингдан  
Ешинг оқар шашқатор?  
Тиззасига бошинг олди  
Увлаб саҳрайи кеча..

### Бойчибор

Нодон одам, сенинг умринг,  
Менинг умрим ҳам бекор —  
Бойчиборсиз қолган элнинг  
Холи энди не кечар?..

### ЎН ИҚКИНЧИ БАЛЛАДА

Кўнгил — подшоҳ.

*Онамнинг галидан*

### Аёл

Тож-тахтинг йўқ сенинг, шаҳзодам,  
Салтанатинг, саройинг йўқдир.

Лашкаринг бор — бесаноқ ғамдан,  
Заҳматинг бор — парвойинг йўқдир.

### Э р к а к

Қаниздирсан ўзинг ўзингга,  
Икки қўлинг — қирқ хизматкор қиз.  
Сен ойдирсан менинг кўзимга,  
Осмонимда энг равшан, юлдуз.

### А ё л

Тангрим сенга шоҳ кўнглип берди,  
Шоҳ тақдирин тутди-ку йироқ.  
Эртаю кеч ризқингни тердинг,  
Қайнамади қозонинг бироқ.

### Э р к а к

Қимга қулман — ўзим билмайман,  
Бир кўринмас занжир қўлимда.  
«Бахт» дейману бир зум тинмайман  
Ва қўрқаман подшоҳ кўнглимдан.

### А ё л

Хаёлимнинг чексизлигида  
Орзуларим ёққанда гулхан,  
Исён қилиб эрксизлигимга,  
Кетгим келар ёруғ дунёдан.

### Э р к а к

Қўли қадоқ менинг маликам,  
Жонни аспа — бўлма куйинчак.  
Юрагимга тушди таълика —  
Сув бўйида учма ҳалинчак.

## А ё л

Бу дунё бир ҳалинчак, бегим,  
Хою ҳаво!.. Учганим бўлсин!  
Тўлқин бўлсин беланчак, бегим,  
Дарё тубин қучганим бўлсин...

## Э р к а к

Умр қайтиб келмагай яна,  
Эшит, бир бор берилар ҳаёт.  
Мен дарёни бекитдим... Маша!  
Ҳозир сени қиласман озод!..

## А ё л

О, шу ерда тугади эртак...  
Қара, қандай бефарқ ер осмон:  
Сен дарёни бекитолмайсан,  
Қайтолмайман мен ҳам ҳеч қачон!..

## ҮН ТЎРТИНЧИ БАЛЛАДА

### Э л б е к б а х ш и

Ерилтош, Ерилтош!  
Ёлғиз қолди гарид бош.  
Ерил, бағрингга кирай —  
Тошликка бўлай йўлдош.  
Қўзлар йиглаб кўр бўлди,  
Артмоқликка қўл қайдар?  
Фақат шайтон зўр бўлди,  
Одам майдар майдар.  
Ерилтош, Ерилтош!  
Йиглашга етмайди ёш.  
Одам бўлиб яшашга

Зарра қолмади бардош.  
Шамол бўлсанг, йўлингни  
Довон бўлиб тўсарлар...  
Қуш бўлсанг, чексизликни  
Осмон бўлиб тўсарлар.  
Ҳаво бўлсанг, танингга  
Заҳар сочиб қўярлар.  
Наво бўлсанг, бўғзингни  
Шартта янчиб қўярлар.  
Ҳамма ўгай бир-бирига,  
Ҳамма ғарибу сағир...  
Ерилгин тош! Ерил! Ерил  
Тошга айлансин бағир!..

### Т о ш

Ўз ғамингни ўзинг ортгин,  
Нола қилма, инсон, бас!  
**Зорланмагин!**  
Бу замоннинг  
**Ҳатто тоши ёрилмас...**

### УН БЕШИНЧИ БАЛЛАДА

#### Ш о г и р д

Ёлғон дунё йўлини ёпдинг,  
Эй, муаллим — улуғ донишманд.  
Мангу ҳаёт сирини топдинг,  
Улимни ҳам этдинг занжирбанд.  
Қуёш каби яшашинг мумкин  
Абадият осмонларида...  
Нега аза очмоқни айтдинг  
Бугун содиқ ғуломларингга.  
Нега ботир руҳингдан ечдинг  
Тирикликнинг совутларини.

Нега оппоқ кафандар бичдинг,  
Тайёр қилдинг тобутларингни.  
Мангуликка тенг умр олдинг,  
Буюк руҳнинг шиддати — худо.  
Бугун нега бошқа йўл солдинг,  
Бўлмоқчисан ҳаётдан жудо.

### Донишман д

Маърифатни англадим дарға,  
Тутдим руҳнинг пок қўлларини.  
Мен кўрсатдим ноумидларга  
Мангуликнинг шаън йўлларини.  
Аммо, болам, асадиятдан,  
Жондан кечиши фурсати етди...  
Фоғилларга кўрсатмоқчиман  
Ўлимнинг ҳам борлигин энди.

### УН ОЛТИНЧИ БАЛЛАДА

#### Элбек бахши

Бойчибор, Бойчибор!  
Шафқатинг бор, раҳминг бор.  
Кўзларнингга қарасам,  
Минг азобнинг захми бор.  
Бойчибор, Бойчибор,  
Бир бебаҳтча баҳтинг бор.  
Юрагингга қарасам,  
Бир подшоҳча таҳтинг бор.  
Бойчибор, Бойчибор,  
Фаросатинг — фаҳминг бор.  
Туришингга қарасам,  
Бир элчалик ақлинг бор.  
Бойчибор, Бойчибор,  
Душманларга ваҳминг бор.

Кўзларингга қарасам,  
Ақлингга ҳайвонлик тор.  
Бойчибор, Бойчибор,  
Ўз ўзингни қилма хор.  
Юрагинг тўлиб кетган —  
Сўзлаб юбор, жонивор.  
Бойчибор, Бойчибор,  
Тилсизга бу дунё тор.  
Сен агар тилсиз бўлсанг —  
Ҳақ бекордир, ҳақ бекор.

### Б о й ч и б о р

Садоқатга нақ tengман,  
Тиллillardан ҳам кенгман.  
Алпомишини зиндандан  
Қутқазган тулпор — менман!  
Тили борлар гумонли,  
Миннат — кўп беомондир.  
Бирор жойда мақтансам,  
Алпимга кўп ёмондир.  
Бахши, қўшиқдан кенгман,  
Айтсанг — достонга tengман.  
Алпим мағрур юрсин деб,  
Тилини ютган — менман!..

---

## БОЛАЛИҚНИНГ БИР КЕЧАСИ

Занжирбанд ит ҳуради,  
Тунга қараб ғиншинар,  
Гулбутанинг тагида  
Ултиради ажина.  
Тунги осмон қўйинда  
Булутлар алкаш-чалкаш.  
Ажина жим ўтиради —  
Сочин тарайди яккаш.  
Тор кўчада тун қуюқдир,  
Кимдир чалар чанқовуз.  
Гулбутанинг теврагида  
Айланади ялмогиз.  
Гоҳ зўраяр, гоҳ сусаяр  
Ёмғирнинг тунд куйлари.  
Хўл бўлади ажинанинг  
Нурдай нафис кўйлаги.  
Чақмоқ чақар.  
Тош қарсиллар —  
Келди баҳор селлари.  
Сой бўйида айланишар  
Кўйи Қофнинг девлари.  
Ажина жим соч тарайди.  
Жуда-жуда чиройли —  
Гулбутанинг тагига тун  
Ташлаб кетгандай ойни.  
Менинг акам этик кияр.

Гаровими ютгани,  
Тун қўйнига кириб кетар  
Ажинанинг тутгани...

У қайтади:

— Ухла,— дейди,—  
Ухла,— дейди,— энди жим.  
Ажинани мен ўлдирдим,  
Ажинани ўлдирдим...  
Нимагадир мен йиглайман,  
Деворга уриб бошим.  
Онам қўли астагина  
Артиб қўяди ёшим.  
Югураман тонгда боқقا —  
Гулларми бу — очилган,  
Ёки... Ёки... Кимнинг қони  
Гулбутага сочилган?

\* \* \*

Жонҳолатда итлар ҳурар —  
Тор кўчада тўполон.  
Анқовланган қайси мушук  
Кўчада бўлди талон?  
Ҳовлиларнинг эшиклари  
Аммо шаҳдам очилар...  
О, лўлилар келишди-ку!  
Келишди-ку фолчилар!  
Рўзғорнинг гор ташвишлари  
Бошу қўлни тарк этар.  
Аёлларнинг кўзларида  
Сўнган умид «ярқ» этар.  
Бир коса сув келтирилар,  
Эскигина бир кўзгу.  
Фолчи лўли нигоҳида  
Бир дам келажак тўзғир.

Кўм-кўк холли (игна иши!)  
Манглайида майда тер.  
— Қизим, қани, қўлингни бер  
— Келинчак, қўлингни бер.  
Узун йўлнинг бошларида  
Бахт учмоқда беланчак,  
Кўзларингни ёшлиб юрма,  
Кулавергин, келинчак —  
Бир бахтингни банд қилиган бор,  
Ҳафта ўтмай янчилар...  
Тўрвасидан бахтни ташлаб,  
Жўнар сўнгра фолчилар.  
Хино қўйган бармоқчалар  
— Жим ёт! — қилишар таҳдид —  
Итлар жимжит ётишади  
Хўрланган мушук таҳдид.  
...Кечда эрин кутиб олар —  
Шамол каби аёл шўх.  
Истеҳзоли сўзлар йўқдир,  
Фамгин-ғамгин кўзлар йўқ.  
Хавотирда боқади эр:  
Нега кулар — тинмайди?  
Уни бахтли бўлишини  
Ҳали эри билмайди...

## ЖАВЗО

Тарқаб кетди булутлар бирдан,  
Итлар олди ўзин сояга.  
Майсаларни шовшатиб, қирга  
Олов кунлар чиқди пиёда.  
Какразорда аччиқ шамоллар  
Кезинициди офтобда гангиб.  
Бошларимда учди сомонлар  
Ва қуюнлар буралди чангигиб.  
Ховузларга яшил тўи солиб,

Қўшиқ айтди ҳофиз бақалар.  
Сиртмоғини бўғзимдан олиб,  
Тугмаларин ечди ёқалар.  
Хаёлимдай ҳур кунлар келди,  
Фамгусорим, кўнглини очгин.  
Еруп кунлар, нур кунлар келди —  
Иўлларингга севгимни сочгум.  
Раҳм қилди худойим бизга —  
Қандай гўзал бу илиқ фусун.  
Ҳозирча тун қисқадир, қисқа,  
Ҳозирча кун узундир, узун...

### ҚАВС

Боғлар — аниқ. Чизиб қўйилган.  
Ҳар бир бутоқ — бир ўйчан тасвир.  
Гўё бунда минг йил куйинган,  
Захмат чеккан Чинлик мусаввир.

Оlam — гўзал ялангочликда!  
Ҳар бир дараҳт — бир даҳо сурат.  
Фақат қарға бу даҳоликка  
Қўнмоқликка қилади журъат.

### ҲУТ

Бешамоллик қўйнида мудраб,  
Силқиб оқар туманими, тутун.  
Бу харирлик ичида титраб,  
Бугун кўнглини бўлади бутун.

Кўчаларда кўнгли қирларга  
Бугун кулиб бераман бардош.  
Хаёлнимда учган қирларда  
Бойчечаклар қилади парвоз.

Кечираман ҳар хил тошларни,  
Чўчимайман ҳар хил соядан.  
Қўзларимдан оққан ёшлиарни  
Бугун ўзим артиб қўяман...

## ТУНГИ КОНЦЕРТ

«Шашмақом»нинг қай шўъбасида  
Инғлаётир кўнглим бу кеча?  
Мусиқани бўлмагин, бедард...  
Оlam темир зерҳини ечар.

Қоронғуллик бурчак-бурчакда  
Чайқалади, кулади мастон.  
Яқин келар кеча юракка  
Ва яшашга қолмагай дармон.

Кечаларнинг волаларида  
Мусиқанинг силқиган қони.  
Маҳбубанинг нолаларида  
Дорга осар ўзини жоним.

Майли, давом этсин бу кеча!  
Мусиқани бўлмагин, бедард...  
Наҳот, дорга осилганимча  
Тонгга қадар қолмоқлигим шарт?

## НОДРАМАТИК БАЛЛАДА ЁКИ БЕҒАМ МАРШ

Барча эртакларнинг  
Қаҳрамониман.  
Эртакда яшамоқ —  
О, нақадар соз.  
Парқу булутларнинг

Оппоқ ёнидан,  
«Учар гилам»ларда  
Қиласман парвоз.

Юрак, югур! Югур!  
Тұхтама бир он!  
Ұлмасак бұлди-да —  
Бош бұлсиян омон!

Ҳа, албатта мени  
Малика севар,  
Севмаса ҳам хафа  
Бұлмайман зарра.  
Фақат хонавайрон  
Бұлади девлар —  
Шүрліклар бошида  
Синади дарра.

Юрак, югур! Югур!  
Тұхтама бир он!  
Ұлмасак бұлди-да —  
Бош бұлсиян омон.

Подшоҳларни қаттиқ  
Этгүм назорат.  
Халқига ноңақ сүз  
Айтса бир оғиз,  
Оғим үпса ҳам,  
Қиласман шафқат —  
Үни ямламасдан  
Ютар ялмоғиз.

Юрак, югур! Югур!  
Тұхтама бир он.  
Ұлмасак бұлди-да —  
Бош бұлсиян омон!

Қаршимда аждарҳо  
Әгар бошини,  
Қуриган денгизга  
Сув қайтар — савоб.  
Денгизни ютганлар

Тўкар ёшини —  
Уларни ажина  
Қилади хароб.  
Юрак, югур! Югур!  
Тўхтама бир он!  
Улмасак бўлди-да —  
Бош бўлсин омон!

Ҳамма Алномишлар  
Тирилиб қайтар,  
Тепсиишиб туради  
Ҳамма Бойчибор.  
Бир куни кўз ёшсиз  
Қўшиқлар айтар,  
Фарзанди борлигин  
Сезган бу диёр.

Юрак, югур! Югур!  
Тўхтама бирон!  
Улмасак бўлди-да —  
Бош бўлсин омон!

О, нақадар создир  
Эртакли дунё,  
Бахтли бўлаверинг —  
Битмоқда сўзим...  
Ўзим муродимга  
Етмайман аммо,  
Бахтли бўлолмайман.  
Фақат бир ўзим.

Юрак, югур! Югур!  
Тўхтама, бу чоғ...  
Ўлсак, ўлибмиз-да —  
Дунё бўлсин соғ.

\* \* \*

Соҳилларга қуёш ва денгиз  
Одамларни ташлади сочиб.

Құмда әриб жудрайди бир қыз —  
Баданини Осмонга очиб.

Қарашлардан ногоҳ шарм қочди...  
Тангрим, асра ҳар хил нигоҳдан!  
Қызы вужудин осмонга очди —  
Осмон олсин уни никоҳга.

### ЦИРК. ИЛОН ҮЙНАТУВЧИ АЕЛ

Сенің қам айтмайман, сен қам эшитма,  
Нимага, қай куни ким учун кулдинг.  
Күзги хаёл каби турма эшикда,  
Мен, ахир, сенимас, илонни сүйдим.

Софинган ошиқдай менга ташланиб,  
Вужудин ўраркан оппоқ белимга,  
Билмам, қай хотирдан күзим ёшланиб.  
Совуқ башарасин босдим бетимга.

Деразадан тушган ой тасмасидан  
Бекор титранмади томирда қоним.  
Безовта бұлғанча қалбим сасидан,  
Үйладим, келдими содиқ илоннім.

Бу илон ҳеч кимга мени алишмас,  
Севару ишора қылмас таъмага.  
Үнға борлигимнинг ўзи муқаддас,  
Мени ташлаб кетмас бир кун ҳаммага.

Елғизлик — ҳаммага қолмоқлик асли  
Мени күйдирған қам ҳаммага қолсин!  
Бир ғамхүр ёлғизи бермасин таскин.  
Севги сұраб охир илонга борсин...

Илон! Танқолигим ҳамдами илон  
Кулча бўлиб ётар оёқларимда,

Эй, сен ташқарид «уф» тортган инсон  
Ярим тун термулма чироқларимга.

Тилларинг бийрондир, тилинг — саволкор.  
Жавоб тополмасман — дилларим хира.  
Менинг қалбимда ҳам, ишон, севги бор,  
Агар ишонмасанг, илондан сўра...

Билмам, қай хотирдан кўзим ёшланар,  
Совуқ бир нафасининг ҳоври бетимда:  
Худойим, қанақа кунлар бошланар...  
Чирмашар илондек қўллар белимга.

\* \* \*

Энди бизга ишқ йўллари хатарлидир,  
Маъюслидир, оғриқлидир, кадарлидир,  
Ибтидомиз, интиҳодан хабарлидир,  
Қувончи оз, ғами ўлим қадарлидир.

Үртамиизда бегоналар нафаси кўп,  
Покликнинг ҳам, гуноҳнинг ҳам шарпаси кўп.  
Юракларнинг чиқиб бўлмас қафаси кўп,  
Умр — дарё, ҳар мавжи бир аждарлидир.

«Оҳ» урамиз, ҳар «оҳи»миз — сариқ япроқ,  
Ишқ боғ берди иккимизга, туманли боғ,  
Ҳар бир барги хазонлигда, ҳар барги доғ —  
Нажотсиз ишқ дами одам ютарлидир.

Қарашингда умид бордир, видо бордир.  
Бахтли, бадбаҳт жо бўлгувчи дунё бордир,  
Қўрқма, сенга менингдек бир фидо бордир,  
Гарчи севги иккимизга заҳарлидир.

Ешларингни юлдуз қилма осмонларга  
Осмон эмас, инсон чидар армонларга  
Келгин, сўнг бор ишонайлик ёлғонларга —  
Қи, севгининг йўли мудом саҳарлидир.

## ЭРТАК

Ишқнинг осмонида ойга қўшилиб,  
Айланган бошингга булатлар қайтар.  
Менинг қучоғимда куйдан эшилиб,  
Аста шивирлайсан:  
— Жонингиз қайда?

Ўғирлайсан жаъми қалитларимни,  
Сандиқлар очилар — сенга сир айтар.  
Излайсан Қўнғирот, ёвмудларимни,  
Ҳориб шивирлайсан:  
— Жонингиз қайда?

— Шуми? — Қиличимни қўлга ташлайсан,  
— Балки бу? — қўлингни чўзасан ёйга.  
Сўнгра йиғлаб-йиғлаб сўроқ бошлайсан:  
— Бир марта айтинг-чи,  
Жонингиз қайда?

Ўзингни қадрингни сувга отасан,  
Менинг иззатимни қотасан лойга.  
Боланг ўлган каби фифон тортасан:  
— Ҳамон тирикмисиз —  
Жонингиз қайда?

Оғулар қўшасан ҳамма ошимга,  
Ҳар қандай қасослар тўйилар майда.  
Ялининб турасан яна қошимда:  
— Нега ўлмаяпсиз?  
Жонингиз қайда?

Жоним сенда дейман — айланмас тилим,  
Жоним сенсан дейман — юрагим тўнар...  
Менинг жоним,  
Умрим,  
Менинг севгилим!  
Энди сени қандай асрасам бўлар?..

## ДЕРАЗА ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Кузакнинг бесоҳиб кечаларида  
Изғиринлар слар, ёмғирлар, эзар...  
Дунёнинг ҳўлзулмат кўчаларида,  
Тентираб кезинар ёлғиз дераза.

Ойнасида ўйнар чироқнинг акси,  
Қайиқ сурати бор пардаларида.  
Тентираб дераза — хазонлар босиб,  
Бепарво кузакнинг зардаларига.

Саккиз ойнаси бор — саккиста туман,  
Фуссадан саккизга бўлинган сийна —  
Боради чарчаган кўчалар билан  
Саккизга ажралган жонини қийнаб.

Автолар ёнидан ўтар зувиллаб,  
Халқоблар пойида қолар сочилиб,  
Боради жунжикиб, борар ҳувиллаб,  
Ииғлар — мен билмадим кимга ачиниб.

Кеча мавжланади — ҳудудсиз денгиз...  
(Изғиринлар елар, ёмғирлар эзар...)  
Тунга чўкиб кетган тўрт тараф тубсиз...  
Ночор кема каби сузар дераза.

Кўп қават бинолар чарақлаб турар,  
Сассиз ҳайқиришар: «Бизлар — бахтиёр!..»  
Бахтдан гангид қолган бу чўнг девларга,  
Ёлғиз деразанинг дарди не даркор?

Дераза чарчабми ерга чўқади,  
Тани чиппа ботар кузак лойига.  
Устидан дарахтлар хазон тўқади...  
Ҳамма деразалар жойи-жойида!

Дераза қайтади пою пиёда,  
Үтган йўлларини танимас кўзи...  
Совуқ бир девор бор, ахир, дунёда,  
Уша муздай девор — қисматнинг ўзи!

Синган қанот каби — судралиб борар  
Иккита пардаси — шундоқ жиққа ҳўл.  
Ахир, бу дунёда бир девор бор-а,  
Бедорлиги камдир, уйқулари мўл.

Ана, хуррак отиб ухлар беармон,  
Дераза термилар деворга ғамгин:  
— Бир кун қайтмас бўлиб кетаман, ишон!  
Ўйғонгин, деворжон! Ўйғон! Ўйғонгин!..

Дераза деворга келиб ўрнашар,  
Даҳшатда қотади саккизта кўзи:  
Қуриб улгурмаган дарпардалардан.  
Қайиқлар қайгадир кетишар сузиб...

### ЦИРК. МУАЛЛАҚЧИ АЁЛ

Яхшилаб қараб ол, бу бино қафас,  
Мен — қушман. Вужудим шифт сари ўрлар.  
Одамлар энтикиб олади нафас,  
Асабий титранар прожекторлар.

Сен бугун шу ерда — мен кўраяпман.  
Ҳавода муаллақ учади таним.  
Юксакка тикилган кўзлар ичидан  
Мен сенинг кўзингни оламан таниб.

Оркестр жим бўлар. Фақат ноғора  
Фалокат онидан бергандай хабар,  
Зарбларин сочади сукут оралаб...  
Қаторлар юзида қўрқув таралар.

Мен бегам яшадим. Учдим мен бегам,  
Энди бегам учмоқ менга даргумон.  
Хатарли ўйинга ишқибоз эркам,  
Ерда юргим келар сен-ла ёнма-ён.

Бир дам қолиб бўлмас хаёллар билан!..  
Танимга санчилар нурнинг тиғлари.  
Исмингни билмайман, нотаниш эркам,  
Фақат шифт тагида сен деб йиғладим.

Яхшилаб қараб кўр: бу бино — қафас,  
Иплар парвоз қилдим қафас айланиб.  
Сен бугун шу ерда. Сен шу ерда, бас!—  
Озодман — кўзингга қолдим бойланиб.

Шўрлик ногорачи! Қўллари толди...  
Қараб тур, сен учун ўйин бошладим,  
Либосим шуълалар қўйнида ёнди...  
Эҳтиёт камарин ечиб ташладим!

«Мен сени севаман... Сени севаман...»—  
Бу сўзлар дуодай лабимдан учди...  
Нега шўрлик бошим айланди бирдан —  
Кимнинг елкасини қўлларинг қучди?

Ногорачи, чалгин! Бўзлаб қўшил, най!  
Скрипка, янгра мен учун ёниб!  
Топиб йўқотганим баҳт учун учай...  
Елкадан қўлингни олсанг-чи, жоним!

Мен сенга айтдим-ку: Бу бино — қафас,  
Қўлларимни баланд кўтаргин, кифтим!  
Ўзимни баландга отаман бесас...  
Ерилиб кетади бинонинг шифти!

**Мени олиб учар лаҳзалик баҳтим,**  
**Фалакка боқамал — хаёлдай кўм-кўк.**

Қанотим сезмоқда қуёшининг тафтин,  
Энди бу қафасга ҳеч қайтмайман... Йўқ!

Сариқ сочларимда шамол шовуллар,  
Кўзимда акс этар юлдузлар — милён.  
Фақат юрак-бағрим тутаб ловуллар,  
Үйингга нигоҳим тушса ногиҳон.

Вужудим кетади бирдан увишиб,  
Кўлларим силкинмас, толиқар кафтим....  
Томингга қўнаман ҳар кун қўнишиб:  
Қачон ёрилади уйингни шифти?

### АРМОН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Босиб кела бошлар шом қоронғуси,  
Уйларда чироқлар чарақлар шўх-шаън.  
Бу хона кечани кутиб олгуси,  
Хўмрайиб, бадқавоқ бир назар билан.

Телекранида олам айланар,  
Тубсиз кўзи билан боқади фалак.  
Кино кўрмоқликка хона шайланар,  
Аммо деразага боқар жонҳалак.

Қаҳратон аёзниңг тош оғушида,  
Чирсиллаб синади боғларнинг бели.  
Хона ажралади ақлу ҳушидан,  
Кимнидир чорлайди: «Хабар ол келиб!»

Дамланган чойга у узатмайди қўл,  
Овқат совиб қолар, синдирилмас нон.  
Хонанинг бағрида ҳамма нарса мўл,  
Фақат ҳамма нарса беқадр, бешон.

Хона ўртанади, ёнар, уҳ тортар,  
Бошини уради деворларига,

Унинг дардларини улашса, етар  
Дунёниг жамики bemорларига.

Бир маҳал — уйқуга олам чўкканда,  
Хонанинг эшиги очилар бесас.  
Кўчага ўзини ташлар бир шарпа,  
Анграйиб, беқарор туради бирпас.

Сўнг уйлар, боғлардан ҳатлаб жўнар у —  
Оёғи тагида синмайди музлар.  
Қорни кечиб борар — қор момиқ, парқу,  
Аммо қор юзида қолмайди излар.

У кетиб боради шиддаткор, тезкор,  
Дарёю тоғлардан ўтади учиб.  
Кўзидан ёшлари оқиб шашқатор,  
Икки қўли билан кўксини қучиб.

Зулматга термулиб турар безовта,  
Олис бир шаҳарнинг чекка бир уйи.  
Шарпа етиб келар (шоциб, албатта!)  
Ва яланг бошини эгади қўйи:

— Қайдасан, узоқдан келдим соғиниб,  
Соғиндим танимда қолмади дармон.  
Мен орзу-умиднинг ғамгин ёлқини.  
Мен — Армон! Кўйингда қоврулган Армон!

Ва уйнинг эшиги очилар бесас,  
Бир шарпа чиқади булатдан сузиб:  
— Келдингми мен билан олгани нафас,  
Келдингми йилларнинг танобин узиб?

Улар бир-бирига тўймай боқишар,  
Бир-бирин кўксида беришади жон,  
Кулишар, хаёллар ичра оқишар,  
Икки ночор вужуд — иккита Армон.

— Совуқ қотмадингми?  
— Йўқ, ёниб кетдим!  
— Бирор кўриб қолса...  
— Менга барибир!  
— Тақдирга минг шукур, висолга етдим!  
— Айтдим-ку, мен сени севаман, ахир!

Улар ажралгиси келмайди абад,  
Аммо тонг ёришиб келар муқаррар.  
— Алвидо! Бу тонгда зарра йўқ шафқат!  
— Алвидо!.. Яна тун келгунга қадар!..

Бир шарпа эшикка кириб йўқолар,  
Бир шарпа ортига қайтар мунғайиб —  
Гандираклаб, қалтираб, ориқлаб қолар,  
Дераза ичига бўлгунча гойиб.

Шу куни бир одам инига боради,  
Ҳаммага табассум қилади ширин.  
Эркаклар кўнгилини унга ёради,  
Аёллар ташлайди кўзларин қирин.

Қоғозга имзолар чекиб ташлайди,  
Кимдандир ҳаққини қилади талаб...  
Бу одам кундузи шундай яшайди,  
Армонни тошқафас — кўкракка қамаб.

## УМИД ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Қулаб тушди ирода — знидон,  
Эркка чиқди бир сўз — «Севаман!».  
Мен жўнатдим уни сен томон.  
Симёғочлар карвони билан.

Симёгочлар карвони кетди,  
Тун бағрини бир-бир оралаб...  
У сўз төнгда шаҳрингга етди,  
Эшигингни борди қоралаб.

Шитирлади ҳовлинг тўла куз.  
Шитирлади хазонлар — жонли.  
Остонада кечиккан бир сўз —  
Сен сесканиб йигладинг, жоним.

Рўпарангда у бош эгди жим.  
Ҳориб қолди — узоқ эди йўл.  
Сен ёшингни арта билмадинг.  
**«Салом», ҳам деб узатмадинг қўл.**

Ярадор қуш — овозинг титрар.  
Шивирладинг аранг:— Кечиринг...  
Ўпди ёшли юзу кўзингдан,  
Қучоқлади елкангдан эринг.

Мен кутаман... Куз бўлар абас,  
Қор, изғирин билан бўзлашиб,  
Кўчаларда тентирайман маст,  
Хотиралар билан сўзлашиб.

Иўқ, сен мени жуда севасан!  
Фақат ёмон қишинг тўфони, —  
Балки симлар узилиб қолган,  
Балки адашгандир карвони.

\* \* \*

Севинг юрагимда бир дарё бўлди,  
Фалакдан фалакка оқди бетиним.  
Қарадим: у ногоҳ қон билан тўлди —  
Сенга нима бўлди, севгилим?

Севгинг юрагимда боғдай кўкарди,  
Бу боғда булбуллар чиқарди тилин,  
Тўфон дарахтларни нохос қўпорди —  
Сенга нима бўлди, севгилим?

Севгинг юрагимда тоғдай юксалди,  
Унга юлдузлар ҳам очдилар дилин.  
Англадим: бу тоғ ҳам бирдан йиқилди —  
Сенга нима бўлди, севгилим?

Саволлар тилимда — бўзлаб борурман,  
Сенданми, оллоҳдан омонлик тилаб,  
Тубсиз юрагимни кечиб ҳорирман —  
Боғлардай йиқилиб,  
Боғлардай тугаб.

Кўзингдан ёшларинг оқади сим-сим,  
Сўзлайсан — лабларинг титрар гинадан:  
— Сизга нима бўлди, севгилим?  
Йиқилган менман-ку,  
Менман — қулаган...

\* \* \*

Қуёш аста-аста тоғларга боқди,  
Ҳанжар каби ботди, ўқ каби ботди,  
Даштларга оқшомни тўзгитиб отди —  
Кундуздай ишқимни кечага сотди.

Ииғлама! Керакмас бекорчи кўз ёш,  
Дунёда бор чиқар ҳақиқат, таъмин.  
Қайтиб Кунитардан чиқади қуёш —  
Тезда учрашамиз, тез учрашамиз...

\* \* \*

Оғир экан,  
Ёмон экан,  
Бекор экан унутмоқ...  
Менинг қақроқ чўлларимда  
Омонмисан, унут боғ?  
Сен ўлмагин.  
Гулла,  
Кўкар.  
Ўйларимда шовулла.  
Шабодалар сенга бўлсин,  
Етолмасин довуллар.  
Шундай қийғоч уриб гулла,  
Тара шундай атиrlар —  
Қўзларини узолмасин  
Ариқларнинг раҳмати.  
Бўйларингга капалаклар  
Қанотларин чулғатсин.  
Қарғалармас, шаън булбуллар  
Тонгда сени уйғотсин.  
Сени сира тарқ этмасин  
Баҳорларнинг шафқати,  
Булутларнинг ҳимматио  
Кўнгли гулдай ботирлар.  
Мени бўлса...  
Мени унут.  
Унут, ям-яшил эркам!..  
Теграмда бир саҳро қурдим —  
Ўтолмайман ўзим ҳам.

\* \* \*

Қушлар бунча сайроқ-сайроқ,  
Кундуз бунчалар порлоқ.  
Ҳамма нарса тўлғонади

Баҳорнинг бешигида.  
Миямнинг қоқ ўртасида  
Қўзғалиб ногоҳ титроқ,  
Жоним бирдан кириб келар  
Боғимнинг эшигидан.

Дараҳтларни қучоқлайман,  
Япроқларни ўпаман.  
Капалакман —  
Гул, майлими,  
Тегрангда қилсам парвоз?  
Эслолмайман — қачонлардир  
(О, наҳотки?) ўлганман...  
Фақат... фақат биламанки  
Тирилганман... Шу холос...

\* \* \*

Сенга келиш нима?  
Қетишдай осон.  
Сенга йўқотишлиар — топишдай бир гап.  
Сен дунёни кўрмай яшайсан мудом,  
Яшайсан дараҳтдай ҳис қилиб, илғаб.  
Қалбингдан фожелар зумда ўчади,  
Янги ғуссаларни қучасан шодон.  
Бебахтлигинг баҳтдай сендан кечади —  
**Алъомон**  
Узингдан, жоним, алъомон!  
Сени тўфонларнинг ўзи асрасин,  
Сендан йироқ қочсин қисмат дудлари.  
Иўлингга аямай қутлар ташласин,  
Қўли очиқ келсин умринг ҳутларин,

Сенга кетиш нима?  
Хайр-хўш... Тамом..  
**Мен ҳам омон қолай**

Бир нажот бергии,  
Нима у бошимга отганинг?  
Осмон...  
Тұхта! Олиб кетма пойимдан ери.

\* \* \*

Гоҳ гужум шовуллар, гоҳ шитирлар ток,  
Бу — боғда адашган паришон шамол.  
Бормисан оламда, юрибсанми соғ,  
Иўлларни шамолдек йўқотган аёл.

Сенсиз — баҳорларим куз бўлди маним,  
Мен сенсиз саргайдим,  
Мен сенсиз куйдим,  
Бир тирик гулханга айланди таним,  
Шу олов ичида бир сени суйдим.

Сен — боғлар қўйнида қийналган шамол.  
Сенга йўл бермайди шохлар чалкашиб.  
Ям-яшил боғларда адашган аёл,  
Мен олов ичида қолдим адашиб.

\* \* \*

Тош-бетон чўнг қояларда  
Кабутардай яшаган қиз,  
Қўлларини — ёлғизликдан —  
Елкамга жим ташлаган қиз,  
Бу севмаслик дунёсида  
Хатарли иш бошлаган қиз —  
Келмайдими иккимизни  
Бахтли-бахтли яшагимиз.

Аммо бизнинг кўзимизда  
Тўкмоқ учун ёшимиз кўп.

Кўнглимизга отмоқ учун  
Тилимизда тошимиз кўп.  
Гўё ҳали ўлмоқ учун  
Бошимиз кўп, бошимиз кўп —  
Бўлмаса... О, келмасмиди  
Бахтли-бахтли яшагимиз.

\* \* \*

Соҳилини қайрайди денгиз.  
Тун-кун қайрар кимнинг қасдида?  
Қоронгу бу кечада сассиз  
Ким ўйнайди уни дастиди?  
Соҳилда жим тентиган аёл,  
Қани сенинг содиқ ҳамроҳнинг?  
Нега қадам қўймоғинг малол,  
Нега бунча титранар оҳнинг?  
Ёноғингда, шўр лабларингда  
Вижирлайди кечаги бўса.  
Хиёнатдан кейинн одамзот —  
Яшамаса — йўқ бўлса, ўлса...  
Соҳилини қайради денгиз,  
Тун-кун қайрар — кимнинг қасдида?  
Улкан бу тиф, наҳот, ярашар  
Шу нозик аёлнинг дастига?

\* \* \*

Сиз ёққансиз менга ҳамиша,  
Фақат буни этмовдим ошкор.  
Ўйловдимки, юрак топишар,  
Биздан кетгач сабру ихтиёр.  
О, мен сизни қанчалар кутдим —  
Мана — оқ соч, мана бу — ажин.  
Кунларимни тортқилаб ютди  
Шум ёлғизлик — фаришта ғажир.

Ортингиздан кетишим мумкин.  
Иўл тугаса, йўлсиз тентираб.  
Аммо, айтинг, йиғлайсиз нечун  
Манглайнинг деворга тираб?  
Иўқ, ҳеч сизга етмасин озор,  
Тушинаман — ўиллар, андиша...  
Фақат сизга айтмовдим ошкор —  
Сиз ёққансиз менга ҳамиша.

\* \* \*

Ногоҳ совуқ тушди,  
Ногоҳ қор тушди —  
Гуллаган боққами,  
Нодон юракка.  
Яшил салтанатим  
Туш каби учди,  
Яшил салтанатим  
Қотди кўлмакда.  
Баҳорларни кутган  
Нодон муҳаббат,  
Ногоҳ аёзларда  
Қолдим ку юпун —  
Мени адо қилган.  
Ёмон муҳаббат  
Совуқ кўчаларга  
Бошлигани-чун.  
Ана, чорбоғларга  
Қаргалар қайтди.  
Ана, музлаб қолди  
Булбулнинг тили...  
Таним титроқ ичра  
Алвидо айтди...  
Нега сен азобдан  
Ўлмайсан, дилим?

\* \* \*

Тош кўнгил,  
Тош бўлгин!—  
Тош бўлдим.

Тош тақдир...  
Бу — сендири,  
Бу — мендири.

Тош кўнгил,  
Сен кўндинг...  
Мен ўлдим.

Тош тақдир.  
Ахир,  
Қайда тош?..  
Икки кўнгил —  
Икки томчи ёш.

\* \* \*

Ёмон бўлди  
Бизлар ажралдик...

Ер айланаяпти қуёши атрофида,  
Юлдузлар самосида порляяпти.  
Гуллар шаббоданинг қучофида  
Лабини тутяпти тўлғин лабларга;  
Майсалар ўсмоқда адирларида  
Шамолда тўлғаниб-тўлғаниб...

Фақат бизлар ажралдик.

Қуёшсиз қолган замин каби,  
Самосиз қолган юлдуз каби,

Шаббодасиз қолган гуллар каби —  
Бизлар ёлғизмиз.

Ёмон бўлди.  
Бизлар ажралдик...

### ГРАФИКА

Кўзинг қаро сенинг, қошларинг қаро,  
Юзларинг оқ сенинг, кулишларинг оқ.  
Қўлингдаги таъна тошларинг қаро,  
Менга ғамгин боқиб туришларинг оқ.

Унутишинг — қаро, ҳижронинг — қаро,  
Софинчинг оппоқдир, хатларинг — оппоқ.  
Қародир юрганинг ўч-меҳр аро,  
Менга ташлаб кетган дардларинг — оппоқ.

Шомми ё саҳарми — вақтимдир қаро,  
Сен деб тўкаётган ёшларим оппоқ.  
Сенинг ҳам, менинг ҳам бахтимдир қаро,  
Уттиз тўрт ёшингда соchlаринг оппоқ.

Ишон, юрак оқдир, қародир тақдир,  
Оқ-қаро бўёқлар бизнинг боғларда...  
Мен миллион бўёқни билардим, ахир,  
Иккимиз бахтиёр бўлган чоғларда.

\* \* \*

Ташқарига чиқаман. Синар қатқалоқ.  
Самовот зулматгоҳ. Ёвмоқда заҳар.  
«Эрта кўришгунча, хайр» дейман, бироқ,  
Биламан кўриш йўқ мангуга қадар.

Сирни бой бермоқлик — ожизнинг иши,  
Овозим титрамас, туришим ўқтам.

**Куламан.** Негадир мақтайман қишини,  
Инглаз кераклигин сезиб турсам ҳам.

**Мунгайган** елкангда рўмолинг оппоқ,  
Хайрият, кўзингни кеча яширди.  
**Елғизим,** аёзда ҳоляпсан, бироқ,  
Баҳорги йилларга сени топширдим.

**Сенинг** гуноҳинг йўқ. Сен бир фаришта,  
Бир қошиқ қонимдан — гуноҳимдан кеч.  
«Эрта кўришгунча, хайр» дейишга  
Узингни мажбур қил. «Тўхта», дема ҳеч.

**Қайдандир** адашган бир тўлқин шамол,  
Манглайда сочингни юборар сочиб.  
Кетсам — бир тўғри йўл топишим маҳол,  
Қайтсам — ҳамма йўлнинг эшиги очик.

**Ширин** ўй оғудир айрилиқ они,  
Танни бурдалайди бир ўксик алам,  
«Эрта кўришгунча хайр...» дейсан, жоним,  
Инглайсан силкитган қўлларинг билан.

\* \* \*

**Елғизлик** ортимдан ҳувиллаб қувди,  
Токи йиқилгунча югурдим бетин...  
Бир аёл туфлимининг лойинни ювди —  
Унга севаман деб айтмаган эдим.

**Қисмат** масхаралаб бизни отганди,  
Танҳолик кечасин тор қучоғига.  
**Билмадим,** қай маҳал аёл уйғонди,  
Туфли ювмоқлиknинг иштиёқида.

**Асли** масхаралаш қисмат матлаби,  
Аммо ҳайрат ичра ганиди хиёл:

Қувониб (масалан, гул терган каби),  
Туфли ювар экан тунда бир аёл.

Менга кўзи тушиб аёл қизарди,  
Уялди — қўллари тушди шалвираб.  
Энди у қаршимда йиғлаб турарди,  
Емғир қўйнидаги баргдай қалтираб.

Қўймоғим шарт эди бир жасур қадам,—  
Қулаб танҳоликнинг ғарib аршидан.  
Чўчидим мен — меҳр кўрмаган одам —  
Севги туфли ювиб чиқса қаршимдан.

Кетдим... Ёмғирдайин ўтдиму кетдим,  
Минг аср танҳолик кечди бошимдан.  
Минг аср оралаб қайтадан етдим,  
Ўша ёлғиз қолган аёл қошига.

У менга баҳт берди осмондай улкан,  
Мен-чи?.. Мен қоврилдим баҳтнинг доғида...  
Бедорману нечун уйғонолмайман  
Туфли ювмоқликнинг иштиёқида.

\* \* \*

«Мени тинч қўй! Бор, қабрга бор,  
Деразадан боқмагин, арвоҳ.  
Йўқлик қўйиб юбормас зинҳор,  
Энди қайтиб келолмайсан, оҳ...»

Кўйма! Мени севар бу одам,  
Тун умримга тонглар тўшайди.  
Рости, унга дил бердим мен ҳам,  
Чунки сенга жуда ўхшайди,  
Қара, сенга жуда ўхшайди...»

Аёл аста пардани тортар,  
Қаравотда ухлар бир одам.  
Арвоҳ тунга ўзини отар  
Ва чирқиллай бошлайди бирдан...

Юзга босиб барги хазонни,  
Ўкириб-ўкириб йиғлайди, ёҳу!..  
Ғулдирайди битта каломни:  
«Ахир, менга ўҳшамайди-ку...  
Ахир менга ўҳшамайди-ку...»

\* \* \*

Тўйганмидим шодликни ичиб,  
Келганмиди ҳатто ишқ малол,  
Айттолмадим:— Азизим, кечир...  
Қичқирмадим:— Кетмасанг-чи! Қол!

Елғизликининг улкан залвори  
Босар — қалбим тортади майда.  
Энди қаро тунга ёлвориб,  
Шивирлайман:— Қайдасан, қайда?

Энди беншқ бегоналарга  
Оёқ ости бўларкан жоним,  
Мен хушомад қилиб уларга  
Жовдирайман:— Илтимос, қолинг...

\* \* \*

Сокин сеҳр Анҳор бўйида.  
Ҳорғин Лайли — куз кезар беҳуш.  
Мен хазонни қувдим ўйимдан,  
Бахт ҳақида кўрдим яшил туш.

Ҳа, саробга ўзни топширдим,  
Сездим қисмат ёвуқлигини.

Ва кафтимда ҳис қилиб турдим  
Қўлларингнинг совуқлигини.

Тасаллилар сўйладинг карахт,  
Майин кулиб кўргаздинг қарам:  
— Тушингга ҳам қайтиб кирмас бахт,  
Үйғонмагин, менинг бечорам...

\* \* \*

Сиз қарғайсиз тақдирингизни,  
Ҳам айтасиз унга ташаккур:  
— Биз йўқ қилдик бир-биримизни...  
Биз йўқ қилдик... Худога шукур!..

Сиз юракни қилмайсиз тежам,  
Олгин!— борин қиласиз тортиқ.  
Сўнгра хафа бўласиз мендан —  
«Қайтмайман», деб йиғлаб кетасиз:

Яна излаб келасиз бир кеч,  
Жилмаясиз:— Бахтлимани, боқ!..  
Кулгингизга ярашмагай ҳеч,  
Хитобингиз ўртаган титроқ.

Ҳижрондан сўнг саволлар теран,  
Ҳижрондан сўнг жавоб — даъфатан...  
Мен ҳаммадан пинҳон сақлаган  
Шеърларимни сизга айтаман.

Айбламаймиз бир-биримизни,  
Тилда сўзлар туғилади — ҳур.  
...Қарғамайсиз тақдирингизни  
Ва айтмайсиз унга ташаккур.

\* \* \*

**Хайрлашмоқ** керак сен билан,  
Кўнгилларни узмоқлик керак.  
Кечмоқ керак ғариб умиддан,  
Дунёмизни бузмоқлик керак.  
Бошқаларга бермоқлик керак

Кузги оқшом чарchoқларини.  
Энди маъюс термоқлик керак  
Севгимизнинг алдоқларини.

Бизга дўзах ваъдалар этиб,  
Тепамиздан жим боқар худо.  
Сени сақлай, севгидан кетиб,  
Ишқда қолиб, сен бўлма адо.

Мунча ширин бу куз оқшоми  
Лабингдаги чарchoқ қаломлар:  
— Мен дўзахдан қўрқмайман, жоним,  
Дўзахдаман аллақачонлар...

\* \* \*

Мен сенга осмонни келтирдим, севгим,  
**Айов** икки тўзғин булути билан,  
**Нимта** ойи билан,  
**Худуди** билан —  
Мен сенга осмонни келтирдим, севгим.

Мен сенга баҳорни келтирдим, севгим,  
**Ёмирлари** билан,  
Селлари билан,  
Гулларни уйғотган еллари билан —  
Мен сенга баҳорни келтирдим, севгим.

Мен сенга саодат келтирдим, севгим,  
Кўнглинг равшан бўлсин —  
Чироғи билан,  
Бедорлиги билан,  
Чарчоғи билан —  
Мен сенга саодат келтирдим, севгим.

Сенга бир тинч дунё келтирдим, севгим.  
«Мана, олгин, дедим,  
Ҳамма нарса тахт —  
Мана бу меҳрдири,  
Мана бу-чи — баҳт...»  
Сенга бир тинч дунё келтирдим, севгим.

Севгилим, подшоҳлар сендай сахиймас —  
Менга баҳори йўқ куз келтирдинг сен.  
Яна осмонда йўқ рўз келтирдинг сен,  
Севгилим, подшоҳлар сендай сахиймас —  
Қатра иқболи йўқ куз келтирдинг сен.

Энди иккимиизда ҳамма нарса бор!  
Қани кетдик, жоним,  
Бел букилгунча,  
Томир узулгунча,  
Жон тўкулгунча...—  
Яашага иқрормиз, ўлимга иқрор.

\* \* \*

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — дараҳтлари гуллар телбаҳол,  
Гўё сену менинг баҳорим каби.

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — сим-сим ёғар майин ёмғирлар,  
Кўнгилчан ёмғирлар жим-жим ёради —  
Гўё сену менинг ёмғирим каби.

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — фалагида қолмас ҳаловат —  
Турналар аламли қичқириқларда  
Тушунуксиз дардларни айтиб йиглашар,  
Гўё сену менинг қушларим каби.

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — ғуссали бир деразасида  
Кўчага термулиб, ҳолсиз турасан —  
Дунёнинг энг ғамгин дарпардасидай.

Энди у кўчага сира бормайман.

Унда не қиласман шамол бўлмасам —  
Парда этагига шамол юзимни  
Босиб йиголмасам — нима қиласман?

\* \* \*

Севгимиз ўлдими? — лиbosингиз кўк,  
Кўнглингиз — begулхан, кўзингиз бечўғ.  
Биздан бориш йўқдир, сиздан — келиш йўқ —  
Келишсиз дунёда бегам, азизим,  
Нега кўзларингиз бенам, азизим.

Ут етди — қақшатди банд-бандларимни,  
Тупроққа сочдингиз баландларимни,  
Ақлимни, дилимни — бебахтларимни  
Бориhsиз дунёга отган, азизим,  
Олисда ой каби ботган, азизим —

Чунки тунга айтар рост «оҳ»ингиз йўқ,  
Фалакда кезгани шаън роҳингиз йўқ,  
Нечун келмайсиз, гар гуноҳингиз йўқ —  
Боқаман: нигоҳим — гумон, азизим,  
Иўлларинг тумандир, туман, азизим.

Қаранг, минг бир баргда кузак учадир,  
Қизил-сариғида — юрак учадир,  
Сўнгаклар учадир, суяқ учадир —  
Бу тўфон — хазонлиғ менман, азизим,  
Сизсиз минг кузакка тенгман, азизим.

Аммо сиз сарғайманг — гулли боғ бўлинг,  
Ям-яшил кўкаринг, мудом соғ бўлинг,  
Баҳорнинг бағрида беадоғ бўлинг —  
Ахир, қарғаганим сизмас, азизим,  
Икки куз дунёга сиғмас, азизим...

\* \* \*

Саратонда гуллар ўлади,  
Сарғаяди эгасиз тузлар.  
Ҳали қайғурмасанг бўлади —  
Ҳали кузлар келади, кузлар.

Англанмаган дардлардай тўзиб,  
Кунлар аста қилади парвоз.  
Хотирангдан чиқару сузиб,  
Қайтмас бўлиб кетар бизнинг ёз.

Дарахтларда жунун сўнади,  
Бошланади қовжираш, ёниш...  
Ҳали йигламасанг бўлади —  
Бу — куз. Ҳали қишиш келади, қишиш.

Ҳали қорлар ўпар лабингни,  
Изгириналар белингдан қучар,

Музлатади аёз танингни —  
Хотирангдан кузак ҳам ўчар.

Шунда бир барг қилади исён,  
Боққа қайтар унут бўлган бурч,  
Биз баҳорга чиққани пешвоз,  
Тополмаймиз ўзимизда куч.

Сен йиглаяпсан. Нолангдан чўт  
Учай деру қўзғололмас Вақт.  
...Олисларда боради кўчиб,  
Ез, куз, қишдан иборат бир баҳт.

\* \* \*

Мен йўқман. Ёлғонлар мени йўғотди.  
Чин гаплар севгимга қилмади карам.  
Нега чорраҳада тош каби қотдинг,—  
Энди сайд қилинг изғирин билан.

Қўнғироқ чалмагин. Очмайди ҳеч ким,  
Эшик на жилмаяр, на у сўз билсин.  
Азизлик тахтидан тушган, азизим,  
Пальтонгни сукунат қозиққа илсин.

Ўт жонидан ўтар — бўзлайди чойнак,  
Дераза йиглади — ташқари туман.  
Телеэкранининг оғзини пойлаб.  
Энди қаҳва ичгин ёлғизлик билан.

Соат бонг уради. Тун ярим... Ярим...  
Дил ярим — ғуссадан тўлмас ҳеч қачон...  
Зулматгоҳ хонанинг ичидагим,  
Энди сезавергин ўзингни тобон.

Ухлайсан. Не учун титрайди нафас?..  
Яна «кел» дейсанми?.. Чорлама. Мен йўқ.

Мен йўқ. Энди менинг кўксимга эмас,  
Естиқнинг юзига ёшларингни тўк.

Йўқ, йўқ, ишонмагин! Бу шеърдан тондим,  
Бу менинг ўзимга отганим — ўқдир.  
Ахир, бу дунёда мен сенсиз қолдим,  
Ҳатто дардлашмоққа ёлғизлик йўқдир...

## СЕВГИ ҲАҚИДА УМИДБАХШ БАЛЛАДА

Қуёш ботиб кетди. Туғилмоқда тун,  
Ҳали ўпилмаган — маъсум, бокира.  
Қўчада юрибман мен нима учун?  
Мен, ахир, ўлганман, мен бир хотира!

Менга нима керак заминда? Ахир,  
Менга нима керак ташвишли олам!  
Мени судраб борар мусиқа — ғовур,  
Мени қучорига олар ресторон.

Улган одамларга сенмисан титрак,  
Яқин кел, улфатим, оқбадан шиша.  
Мени ташлаб кетди ўтмиш, келажак,  
Мендан айро тушди виждон, андиша.

Кўм-кўк тутун ичра сузиб юрар зал.  
Ойнинг ёғдусидай куй оқар хазин.  
...Худди хаёл каби солланиб гўзал,  
Рақс майдонида учиб юрган ким?

Ногоҳ пайдо бўлар кўксимда юрак!  
Танимдан кўринмас кафани юлиб.  
У қиздан бир қатра ҳаётми сўраб,  
Унинг қаршисига бораман юриб...

— Қечиринг, юзимга тикилиб боқманг,  
Мен асли ўлганман, кўзларим чирик...

Қиз рақсга тушади, кулади шўх-шаън:  
— Кўриб турибман-ку, сиз тирик... Тирик!

Қўлларим қанотга айланар гўё,  
Самода тўзғийди биз қолдирган и:  
Паноҳим, учяпмиз юлдузлар аро,  
Юлдузлар ичида энг гўзали — сиз!

Менга ҳадя этиб жонимни такрор,  
Қиз жўнар уйига қувончдан яшнаб...  
Мен кўча кезаман. Ёға бошлар қор,  
Оппоқ қўлчаларин елкамга ташлаб.

Дўстларим оромин бузар телефон,  
Үйқусираб бари ғўлдирайди: «Қим?»  
Бирор телефонга қичқирап шодон:  
— Табриклаб қўйинглар, дўстлар,  
Тирилдим!

Менинг киндик қоним тўкилган юртда,  
Телеграфчи қиз ақлдан озди.  
Манов телба бўлиб қолган аппарат  
«Она, мен тирилдим» деган хат ёзди.

Менинг атрофимда бўлса оппоқ қор,  
Менинг атрофимда туйғулар ўйлар,  
Сокин шивирлайди: «Нима гапинг бор?»  
Қадам товушидан уйғонар уйлар.

Биламан, бир уйда, оппоқ тўшакда  
Нурдай пок вужудин чойшабга кўмиб,  
Бир жувон ухлайди худодай якка,  
Балки мен ҳақимда ойдин туш кўриб.

Бизнинг ўртамиизда балки йиллар бор...  
Унинг орзулари қолганда қуриб,  
Мен олиб бораман қалбимда баҳор,  
Секин шивирлайман: «Келдим, Мен Тирик!..»

\* \* \*

Адашиб бораман бу тинч шаҳарда,  
Мени-қаршилайди тераклар, толлар.  
Кўчани уйғотиб сокин саҳарда  
Қайгадир боради саҳархез чоллар.  
Баҳор кўчабоғда айланар синчков —  
Яшашга ким қобил? — ўтказар кўрик.  
Қуриган олмани кесади бирор,  
Шундоқ кўз олдимда гуллайди ўрик.  
Елғиз чой ичаман.

— Келинг, эй меҳмон!  
Қўлимни кўксимга қўяман: — Раҳмат!  
Биламан, илтифот озгина ёлғон,  
Аммо дилга ёқар бу содда шафқат.  
Дўкончи жувонлар кулишар майин,  
Ҳазил тушунишар жиддий сўзимни.  
Кейин... Бир дераза ортидан — тайин! —  
Мен кўриб қоламан сенинг кўзингни.  
Учиб ўтиб кетар орадан йиллар...  
Бир куни мен сенга бераман савол:  
— Ёдингдами, ўша тинчгина шаҳар,  
Қатор-қатор терак, қатор-қатор тол?  
— Тол? Терак? Қаерда? — Ўйга толасан...  
Мен сени қийнайман: — Эслагин бир бор.  
Кўрмагансан, аммо эслаб қоласан,  
Терак қатор-қатор... Тол қатор-қатор...  
Аччиғинг чиқади: — Ҳар кун шу аҳвол!  
Ухлайман. Чироқни қўйсанг-чи тўсиб...  
«Қатор-қатор терак... Қатор-қатор тол...» .  
Мен шеърлар ёзаман шу кеча ўксиб.

\* \* \*

Ташқаридә ёмғир ёғар,  
Күз ёшдан ҳам оғир ёғар.  
Бу юраксиз дунё узра.  
Юрак ёғар, бағир ёғар.

Айрилиққа күним йўқдир,  
Наҳот, ишқа ўлим йўқдир.  
Күз ёшингни артмоқликка  
Қўлим йўқдир,  
Кўнглим йўқдир...

\* \* \*

Сен ухлајпсан.  
деразадан тушган ой нури  
судралиб-судралиб  
кўрпангга етар.

Дунёдаги Энг Гўзал Аёл,  
оининг нурларига ўраниб ухла,  
оининг нурларини қучоқлаб ухла,  
мени соғинган лабларингни  
оининг лабларига босиб ухлагин...

Мён бора олмайман. Юрак тўла тош.  
Айт, қачон вазисиз бўлмоқлик мумкин?  
Қандай ой нурига айланса бўлар  
ва қачон ой нуридай сарғайган қўлларим  
қаро соchlарингни силаб титрагай?

Дунёдаги Энг Гўзал Аёл,  
наҳот, бир умр керак бўлса,  
эй нурига айланмоқ учун?..

\* \* \*

Кундузлар кечага айланиб қолди,  
Яна бошимизга югурди түфон.  
Сендан айрилдиму... Сен билан қолдим —  
Ёмон.

Ёмон! Яшаш менгзар босинқирашга,  
Кўзингда ёш йўқдир йиғламоқ бўлсанг.  
Юракни отсангу қирғин талошга —  
Үлсанг.

Үлсанг!. Шундай ўлсанг... Шу қадар ўлсанг,  
Дунёда қолмаса бир тола сезгинг.  
...Фақат бош тортса бас сени кўмишдав  
Севгинг.

### ҲАЁТ ҚУШИҒИ

Боғ қўйнида икки дараҳт —  
Бир-бирига интизор.  
Сен — бир дараҳт,  
Мен — бир дараҳт,  
Куйиб-куйиб ўтдик, ёр,  
Аммо баҳор келганида  
Очилиш керак экан.  
Гулу мева, хазон бўлиб,  
Сочилиш керак экан.  
Шамолларга дилим ёрдим,  
Гул-япроқлар тилида.  
Ел кафтида олиб келган  
Ҳар шивиринг дилимда.  
Аммо баҳор келганида  
Очилиш керак экан.  
Гулу мева, хазон тўкиб,  
Сочилиш керак экан.

Ерга боғлаб қўйилганиман,  
Илдизим ер остида.  
Кечалари шовуллайман,  
Боқиб бўйи бастингга.  
Аммо, яшаш керак экан,  
Очилмоқ керак экан.  
Гулу мева, хазон тўкиб,  
Сочилмоқ керак экан.  
Бог қўйнида икки дарахт —  
Бир-бирига интизор.  
Сен — бир дарахт,  
Мен — бир дарахт,  
Куйиб-куйиб ўтдик, ёр!

\* \* \*

Бекор. Ёлғон! Ботмаган  
Мұҳаббатнинг қуёши.  
Тун келди, деб додлаган  
Бевафолар кўз ёши.

Мен бораман. Бу жоним  
Сеникидир... Үксима.  
Тунда қўрқма. Оқ тонгнинг  
Бир парчаси кўксима...

\* \* \*

Шудгорзорда донлайди  
Қареаларнинг галаси.  
Тоғлар боши тумандир,  
Хасу хашакда қиров.  
Дара тубига чўккан,  
Булутларнинг кемаси,  
Бир тепанинг устида  
Инглаб турибди бирор.

Намхуш ҳаво қўйнида  
Уфқлар салқин тортган,  
Салт от серрайиб турар  
Қирларнинг адогида.  
Кузак осмон қаърига,  
Ернинг тубига ботган,  
Ҳатто сингиб кетгандир  
Салт отнинг қароғига.  
Бир тепанинг устида,  
Инглазияни бир одам.  
Мезонлар сузаб ўтар —  
Вақт қушининг патлари...  
Одам кузакни босиб,  
Қўёлмайди бир қадам.  
Бир сўз айтаман деса,  
Қимирламас лаблари...



Ёмғир ёғиб ўтади  
Тунни оралаб сим-сим.  
Шамолларда сесканиб,  
Тўкилиб титранар боғ.  
Гўё боғнинг ичинда —  
Беланчаги — изфирин.  
Иўргаги — барги хазон —  
Алаҳсирап чақалоқ.  
Деразадан тушган нур  
Ёнар ўрик шохида.  
Шоҳ — бемор, совуқ қотган  
Гўдакнинг беш панжаси.  
Уни нодон онаси  
Ташлаб менинг боғимга,  
Ўзи баҳор ортидан  
Сарсон кетган чамаси.

Онасиз қолган, болам,  
Чорасиз ёнган, болам —  
Тунги боғлар ичинда  
Қолиб кетдинг, жоним куз.  
Ҳасратлари мўл, болам,  
Ёмғирларда ҳўл, болам —  
Бағримга босай десам  
Қучоғим етмас, афсус...

\* \* \*

Отим қолар демагин  
Бу дунёда, шоирим.  
Номард тўфонлар турса,  
Отингдан гард қолмагай.

Зотим қолар демагин  
Бу дунёда, шоирим,  
Қисмат тескари бурса  
Зотингда мард қолмагай.

Бу дунёниг дардини  
Териб кетгин шоирим.  
Жонингга ачинмагин —  
Кетмайдими чириблар!

Бу дунёга бир қўшиқ,  
Беріб кетгин, шоирим,—  
Марҳумлар уйғонсинлар,  
Ухломасин тириклар.

\* \* \*

Қодир ҳаёт — улкан ялмоғиз,  
Сезиб жоним мазаларини,  
Етти ямлаб, қилдинг бир оғиз,  
Үмримнинг шаън лаҳзаларини.

Маҳкамладинг борлик эшигин,  
Очдинг йўқлик дарчаларини.  
«Борса-келмас» сари узатдинг  
Иилларимни парчаларини.

Алдоқларга сен мени отдинг,  
Сотдинг шайтон ҳаммоллариг  
Мендан кечдинг —  
Бир ўзим ботдим  
Юрагимнинг зинданларига

Қодир ҳаёт — маккора мастан,  
Ёқсанг олов, ўчирсанг кулман.  
Кун кўрмадим дунёда осон —  
Юрагимга мен ҳам бир қулман.

Ҳали тирилишим беадад,  
Ҳали қандай ўлишларим бор...  
Мени нима қиласан алдаб,  
Ростдан умринг минг йилми, чинор?

### БИТИК ТОШЛАР ОРЗУСИ

Қоғозларга ёздим... Қоғозлар ёнди.  
Бу сирни ўйладим — топдим, ниҳоят:  
Мен Усмон эмасман, Аллтегинман — мен,  
Энасой бағрида тўлғонган фоя.

Қоғоз ярамайди менинг кунимга,  
Қоғозга кўчмайди ёнаётган юрак.  
Шалвираган қоғоз керакмас менга,  
Дардимни битгани менга тош керак.

Шамоллар қуритди кўзимдан ёшни,  
Иилларнинг қатидан охир отди тонг.  
Асрлар шафақдай чулғади бошни,  
Миямга ўқ каби санчилди-ку онг.

Менга бир тош керак осмон каби кенг,  
Ғазаб каби оғир, ғамдай бенаво...  
Менга бир тош топиб беролмадинг, сен —  
Тошлари тупроққа айланган дунё.

Ииқилдингми?.. Кўзларингда  
Бунча алам,  
Бунча алам!  
Усту боши чанг кўрмаган,  
Дард кўрмаган  
Эрка болам!  
Шиддатингнинг шамолига  
Ҳушиңг бир зум  
Шайдо бўлди...  
Сенинг равон йўлларингда  
Бу тош қайдан  
Пайдо бўлди?  
Ёки ақлинг кетганмиди,  
Энди тошлар  
Қолмаган деб?  
Лаънатладинг, болам мени  
Йўлдан тошни  
Олмаган деб...  
Эрка болам, кечир мени,  
Оқсуягим,  
Муруват қил!  
Тошли-тошли бу дунёда  
Майсадай хор  
Яшадим, бил.  
Тошлар билан кураш тушдим —  
Кураш бекор  
Кетмагандир,  
Қолган бўлса бирор зил тош,  
Болам, кучим  
Етмагандир...

\* \* \*

*Баҳодир Йўлдошга бағишладим*

Тегирмон тоши мисоли  
Саҳна айланар, Баҳодир.  
Кунларимиз буғдой дони —  
Саҳна айланар, Баҳодир.  
Майдა-майда бўлажакмиз —  
Саҳна айланар, Баҳодир.  
Бир кун қайда бўлажакмиз?—  
Саҳна айланар, Баҳодир.  
Бирор ботир, бирор шотир —  
Саҳна айланар, Баҳодир.  
Умрни қилма юз-хотир —  
Саҳна айланар, Баҳодир.  
Бир кун саҳна тўхтаб қолса,  
Гуноҳимиз йўқ, Баҳодир,  
Аммо ўзни оқламоққа  
Гувоҳимиз йўқ, Баҳодир...

## ТОШ ПАРИ

(Уч драматик баллада ва муаллиф монологидан иборат достон)

### I

#### Түнгич ботир

Еру осмон Ошиқ, Тош пари,  
Жамолингнинг овозасига.  
«Ё насиб!..» деб урдим бош, пари,  
Тош кўнглингнинг дарвозасига.  
Денгизингдан юриб ўтдим мен,  
Суздим қаҳринг қумистонида,  
Чўлдан хасдай қуриб ўтдим мен —  
Етдим васлинг гулистонига.  
Сени топдим — шу бас, худойим!..  
Фақат қасрда турган, тош ойим,  
Сенинг учун нима қилай, айт?

#### Тош пари

Қара, сочим қандай тўлғоқдир!  
Ҳар толаси —  
Бир умр мавжи.  
Сочимни деб дунё уйғоқдир.  
Сочим гарчи кўнглимнинг ранжи.  
Банди қилдим қирқ кокилимга  
Қирқта юртнинг  
Қирқ полвонини.  
Ботир,  
Мени қўйсин ҳолимга,  
Қирқини ҳам олгин жонини.

### Т ў нғи ч б о т и р

Мана, қирқта ошиқ юрагин  
Сочларингга айладим қурбон.  
Айт, Тош пари,  
Қўрқма,  
Тилагин —  
Сенга керак яна қанча жон?

### Т о ш п а р и

Кўзларимга қарагин — чақин.  
Боқсам —  
Беҳуш йиқилар дунё.  
Кўзларимга келолмай яқин,  
Олисларда тўкилар дунё.  
Қирқта девни —  
Қирқ паҳлавонни  
Банди қилди чақин нигоҳим...  
Қирқини ҳам олгин жонини —  
Эшиitmайнинг уларнинг оҳин.

### Т ў нғи ч б о т и р

Пари,  
Мана, сенга қирқта бош.  
Қирқини ҳам сўйдим, бехато!  
Не буюрсанг —  
Бераман бардош,  
Не амр этсанг —  
Қиласман бажо...

### Т о ш п а р и

Юзларимга қарагин — ойдир,  
Еру кўкни этган мунааввар

Хар ёғдуси  
Ноз оқдан сойдир,  
Ошиқларни ютгувчи аждар.  
Остонамда чекади ҳасрат  
Қирқ шаҳзода —  
Қирқта баҳодир...  
Сен уларга шафқат қил,  
Фақат  
Жонини ол...  
Танини қолдир!

### Тұнғиң ботир

Құлларим қон — ишладим бетин...  
Боққин, пари,  
Мана, қирқта жон.  
Жон суғирдим сесканмай этим...  
Энди етгум васлингга қачон?

### Тош пари

Бу дунёning висоли, ботир,  
Баъсан йўлдан қайтгувчиларга.  
Бахтларидан олмай хавотир  
«Йўқ» сўзини айтгувчиларга!  
Хизматларинг қаҳримни боғлар...  
Аммо тилга келмас шод баёт.  
Висолимга етадир шоҳлар.  
Тұнғиң ботир,  
Сен энди...—  
Жаллод.

### Тұнғиң ботир

Қаҳру ғазаб қилма, Тош пари!  
Бир сўз айтгин,

Бир қара майин...  
Еқаларим жиққа ёш, пари,  
Сўйла,  
Яна нима қилайин?

### Т о ш п а р и

О, нақадар бешафқат ҳаёт!  
Қўргуликка  
Қисматни кўндири.  
Тўнғич ботир!  
Энди сен — жаллод!  
Жаллод учун яшамоқ жўндири.

### Т ў нғ и ч б о т и р

Айт,  
Осмонни қонинга бўяй,  
Буюр,  
Қўйдай бўғизлай Ерни,  
Мурдасини пойингга қўяй...  
Пари, фақат севгингни бергин.

### Т о ш п а р и

Тиканлари қўлимга ботур—  
Сен учун гул тера олмайман.  
Сен — жаллодсан!  
Тушинггин, ботир,  
Жаллодга дил бера олмайман.  
Висолимдан  
Умидингни уз,  
Бизнинг ғурбат масканни тарк эт.  
Денгизда юр,  
Қумда яна суз—  
Эл — юртингга соғу омон ет.

## Тұнғиң ботир

Рұхсат бергин,  
Айланай бедор  
Олтін күшкінг теграсини.  
Итинг бўлиб қўриқлай ҳушёр  
Оромингнинг чегарасини.  
Севгинг менга керакмас,  
Фақат  
Пойингга бош қўйиб турсам бас.  
**Пари,**  
Менга ёвингни кўрсат—  
Сўйиб,  
сўйиб, турсам бас....

## Тош пари

Менинг итим,  
Жаллодим маним!  
Ҳали хизмат қилажаксан кўп.  
Қуллуқ билан энгашгин, қани...  
Қани, энди оёғимни ўп.

## II

## Уртанды ботир

Тушларимга кирдинг—  
**Қўймадинг,**  
Фарқ қолмади туну кунимда.  
Остонангга етдим—  
**Үлмадим—**  
Пари, карам этгин қулингга.  
Дарёларни ҳатламай ўздим,  
Аждарларни кесмай ўтдим мен.

Девларингни тишини тўқдим,  
Девларингни эзмай ўтдим мен.  
Келдим!  
Пари, тошлигингни қўй!  
Табассум қил,  
Айлагин ҳиммат.  
Айёр-айёр бошлигингни қўй —  
Буюр, пари,  
Бемакр хизмат.

### Т о ш п а р и

Юзларимга қара—  
Сориғдир,  
Лабларимга қарагин—  
Хазон.  
Оҳ, ўзгалар йўли ёруғдир,  
Менинг йўлим тортди шабистон.  
Қирқта пари—  
Қирқта кабутар  
Чарх уришар қастимда, ёху.  
Ой талъатли бу қирқ жодугар  
Бахтимизга қўшади оғу.  
Ҳаммасининг қарашлари ғар,  
Ҳаммасининг кўзлари сузгун.  
Ҳаммаси ҳам яна санобар...  
Ҳаммасини бошини узгин!

### У р т а н ч а б о т и р

Париларни аввал қийнадим—  
Хўп синдиридим  
Қанотларини,  
Бўғзларида  
Пичоқ ўйнадим—  
Шундоқ сўйдим ҳаётларини.

Севгинг қўйди билакларимга  
Бир жасорат —  
Сесканмас, фаюр.  
Пари, етгум тилакларимга  
Фақат буюр,  
Қўрқмасдан буюр...

### Тош пари

Сочларимга қара—  
Оқарди,  
Юрагимга қара—  
Таҳлика.  
Қирқ шаҳардан, ахир, боқади  
Ҳасад билан  
Қирқта малика.  
Бир балолар ҳавода...  
Еҳу!..  
Сезаяпти қурмагур, сезгим.  
Улар қилгай сени ҳам жоду,  
Айриламан сендан ҳам,  
Севгим.  
Бир имонгга ҳаммаси интиқ,  
Ҳаммаси ҳам суюқ,  
Енгил ўй.  
Яна бари...

Гўзалу тиник!..  
Бор, ботирим,  
Ҳаммасини сўй!

### Уртанча ботир

Ҳаммасига иқбол тиладим,  
Ва суханлар қилдим хуштаъмиз.  
Сочларимни сўнгра силадим,  
Ишқим этди уларни каниз.

Тұшакларни  
Сархуш тебратиб,  
О, лабларга лабимни қўйдим.  
Қўлларимни белга чулғатиб...  
Сўйдим!  
Пари, барини сўйдим...

### Т о ш п а р и

Хавотирли кунларим бисёр.  
Эрка Боги Эрамда—  
Ташвиш.  
Муҳаббатга содиқ хизматкор,  
Менинг учун  
Яна кўрсат иш.  
Бу шаън қаср ичидагезар  
Аламзада қасос шарпаси.  
Хатар—  
Ақлу ҳушимни эзар  
Ва кутаман ҳар он зарбасин.  
Тўнгич ботир туну кун қайрап,  
Ўч тифини,  
Алам тошини.  
Истар—  
Қолса ишқимиз бесар...  
Жонини ол...  
Эмчакдошингни!

### У р т а н ч а б о т и р

Кўрдим:  
Акам, қўлида пичноқ,  
Заҳ тупроққа босиб жисмини,  
Малулликда йиғларди ҳар чоқ —  
Такрорларди сенинг исмингни.  
Қаршисида қанча бошсиз тан,

Атрофида қонлиғ ҳалқоблар.  
Қимки савол сўраса сендан  
Пичоқ билан  
Бермиш жавоблар.  
«Шўрлик акам!..»  
Мен ҳам бўзладим...  
**Аммо**  
Пари, ҳукмингдир барҳақ!  
Сен ёдимга тушдинг —  
Музладим...  
Пичоқ урдим  
Юрагига нақ!  
Кўзин ўзим юмдим, ҳойнаҳой,  
Ииғлаб  
Упдим пешонасидан...  
Энди, пари, бергин менга жой  
Юрагингнинг кошонасидан.

### Т о ш    п а р и

Ҳовлиқмагин,  
Содда-ғўр ботир...  
Менинг аслим,  
Наслим паризод.  
Пешонаси мангу шўр ботир,  
Кимлигингни англа:  
Сен — жаллод!  
Гул кўнглимни кўрмайман раво  
Узмогини қонлиғ қўлларинг.  
Мен жаллодга тенгманми?  
Асло!  
Фалак ишқи менинг йўлларим...

### Ү р т а н ч а    б о т и р

Нима дединг, пари?..

Тош пари

Сен — жаллод!

Уртанча ботир

Руҳим тортди ногаҳон толғин—  
Умрим қачон бўлдию барбод,  
Мен...  
Жаллодга айланиб қолдим?

Тош пари

Ўйнаб-ўйнаб ўлдирдинг,  
Е раб,  
Куйлаб-куйлаб қилдинг корингни.  
Ҳатто...  
Ҳатто айладинг ғорат,  
Худо берган  
Биродарингни.

Уртанча ботир

Нима қиласай?  
Паризод, буюр!  
Менга бўлгай қай маскан паноҳ?

Тош пари

Ботир, ўлдир,  
Ўзингни ўлдир!  
Сенга бошқа најот йўқдир, оҳ...

Уртанча ботир

Дунё бирдан туйилар азиз,  
Ажал берса ўзингга худо.

Севаман, де манга, пари қиз...  
Паризодим...  
Жоним...  
Алвидо!..

### III

#### Т о ш п а р и

Боги Эрам ороми сенга,  
Менга ишқнинг жупункор шавқи.  
Товусларнинг хироми сенга,  
Менга — ошиқ юракнинг мавқи.  
Субҳидамнинг оллиги — сенга.  
Менга қолсин қоронғу шомлар,  
Лабларимнинг боллиги сенга.  
Менга бўлсин оғули жомлар,  
Сенга тортиқ гулдай баданим.  
Тиканларинг мен учун бўлсин.  
Сенга ҳадя — севгим гўлхани,  
Шиканларинг мен учун бўлсин.  
Қанотларим сенга, ботирим,  
Қушлар учган фалагим — сенга,  
Ҳаётларим сенга, ботирим,  
Ишқни қучған юрагим — сенга.  
Сен келмадинг —  
Йўл юрдинг узоқ,  
Узоқ бўлди  
Кутмоғим маним.  
Үртамизга  
Солгани фироқ,  
Қамал қилди қалбимни ғаним.  
Аммо ҳозир озод ўйнагин —  
Ошиқларим —  
Бари тупроқда.  
Қучоғингда мен ҳам куйлагум —

Рақибларим ўлди қийноқда.  
Ажабтовур боқасан нечун,  
Қенжа ботир —  
Эй, инжа ботир?  
Қарашингда —  
Хатарли тугун,  
Юрагимга тушди хавотир...

### К е н ж а   б о т и р

Чархнинг  
Темир деворларига  
Бошим уриб, солгум келар дод.  
Ўтдинг дунё хунхорларидан —  
Пари,  
Сен ҳам жаллодсан,  
Жаллод!

### Т о ш   п а р и

Сен боиссан хунхорлигимга!  
Ошиқ кўнглим сўзига кўндим—  
Ишқим тифи,  
Рашким тифида  
Не жононлар.  
Не мардлар ўлди.  
Кезгин, ботир, беқайғу, бедард  
Мұхаббатнинг маъволарида.  
Энди ёнсин кўзларинг беашк  
Ишқнинг зангор ҳаволарида.

### К е н ж а   б о т и р

Қарамади менинг раъйимга...  
Тақдир ҳукми оғир,  
Паризод.

Учар қушсан —  
Кўкдан айрилган,  
Сен — жаллодсан,  
Барибир жаллод...

### Т о ш   п а р и

Такрор-такрор айтмагин, эркам,  
Қўлим — тоза...  
Ишонгин, ишон!

### К е н ж а   б о т и р

Қон йўллардан, ахир, юргансан,  
Ҳеч бўлмаса, оёқларинг қон...  
Англамадинг —  
Муҳаббат асли  
Оловланган имонлигини.  
Одамми, ҳур,  
Е пари насли  
Үндан кечса тамомлигини...

### Т о ш   п а р и

Менинг каби бечора борми?..—  
Туманларда тўзғийди йўлим.  
Кенжা ботир,  
Бир чора борми?

### К е н ж а   б о т и р

Бир чора бор...

### Т о ш   п а р и

Биламан, ўлим!  
Ҳа, айтгандай...

Қўзимга қара...  
Мени зарра севмайсанми?

Кенжаботир

Йўқ.

Тошпари

Улсам..  
Сўлган танамга қараб,  
Бирор оғриқ сезмайсанми?

Кенжаботир

Йўқ...

Тошпари

Алдамагин..

Кенжаботир

Керакмас, пари...  
«Йўқ» деганим кўнглиингни тинчи —  
Кетаркансан дунёдан нари  
Қолмасин бир тола илинжинг.

Тошпари

Ундай бўлса...  
Жоним, алвидо!  
Мана, урдим кўксимга пичоқ...  
Мени нега қийнайди худо!—  
Пичоқ хасдай синди-ку бироқ...  
Тош таним ҳам  
Чидамас ортиқ —

Тез ўлим бер!..  
Тўзғисин тўзим!..

### Кенжаботир

Қолмагунча дунёда бир тиғ,  
Улдирасан ўзингни ўзинг.  
Сенга шундай ўйлади жазо  
Муруватли, қудратли раҳмон —  
Тош танингга етгунча қазо,  
Ботгунингча тупроққа, тобон...

### Тошпари

Сенсиз, эркам, ўлмоғим — осон,  
Аммо сенсиз яшамоқ дордир.  
Бегуноҳсан,  
Тилагин эҳсон —  
Тез ўлимнинг чораси бордир?

### Кенжаботир

Жаллод билан тутмас иттифоқ,  
Пари,  
Кўкнинг раҳмати тинди.

### Тошпари

Жоним, хайр!..  
Қўлимда пичоқ...  
Мана!..  
Синди!..  
Оҳ, яна синди...

## IV

### Муалиф

Санъат балки авради,  
Балки ақлдан оздим.—

Оғам, сени алдадим,  
Оғажон, ёлғон ёздим.  
Ўзгаларнинг дардида  
Куйдим, деган зотлар кўп.  
Юрагимнинг гирдида  
Жаллодлар кўп, ётлар кўп.  
Кенжа ботир бедарак..  
Кўндирганми, Тош пари?  
Жаллод қилиб уни ҳам,  
Ўлдирганми, Тош пари?  
Тирик бўлса, отини  
Бурмасмиди, оғажон?  
Савашларда ёнимда  
Турмасмиди, оғажон.  
Пичоги мўл дунёниг,  
Қиличи мўл,  
Тиги мўл...  
Тақдирга ҳам Тош пари  
Топгацми бир айёр йўл —  
Бўлмаса, бахт йўлида  
Берармидик шунча жон...  
Тош паридан яшашни  
Ўргандикми, оғажон?  
Эртаклар ҳам тўзғиди,  
Оғрингандай эранлар.  
Қуригандай жасадга  
Тўлиб Боғи Эрамлар...

Ҳар гапни, оғажоним,  
Олаверма юракка!  
Фалакка бир қарагин —  
Қуёш бордир фалакда!

## **ХАЛИЛ СУЛТОН**

Тарихий драматик қисса

1

Самарқанд. Бояи Дилкушодаги кўшклардан бири. **Халил Султон** ва Шодимулк кўшк безакларини, тасвирларини томоша қилмоқдалар.

### **Халил Султон**

Омухта рангларнинг жилvasи — гўзал!  
Гардуну заминнинг якто сифати  
Жимжима нақшлар аро жой бўлиб,  
Кўнгилга ғулгула соладур асру.

*(Томоша қиласидилар.)*

Мусаввир мана бу суратда Ҳиндни  
Забт этмоқ онимиз, черикка черик  
Тўқнаш келғонини айлабмиш тасвир.  
Бобомнинг музаффар лашкария кўринг,  
Фолиблик шонидан кўзларда ёлқин...

*(Сукут.)*

Бу шавкат қонимни тоширмоги шарт,  
Аммо дилшикастмен нечун?..

### **Шодимулк**

Бебахтсиз,  
**Мени деб умиддин тушгансиз айро!**

### **Халил Султон**

Шодиям, кўнгилни зинҳор оғритманг,  
Балки баҳт юракнинг шикастлигинда.

(Тасвирга ишорат қилиб.)

Отлар туёғининг тагида абгор,  
Қўрқув даҳшатидин кўзи чақчайғон  
Анов, бахтинигун ҳиндуга қаранг,  
Қилич боши узра етғон бўлса-да,  
Ҳали ҳам ўлишин қилмай тасаввур  
«Наҳотки...» деб боқар энгашган тиққа,  
Энди қилич тутғон ўғлонға боқинг,  
У қандай чиройли шиддати ила,  
Алвон либослар нақадар гўзал —  
Фақат дорулбақо эшигидаги  
Бечора ҳиндуни ҳисоб қилмасак...

(Ўйга толади.)

Жанг-жадал, қирғинда от сурдим талай,  
Евға найза санчдим, ёвға тиф тортдим,  
Қонга ботиб, ажал ғарғарасида  
Тўлғонган душманға қарадим дилхуш..  
Аммо неча ойким, ушбу тасвирининг  
Қошига келғонда бир тенгсиз ўкрук  
Кўксимни ғижимлар...

Бу ҳинд ҳолати

Шундай жонланарким жону танимда  
Гўё ўшал ўғлон кўтарғон қилич  
Менинг вужудимға ботмоқда секин,  
Ойларки ботмоқда...  
У кундан буён...

Шодимулк

Эсламанг! Ситамлар мавсуми ўтди...

Халил Султон

Шодиям, мардумнинг умри — хотира,  
Бирор менга айтсан хотирда борин,  
Мен анга кимлиғин сўйлармен аён.  
Мендан сўрасалар...

Шодимулк

Султоним, айтинг,  
Энг гўзал хотира сиз учун надир?

Халил Султон

Шодиям, гўзалдан гўзал хотир — сиз?

Шодимулк

Энг абад хотир-чи?

Халил Султон

Тириклиқда — сиз!

Шодимулк

Энг ширин хотир-чи?

Халил Султон

(Ҳазиллашиб.)

Энг ширин? Бир қиз...

Шодимулк

(Сезиб.)

Мендан ортиқмидур?

Халил Султон

Сизнинг ўзингиз.

Шодимулк

Нечук бу ердасиз? Тез борнинг...

Халил Султон

Афсус,

Бир мирзо ишқинда ёнур ул пайкар.

Шодимулк

Фаҳмимча, ул мирзо барчадин юксак.

Халил Султон

Аҳли фаҳм ичинда ул қиз-да осмон.

Шодимулк

(Ҳазилни унуга бориб.)

Исми недур анинг?

Халил Султон

Исми — Шодимулк!

Шодимулк... Шодмонлиғ... Маним шодлиғим!!!

(Чўнтағидан ҳамён олиб кўрсатади.)

Эслайсизму?

## Шодимулк

Толе бўсағасиға  
Мени олиб келғон айёр совчи шул...

## Халил Султон

Боғи Дилқушиони ўшанда чошгоҳ  
Маҳали тарқ этдим йигитлар бирла,  
Яҳё отлиғ асл бир навкарим бор —  
Сиз они билурсиз — хизматимдадур.  
Ул рухсат сўради, волидасини  
Дийдорини кўриб, бир-икки ҳафта  
Қамарбасталиққа она қошида.  
Ҳамёнга қўл солдим тортиқни ўйлаб, .  
Аммо чўнтағимда ҳамён йўқ эрди.  
Сездим, туширганимен боғни кезғонда...  
Бирдан бир латиф мавж юракка оқди,  
Вужудни қамради бир ширин титроқ,  
Чакмонимни ечиб Яҳёға бердим,  
«Ол, дедим, бу совға»... Анграйиб қолди...  
Доруссалтанаға боришлирини  
Тайинлаб жўнатдим навкарларни ҳам,  
Ўзим от бошини бурдим бул тараф...

## Шодимулк

Эҳтимол ҳамёнга кўзим тушғондир  
Ушал он... Қўлимға олдиму они  
Ногаҳон ўзимни самовий, зангор  
Нурлар қучоғинда қолғоним сездим.  
Нимадир ўт бўлиб жонға туташди,  
Англадим, нимадир — баҳтму, хатарму —  
Йўлимда турибдур...

Халил Султон

Сиз, ҳув, чинорнинг  
Тагинда бир хушбахт караҳатлиғ ичра  
Танҳо туардингиз...

Шодимулк

Мардум кўп эрди,  
Истиқбол ҳушимни шундай олдиким,  
Алар ғойиб бўлди...

Халил Султон

Эстай олмаймен  
Ёдимда қолғони... Чинор... Яна... Сиз!

Шодимулк

Сиз сукут ичинда илк узатдингиз...

Халил Султон

Мен кўрдим ҳамёним қўлнингиздайди,  
Аммо сўз айтмоққа топмадим мадор.

Шодимулк

Кўзингиз кўэзимга тушди — тош қотдим...

Халил Султон

Ҳамённи олдим-да, отимдан тушдим.  
Сизга айтмоқчийдим...

Шодимулк

Айттолмадингиз!..

## Халил Султон

Исмингизни тутуб чақирди бир кас.  
Мен сараб ўгрилдим... Амир Сайфуддин  
Таъзим ила бошин эгиб турарди...  
Ғазабим отилиб бошимға етди,  
Гўё исмингизни мендан ўзга зот  
Тилиға олмоққа ҳақли эмасди...

## Шодимулк

Ул уйга боришини менға буюрди...

## Халил Султон

Амир менға боқиб фалак тоқидин  
Яна таъзим этди... Сўнг кетдинг. Қолдим.  
Отимни етаклаб келдим шу кўшкка.  
Ва неча йилларким, кўзим ўрганиб  
Қолғон бу суратга нигоҳим тушди.  
Чақмоқ вужудимни тешfonдай бўлди,  
Зирқираб кетдилар сүяк-сுягим!  
Инсон боши узра қуюндай қилич...  
Ул эрса ўлимин қилмай тасаввур  
«Наҳотки...» деб боқур энгашғон тиққа.  
Бўғзимға қалқиниб йиги қадалди,  
Оҳ урдим, инградим, ютурдим гирён,  
Анов, от устида турғон ўғлоннинг  
Шодликдан нурланғон қиёфасиға  
Тошлар отғим келди...

## Шодимулк

Мен нохуш эрдим,  
Кўзимдан ёшларим оқарди селоб.  
Тиловат қилардим яратғонгаким,

Тошлар ёгдурса ҳам шўрлик бошимға,  
Сиз ила яна бир юз кўрсатмоғин.  
Барча чўккандин сўнг хобнинг комиға.  
Чорбоққа чиқдим-да, ерга тиз чўкиб  
Тангридан сўрадим сизни... Истадим...  
Ногоҳ қаршимдаги ишком ортиндик  
Бўйингиз кўринди...

Халил Султон

Қалқиб тушдингиз,  
Кўрқдингиз, арвоҳму, ёхуд ўғри деб...

Шодимулк

Қўзим тушар-тушмас сизни танидим,  
Кўрқмадим, шоширди ногоҳ саодат.

Халил Султон

«Қани, кетдик» дедим, сиз эргашдингиз,  
Кутиб туардингиз гўё амримни...

Шодимулк

Отлар елди... Кетдик...

Халил Султон

Амир Сайфуддин  
Арзадоштлиғ ила айюҳаннос солиб,  
Эртаси ўпиди бобом этагин.  
Меҳрда қанчалар дарё бўлсалар,  
Қаҳрда шунчалар Амир Темур тош.  
Мени қаҳр ила «оқ» айлабдилар,  
Аммо босилмағоч ғазаб ҳумори...

(Тўхтаниб.)

Шодиям, ҳайрнят, оламда борсиз!

Шодимулк

Аммо босилмағоч ғазаб ҳумори,  
Мени ўлдирмоққа қилдилар ҳукм.

Халил Султон

Эсламанг!

Шодимулк

Султоним, хотира — умр...  
Навкарлар қўлимни боғлаб ҳайдади...

Халил Султон

Ҳибсга олдилар мени ўшал он,  
Қавқабафшон эрди кўзингиз, боқсам,  
Нажот истар эрди... Мен эрсам банди...  
«Султоним» дея сиз айлаб илтижо  
Кўмак сўрадингиз...

Шодимулк

Ўн чоғли навкар  
Оёқ-қўлинигизга ёпишғон эрди.

Халил Султон

Оҳу — ноламизға тошлар эриди...  
Туман оға момом ишора айлаб,  
Кўрсатма бердилар навкарбошиға,  
Сароймулк момомға арз қилдилар сўнг.  
Ҳумоюн ўрдаға иккиси бориб,  
Қайтдилар бобомдин хунимиз сўраб...

## Шодимулк

Туман оға хоним — асру кўнгилчан,  
Ҳозир-да бошимға меҳр паноҳлар.

(Яҳё навкар киради.)

## Яҳё

Ташриф буюрдилар Али товачи,  
Бобонгизни олий фармонин олиб,  
Келғон эмишдурлар...

## Халил Султон

Олий фармонни  
Тингламоқдин озод қилғондилар-ку!..

## Шодимулк

Султоним, ғазабни зоҳир айламанг,  
Подшолар ғазабни сўймағай бисёр.

## Халил Султон

Товачига буюр, бориб бобомға  
Мендин узр сўраб изҳор қилсинким,  
Олийфармонларни тингламоқликка,  
Кучим етмаслигин... Мен энди киммен?!  
Ҳазрат Амир Темур Кўрагонийнинг  
Қатордан қолғон бир зурриётимен!

## Яҳё

Шаҳзодам айтмоққа тилим бормағай...

## Шодимулк

Султоним, товачи оддий чопармас,  
Олийнишон, маҳсус фармонбардордир.

## Халил Султон

Оллоҳ бўлмайдиму, неча ишим бор!

Яҳё

(Чўкиб.)

Шаҳзодам...

## Шодимулк

Қизишманг, менга сўз беринг  
Ақлкуш қаҳрдин олисламоққа...  
Ҳозир товачини қабул айлайсиз,  
Маъқуллаб турасиз нимаки айтса...  
Маслаҳатлашурмиз ул кетғондин сўнг.

## Халил Султон

Айт, кирсин!

(Яҳё чиқиб, Али товачи киради.)

## Али товачи

Саодатманд бўлсин шаҳзодам мудом,  
Ақли пешвоз бўлсин кору фикрга!  
Баъд рухсат беринг арзу ниёзға.

## Халил Султон

Сўйланғиз.

## Али товачи

Он ҳазрат бобонғиз бу тонг  
Аркону давлатға қилдилар эълон —  
Ки, Чин диёриға черик тортмоқлиғ  
Хаёли муборак кўнгилларини  
Забт айлаб, ҳаракат бошлағонини...  
Тирамоҳ чоғинда лашкар қўзғолур:  
Қалбда — Соҳибқирон ўзлари бошдир,  
Сўл қанот — жувонғар — томирдошиғиз  
Султон Ҳусайннинг ихтиёринда,  
Үнг қанот — буронғор...

*(Овозига тантанавор тус бериб.)*

Амр этдилар  
Сизнинг илкингизда қилғой ҳаракат.  
Черик қишлоғайдир Тошканда етиб,  
Баҳорда отланур қутлуғ сафарға?  
Ушанда буронғар, жувонғар, қалбға —  
Шерсифат бекларға, баҳодирларга,  
Ёвқур навкарларға-жаъми қўшинға  
Мирзо Ҳалил Султон танҳо бош бўлиб  
Чин-Мочин подшогин тор-мор айлагой  
Ҳазрат Амир Темур Кўрагонийнинг  
Тангри равиши-ла, иродаси шул!

## Халил Султон

Бобомга етказгин, Али товачи,  
Сафар анжомини тайёр-тахт айлаб,  
Бориб пойларини тавоғ этурман.

## Али товачи

Саодатманд бўлсин, шаҳзодам, мудом!

(Кетади.)

Халил Султон

Товачи фалокат келтирди, жониъ  
Фалокат келтирди!..  
Бўлинг, йигининг,  
Кетурмиз!..

Шодимулк

Қаёққа?

Халил Султон

Бош оққан тараф!  
Менга нима керак қирғин жанг-жадал,  
Менга нечун лозим олис Чин-Мочин,  
Нечун ўлдирмоғим керак ўзгани...

Шодимулк

Ўзингизни босинг...

Халил Султон

Сизни топганим  
Ул кундан буён бир савол бошимни  
Эзғилар... Наҳот, мен жанг-жадал деб,  
Бирорлар умриға бўлғонмен забун!

Шодимулк

Султоним, жанггоҳнинг қонуни қатъий,  
Сени ўлдирурлар, сен ўлдирмасанг.

## Х а ли л С ул т о н

Алар диёриға бизлар бордик-ку,  
Алар ҳақ әди-ку бизни ўлдирса!  
Аммо биз ўлдирдик...

(Суратга ишора қилиб.)

Шўрлик ҳиндунинг  
Балки хотини зор кутаётғондир,  
Қалтираб тангрига қилиб илтижо.  
Балки фарзандлари сўнгги бир бурда  
Нонни талошиб еб, оталарининг  
Иўлиға — кўчаға чиқиб туурулар...  
Аммо суворийсиз от келур ҳорғин,  
Қишлоқ кўчасидин бир-бир босғонча,  
Жилови тупроқда сассиз судралур....  
Таранг тортилади сукунат тордай  
Инграру, ногаҳон кетур узилиб,  
Фарёд кўтарилиур... Бечора аёл,  
Энди сағир қолғон фарзандларини  
Қучоқлаб бўзлайдилар...

• Иўқ, мумкин эмас!  
Шодиям, ўзгартир хос лиbosингни  
Менга ҳам деҳқоннинг кийимин келтир,  
Яна ўзгаларға кулфат солғунча,  
Дунёнинг бир сокин буржиға кетай!  
Ерга уруғ сочиб, омоч-қўш ҳайдаб,  
Кунимиз ўтар-ку!..

(Сукут.)

## Ш од и м у л к

Сиз ақллisisiz,  
Мирзолар ичинда баҳодир, жасур!  
Бобонгиз ҳукмини айлангиз бажо!

Халил Султон

Нималар деяпсан, Шодимулк?

Шодимулк

Яна —

Кўнгли бўш одамсиз. Фариблар бошин  
Оғринмай силашни қилурсиз адо.  
Бир буржда мажхуллиғ ичра ботгондин,  
Кўпға бош бўлсангиз, ҳақиқат айлаб  
Пешволиқ қилурсиз...

Халил Султон

Шодимулк, оғир...

Шодимулк

Султоним, куч берғай сизға ишончим!

(Үйланиб.)

Билурсиз, падарим камбағал эрди,  
Сувга бўқтирилган қора нон тансиқ  
Таомимиз эрди кеч ҳам, эрта ҳам.  
Қўлимни сўратиб Амир Сайфуддин  
Совчи юборғонда, онам иккимиз  
Шомлардин тонгларға қадар, қанчалар  
Кўз ёш тўқконимиз эгамға аён.  
Аммо осмон узоқ, замин эрса тош —  
Тақдир чангалидин қутулмоқ қайдада?  
Султоним, ёлбориб сўраймен сиздин,  
Бобонгиз сўзини ерда қолдирманг,  
Эллинг бир четига бош бўлинг одил.  
Илкингиэда турса улус жилови,  
Бахтли бўлармиди мен каби кўплар...

Халил Султон

Шодиям...

Шодимулк

Султоним, йўқ деманг! Зинҳор!

Халил Султон

(Қараб.)

Кимдир бул тарафга келмоқда...

Шодимулк

Қани?

Халил Султон

Ҳув, ана, гулзордин кесиб ўтмоқда.

Шодимулк

Ҳа, ҳа, кўрдим... Эсиз..

Халил Султон

Нечун бу афсус?

Шодимулк

Ақлидин айрилғон шўрлик бир аёл.

Халил Султон

Ақлидин айрилғон?

## Шодимулкъ

Ҳинд учун жангдин  
Қайтмағон якка-ю ёлғиз фарзанди.  
Үғлини сўроғлаб кезгени-кезғон...

(Аёл киради.)

## Аёл

Ҳой, ўғлон! Кўпдинму, бунда турурсен?

Халил Султон

Каллаи саҳардин.

## Аёл

Кимни сўроқла!

Халил Султон

Ҳеч кимни...

## Аёл

Ҳеч кимни йўқотмадингму?

(Сукут.)

Кўзинг тушмадиму хушсурат, хушқад,  
Бўз отлиқ суворий бундин ўтғондир?

Халил Султон

Кўрмадим...

А ё л

Менгги бор ўнг чеккасинда,  
Эгнидаги чакмон қора мовутдин...

Х а лил С ултон

Минг афсус, кўрмадим...

А ё л

Уғлон, эслаб боқ,  
Кулғонда бир кўзи кўпроқ қисилур,  
Қошлари қоп-қора....

Х а лил С ултон

Иўқ, учратмадим.

А ё л

Бўлғонмисан олис мамлакатларда?  
Олис юртларда ҳам учрамадиму?  
Эслаб кўр... Бўйни-да жароҳат солғон  
Яранинг изи бор...

(Халил Султон «ийқ» деб бош силкийди.)

Кетди... Қелмади  
Эси паст, онасин эсламайди-я!

(Шодимулкка.)

Ҳай, жувон! Қай мато шул кунлар расм?

/ Ш од и м у л к

Сарнқ атлас...

Атлас? Вой, саригими!  
Насиб этадифон келинимға деб  
Олиб қўйғон эрдим икки либослик.  
Шул кунларда расм бўлғонин қаранг!

(Хаёлланаб.)

Ҳали гумбурлаган тўйлар бўлади!  
Ўғлимнинг эгнида музахҳоб қабо...  
Сариқ атлас ичра келинчак... Вой-буй!  
Нағора!... Сурнаю, чирманда!... Ёр-ёр!

(Ўйнаб куйлайди.)

Ерга тушган оқ белбоғ сизникиму, ёр-ёр,  
Қўзёш ичинда кулгу сизникиму, ёр-ёр.  
Асру ҳимматлар қилдинг золим фалак, ёр-ёр,  
Шундай гўзал келинчак бизникиму, ёр-ёр.

(Ўйиндан тўхтаб.)

Тўйға келасизму? Албатта келинг!  
Тўймисан-тўй бўлур... Рақсу наволар...

(Эсига тушиб.)

Қайга кетиб қолди? Эси паст бола!  
Софиниб-софиниб кул бўлдим, ахир!..  
Нима бўлур эрди бир келиб кетсанг...  
Майли, мен борайин...

Сўраб кўрай-чи,  
Бирор кас дарагин айтур... Тўғриму?

Х а л и л С у л т о н

Албатта, дараги чиқадир! Тўғри.

А ё л

(Ташқарига қараб.)

Ҳой, ўғлон! Мабодо менинг ўғлимға  
Кўзинг тушмадиму? Ҳой, ўғлон! Ўғлон!..

(Кетади.)

Х а ли л С ултон

Шодимулк...

Ш од и м ул к

Шаҳзодам, бардам бўлингиз,  
Қалбни тетик тутиng!

Х а ли л С ултон

Шўрлик савдоий!

Ш од и м ул к

Бу олам бахтиёр инсонларники  
Бўлмоғи учун сиз юксак мартаба,  
Олий орзуларнинг роҳидин бардам  
Бормоғингиз зарур!

Х а ли л С ултон

Шодимулқ, балки  
Бошимизни олиб кетғонимиз соз...

Ш од и м ул к

Шаҳзодам!

Халил Султон

Шодимулк, сүйдугим маним,  
Бахт қайда? Бахт қайда? Қайда бор толе?!

(Сукунат.)

Халил Султон

(Девордаги суратга қараб.)

Сен не дейсан?  
Сўйла, бечора қурбон!

II

Тошкент яқинида бир мавзеъ. Халил Султоннинг қароргоҳи.  
Халил Султон хонтахтага бош қўйниб ухлаб қолгая.  
Шам ёниб турибди. Яхё киради.

Яҳё

Мирзом, уйғонингиз...

Халил Султон

Субҳи козибму?

Яҳё

Йўқ, тонг отиб қолди.

Халил Султон

Еғмоқдаму қор?

Яҳё

Чирсиллагон аёз тангига олгон.

Халил Султон

Навкарнинг шўри-да...

(Яхё татзим қилиб чиқиб кетади.)

Халил Султон

(Ўзича гапириниб.)

Туш кўрдим. Ажиб!  
Оппоқ қор қўйнида бир саҳро эмуш,  
На жонзот кўринур ва на одамзод,  
На бир дарахт бордур, на йўл, на уфқ  
оқлиқда чор тараф, гардуну замин.  
Саҳро қаршисида ҳайрон эмушмен,  
Дилгир боқармушмен ўз аҳволимға.  
Теграмни ўрабмуш шунда ногаҳон  
Бир гала қўзичноқ — ҳаммаси сулув,  
Кўзлари қуралай... Совуқда титраб  
Маърашар, кўнглимға оғриқлар солиб.  
Бирини бағримга босиб иситмоқ  
Истагинда эриб қўлимни чўздим,  
Қўйнимға тиқдим-да...

Тангрим! Қарасам —  
Қўзичноқ бўримиш... Шошиб, ютоқиб,  
Кўкрагимни ўйиб тишлари ила  
Иссиқ қоним қайнаб, гупуриб ётғон  
Юрагимни ғажир пора-поралаб!..  
Ерга улоқтирдим жаҳл устинда,  
Йиқитиб бўғзига ханжар қададим.  
Аммо жуда гўзал эрди қўзичноқ,  
Кўзлари қуралай... Қўлим бўшашиди,  
Ҳанжарим сирғаниб тушди кафтимдан...  
Ани озод этдим ҳовримдан тушиб.  
Шунда сескантириб жондор увлади,

Атрофимга боқсам, жаъми қўзилар  
Ваҳший нигоҳ билан менға қарашур...  
Душвор таъна ила аларға дедим:  
— Сизлардин кучлимен, аяйман фақат!..  
Кўзларингиз қандай қўралай эрди,  
Энди нигоҳ қайраб боқмоғи нечун?  
Алар жавоб бермас, алар увлашур,  
Алар яқини келур лабларин ялаб —  
Тишлари қип-қизил, гўё дўзахнинг  
Оташгоҳидаги оловдин ёлқин...  
Бирдан кўриндилар Темурбек бобом  
Жонимни хатарда қолғонин сезиб,  
Кўмакка югуриб шошғонмудилар,  
Ё ногоҳ қарорнинг ҳаяжонидин.  
Тўлиқиб дарёдай тошғонмудилар,  
Ё мени саҳрова соғ-омон кўриб,  
Ақлдан айрилиб қувондиларму?—  
Подшоҳлиғ тартибин эсфа олмасдин  
Мени суйиб, ҳидлаб қучоқладилар...  
Хиёл чекиндилар ваҳший жонзотлар...  
Бобом қўлларини елкамга қўйиб  
Менға тикилдилар бир меҳр ила  
(Тожнинг залворини сезмағон чоллар,  
Шундай боқса керак невараларға),  
Сўнгра бир хўрсиниб сўз бошладилар,  
Сокинлиғ қўйнида ҳар бир сўзлари  
Тифдай жарангларди кескин, қудратли:  
— Жасорати мутлақ кўнглинға жодир,  
Ошиқи воласен ишқу урфонға.  
Фикратинг чуқурдир, хаёлинг баланд —  
Энди Амир Темур Кўрагонийнинг  
Сўнгги иродасин кўнглинға жойла!  
Узлатға йўл олсам дорулғанодин,  
Тахту иқболимнинг эгаси ўзинг!  
Аммо шоҳлиғ учун бир иллатинг бор...  
«Иллатим» нелигин айтмадилару

Менинг юрагимға тишин ботирғон  
Қўзичноқни ногоҳ бўғизладилар!  
Қолғон қўзичноқлар тортдилар ювош,  
Бобомнинг қўлларин ялаб, қилпиллаб,  
Майин бир мақомда маърар эрдилар,  
Соҳибқирон кетди... Ўгирилиб боқмай...  
Қорли сахро узра беиз, бесадо...

(*Одамларнинг шовқини эшитилади. Я ҳ ё навкар киради.*)

Я ҳ ё

Шаҳзодам!..

Халил Султон

Не бўлди?

Я ҳ ё

Шаҳзодам!..

Халил Султон

Гапир!

Я ҳ ё

Қалбдаги беклардин чопар етишди!

Халил Султон

Хушхабар илamu, ё мұжда бирла...

Я ҳ ё

Шаҳзодам!

Халил Султон

Тилингға тош боғладингму!  
Чопарни чақирғил!

(Я ҳ ё чиқиб, чопар билан киради.)

Чопар

(Халил Султоннинг оёғига йиқилиб.)

Шаҳзодам, бир қошиқ қонимдан кечинг!

Халил Султон

Сўйлағил!

Чопар

Оlamни қуёш тарк этди,  
Балолар ёғдирди чархи кажрафтор!

Халил Султон

Гапни безамасдин сўйлағил, гумроҳ!

Чопар

Улуғ Амир Темур Кўрагонийдин  
Тангри омонатин қабул айлади!

Халил Султон

Нима дединг, чопар? Не учун?.. Қачон?..

Чопар

Жон бердилар еттисида Шаъбон ойининг...

Халил Султон

Бугун Шаъбон ойин ўн бешинчиси,  
Бир ҳафтадин кўпроқ...

(Сергакланиб.)

Чопар, жавоб бер,  
Нечун хабарим йўқ бу мусибатдин?

Чопар

Мен маҳтал этмасмен амир этилғоч...

Халил Султон

Бора қол!

(Чопар кетади.)

Халил Султон

(Яхёга.)

Бекларни қошимға чорла!

(Яхё чиқади. Амир Бурундик, амир Худойдод, Отабек,  
Рустам барлослар кирадилар.)

Халил Султон

Ҳузуримға тонгда чорладим, аммо  
Муждала кўнглингиз чоғ қиломасмен,  
Фалак кажлигини кўрсатди яна,  
Етим қолдик, беклар!..

**Беклар**

**Астағурууллоҳ!**

**Халил Султон**

**Ҳазрат Амир Темур оламдан ўтди!**

**Худойдод**

**Оллоҳ! Бошимизга бу не кўргулик!**

**Бурундуқ**

**Кўксимни қон этди новаки кулфат!**

**Рустам барлос**

**Қулаб тушди саодат қуёши кўқдин!**

**Худойдод**

**Улуғ қиблағоҳдин айрилиб қолдик!**

*(Узвос солиб ииглайдилар.)*

**Халил Султон**

Рустам барлос, чор атрофға қоровул қўйинг!  
 Лашкарга амир этинг, амир Бурундуқ,  
 Ҳазрат Амир Темур хотирин ёдлаб,  
 Зафар туйғулариға қаро боғласин!  
 Сиз-чи, суюнчиғим амир Худойдод.  
 Қароргоҳда қолинг, ҳасратлашайлик.  
 Мотам хос тартибин айлайлик адo..,

(Беклар қўзғалмайдилар.)

Яна қандай фармон кутмоқдасизлар?

(Сукут.)

Амир Худойдор

Шаҳзодам, бу ғамнинг охиратиға  
На ашкимиз етур ва на умримиз,  
Аммо тириклиғнинг қонуни қатъий —  
Бебақо ташвишлар навбати ила  
Босиб келаверур... Ҳар биттасиға  
Лойиқ йўриқ, ойдин равиш топмоқ шарт!

Халил Султон

Фарзанд қаторимен сизға...

Худойдор

Иншоллоҳ!

Халил Султон

Менга таъзим берғон отабегимиз!

Амир Худойдор

Иzzатингиз учун, шаҳзодам, қуллуқ!

Халил Султон

Олисдан бошлишға, демак, ҳожат йўқ,  
Мақсадға яқинроқ йўл ила келинг...

Б у р у и д у қ

(Бирдан.)

Шаҳзодам, ҳолимиз энди не кечур?

Р у с т а м б а р л о с

(Шошиб.)

Бир муҳим қарорға келмоқлик зарур!

Х а лил С ултон

Биз учун Темурбек қарорға келгон!  
Бунда баҳоргача шай турмоқ зарур,  
Сўнг қалбу жувонғар амирларининг  
Маслаҳатин олиб, гангри ишоят  
Қилғон кун Чин-Мочин юртиға лашкар  
Тортурмиз!..

Х у д о й д од

Шаҳзодам, қай лашқардир у.

Х а лил С ултон

Ҳазрат Амир Темур Кўрагонийнинг  
Музаффар лашкари!

Х у д о й д од

Ул тарқаб кетди!

Х а лил С ултон

Нималар деяпсиз?!

## Худойдод

Султон Ҳусайн  
Бобоси қазосин эшитғон они  
Салтанат ишқини кўнглига туғиб,  
Вафодор бир даста йигити бирла  
Доруссалтанага жиловин бурди.  
Қолғон навкар эрса, титилиб кетмиш —  
Бирор хотининг қўйниға, бирор  
Кўнглиға ўлтириғон беш паноҳиға...  
Қалбда — Соҳибқирон қароргоҳининг  
Бошида қолғонлар — амир Нуриддин,  
Бердібек, Шоҳмалик — шавкатли беклар  
Султон Ҳусайндин кеч қолмайлик деб  
Қичаб жўнадилар Самарқанд сори:  
Аларнинг бошида ўзга бир мақсад,  
Амакингиз Шоҳруҳ мурзони ёхуд  
Мирзо Улуғбекни — фарзандларини  
Самарқанд тахтиға еткузмоқлиғдир...

## Халил Султон

Амаким? Валийаҳд Пирмуҳаммад-чи?

(Сукут.)

Отабегим, сўйланг тангрини ўйлаб,  
Қайдин хабардорсиз бул фитналардин?  
Оlamдан талотум, тўғон кечсаю  
Мен нечук «қилт» этғон шабадасин-да  
Сезмасмен? Не учун ихтиёр бериб,  
Кўзу қулоғим деб суйғаним беклар,  
Огоҳ этмағойлар... Бул мусибатға,  
Ахир, ҳаммангиздан яқини менман!

## Худойдод

Шаҳзодам, «миш-миш»лар етганди бизға,  
Аён билмас эрдик... Яна ўйлашиб,  
Фавқулод бул фоже етагидағи  
Турфа кўргуликка малҳам бўлғувчи  
Покдомон, як мақсад, яқдил бир қарор  
Ила қошинғизға келмоқчи эрдик.

## Халил Султон

Демак, меҳрибонлиғ қилғонсиз менға!  
Шунча раҳм этғонсиз шўрлик бошимға —  
Ки ани ўйлашдин озод қилғонсиз...

(Беклар жим.)

Энди очадурсиз қароринғизни,  
Ехуд шафқатбардор, шаън амирларим  
Улуғ Амир Темур Кўрагонийнинг  
Азасин унугтиб, ўйлагон махфий,  
Буюк қарорларин сир тутурларму  
Бечора мирзонинг қулоғин аяб?

## Бурнудук

Шаҳзодам, бизларни айбламоқ бекор!

## Рустам барлос

Нимаики кор қилсақ, ўйимиздасиз!

## Бурнудук

(Ялтоқланаб.)

Мирзом шод бўлғайлар қароримизни  
Эшилсалар...

Сўйланг, амир Худойдод,  
Бу улуг фурсатда муқаддас лафзни  
Эълон этмоқ сизга ҳам фарз, ҳам суннат!

(Беклар тантана ичида гоз қотадилар.)

### Худойдод

Ҳазрат Амир Темур Кўрагонийнинг  
Рұхи ул дунёда бахтиёр бўлсун!

(Ҳамма юзига фотиҳа тортади.)

Оллоҳ йўл кўрсатди, биз қарор қилдик!—  
Буюк соҳибқирон тахту бахтиға,  
Давру давлатиға, салтанатиға  
Кўзимизнинг нури — Халил Султонни  
Шон-шавкат бирла ўтказмоқлиққа!

(Сукунат.)

### Халил Султон

Отабек, бобом-ку қазо қилдилар,  
Марҳумлардин зарра ҳайиқмасангиз,  
Кўзи очиқларнинг ҳурматин қилинг,  
Ахир, валиайҳд бор...

### Худойдод

Ғўрсиз, шаҳзодам!  
Мен сизга неча йил тарбият бериб,  
Соддалигингишға шифо топмадим...

### Халил Султон

Амирлар, қандай гап? Темурбек бобом  
Қаро ерга етмай... Кўзларимиздин

Оққон ёшларимиз чок ёқамизни  
Хўй қилмай, тож-тахту салтанатиға  
Чор тарафдин хоин қўлларин чўзиб,  
Муқаддас амрини поймол этурмиз?

### Х у д о й д о д

Шаҳзодам, йигирма бирга кирдингиз!  
Фақат юксаклиқдин эрмас, дунёға  
Тубандин боқмоқ ҳам фурсати етди.  
Энди баҳслашмасдин, осмондин тушиб,  
Бугунги мавқенгизни таҳлил қиласайлик:  
Подшоҳ паноҳини севади лашкар,  
Тахтнинг эгасидан излашиб паноҳ  
Эртага бул ерни бари тарк этур —  
Сиз эрса белашкар — сувсиз балиқсиз —  
Адашғон тулкининг мўмай ўлжаси.  
Ахир, мирзолардин фаҳми тези сиз,  
Яна баҳодирсиз жангу жадалда...  
Тахтға эга бўлғон қариндошинғиз  
Аввал сизда қурур ўз рақибини,  
Сизнинг жонингизга авал қасд айлар:  
Мўғуллару ўзбек қароқчиларин  
Билурсиз ниятин авра-астарин,  
Демак, чекинмоққа йўл тополмайсиз...  
Мирзом, эълон қилинг қарорингизни!  
Навкарлар кўнглиға ғулғула тушиб,  
Тўпалсон бошланмай аён қиласайлик —  
Оллоҳнинг беғараз марҳамати-ла,  
Мирза Халил Султон тожи давлатға  
Эга бўлмоқлиққа жазм этганин.

### Б у р у н д у қ

Зинҳор иккиланманг, қиличларимиз  
Мудом пешлонғондур сиз учун, мирзом!

Рустам барлос

Шаҳзодам, жонимиз сизга фидо!

Халил Султон

(*Oғир ўйдан сўнг.*)

Мунаввар этдингиз кўнглимни, беклар.  
Минг қуллуғ... Қўшинға айтингиз... Майли...

Худойдор

Салтанат муборак бўлғай, шаҳзодам!

Бурундуқ

Тож-тактингиз қуллуқ!

Рустам барлос

Муборак бўлғай!

(Беклар келиб Халил Султоннинг этагини ўпадилар.)

Худойдор

Энди Самарқандға юриш бошлаш шарт.  
Султон Ҳусайну бегу амирлар  
Иўлини қирққани шу лаҳзадаёқ  
Тошканд туманидан қўзғалмоқ лозим.  
Сиз, Амир Бурундуқ — навкарингиз тахт —  
Самарқандға жўнанг илғорлик ила!  
Сиз-чи, Рустам барлос...

## Халил Султон

Амир Худойдод,  
Ўзингиз айтгандай, йигирма бирга  
Кирдим, отабекка муҳтоҷлигим йўқ...  
Ўзимнинг сўзимға ўзим масъулман!  
Аммо ҳурматлаймен сизни шу қадар —  
Ки бу гал амрингиз этмасмен бекор...  
Беклар, сиз шунчалар суюндингизки,  
Тожу тахтға эга бўлғонимгаму,  
Ехуд... Майли, бу ёғини гапирмай қўяй.  
Хуллас, қароримни чала эшитиб,  
Бутун ихлос билан қуллуқ қилдинғиз,  
Аммо шодлигинғиз чала этурмен!  
Эътиборга олдим мантиғингизни,  
Яъни, бўлмасин деб лашкарда ғавғо  
Тожу тахт залворин бошға қўюрмен...  
Валийаҳд пойтахтға келиб етишғоч,  
Бу ғамдин ўзимни қилурмен озод!

## Худойдод

Шаҳзодам, кечиринг...  
Бу гап — телбалик!  
Ахир мирзоларнинг бари қўзғолиб,  
«Бобомнинг энг оқил меросхўри — мен»  
Дея бир-бирига олайғон бир пайт.  
Кони зиён эрур бўшашибонингиз!  
Чақмоқ чақса ёнмас шиддатли булут,  
Сақрода анқайган работ ловуллар...

## Халил Султон

Ўзингиздан кетманг, амир Худойдод!  
Менинг қарорим шул:  
Бунда қолурмиз!

Валийаҳд тахтиға эгалик қилғоч,  
Олий хизматиға борурмиз етиб.  
Беклар, энди боринг! Амир Бурундуқ  
Отларин қантарсин — сафарға эрта!

(Беклар чиқадилар, Шодимулк киради.)

### Шодимулк

Менинг-да бошимда сизнинг ғамингиз:  
Шаҳзодам, тириклиқ ғуссани енғмоқ —  
Кўп куйманг...

### Халил Султон

Чарчадим... Лаҳзада осмон  
Жаъми кулфатини бошимға отди.

(Тўсатдан.)

Беклар келғондилар, ҳали Шодиям...

### Шодимулк

Сўйланг, сўйлайверинг истиҳоласиз —  
Сўз хуфтон кўнгулни айладир равшан.

### Халил Султон

Аҳли сипоҳ мудом ғавғонинг қули,  
Мени тахтга лойиқ кўргон эмишлар...

### Шодимулк

Мирзом, сиз чиндан ҳам тахтга муносиб!

Халил Султон

Маслаҳатинг бирму бекларим ила?

Шодимулк

Аларнинг мақсади менга қоронғу,  
Учиб кетмағойдир аммо қайларға  
Сал шамол қўзғолса, шўр заифанинг  
Ҳиллираб турғувчи ҳарир хаёли.  
Бегим, дилни очмоқ фурсати етди,  
Ниҳон орзуларни яширмоқ нега?  
Мен сизни тож-тахтли хоқон кўурмен.  
Шафқатда ягона, элға меҳрибон...

Халил Султон

Шодимулк, бу гаплар бекор, кўксимни  
Бобомнинг ғуссаси эзгон бул маҳал  
Бекларнинг гапини сен-да қайтарма...  
Билмассен, бобомнинг саховатини,  
Меҳрда кенглигин асло билмассен,  
Ўйларсен, бир қонхўр ўтди оламдин!  
Аммо мен билурмен соҳибқиронни —  
Қиличдин қаварғон метин кафтларин  
Гўдаклар бошини суйиб силарди...  
Халойиқнинг тўлиқ улкан юраги.  
Мен бугун йиглармен, подшоҳ учунмас.  
Меҳрибон бобомнинг ёдини айлаб...

(Яҳё наўкар киради.)

Яҳё

Мирзом, бир гумонли хаёлға бордим.

Халил Султон

Ғавғо-ю, шубҳалар куни!..

Яҳе

Шаҳзодам,

Беклар ила кенгаш этган чогингиз,  
Бобонгиз ҳақинда машъум хабарни  
Олиб келган чопар ҳордиқ олсин, деб,  
Ани хизматкорлар ихтиёrimfa  
Топшириб, ташқари чиқдим... Ва бирдан  
Хиргоҳининг ёнида қонтариқ турғон  
Чопарнинг отиға нигоҳим тушди.  
Ва дилға ёпишди шубҳанинг ўти...  
Чопар шунча йўлдин қичаб келсаю  
Наҳот, терламаса оти?...

Халил Султон

Хўш? Яна?

Яҳе

Чопарнинг ёниға кирдим атайлаб,  
Гурунглашғон бўлуб, гап орасинда,  
Сайҳуннинг музини ёриб, навкарлар  
Улкан бир наҳангни уч кунча аввал  
Тутғонларин айтдим...

Тузоқ қўйғоним

Сезмасдин оғзидин гуллади чопар.  
Кўрганмен, ўн қадоқ келар эди, деб.

Халил Султон

Чопарни келтирғил...

(Яҳё чиқади.)

Кўнглим сезганди,  
Мендин ниҳон недир юз берғониға,  
Ишонгим келмади аммо...

(Яҳё билан чопар киради.)

Ч о п а р

Шаҳзодам!..

Х а лил С у л т о н

Нечук ўтрук айтиб бизни алдадинг?

Ч о п а р

Шаҳзодам!..

Х а лил С у л т о н

Бизларга ҳаммаси аён!  
Гапирғил!

Ч о п а р

Бир қошиқ қонимдан кечинг!  
Уч кеча, уч кундуз бўлди — шунда мен,  
Бекларингиз сизға рўбарў этмай...

Х а лил С у л т о н

Нечун?

Ч о п а р

Кенгашдилар.

Халил Султон

Нелар ҳақинда?

Чопар

Амир Нуридинға нома битдилар,  
Яна баҳлашдилар...

Халил Султон

Баҳс мавзуси не?

Чопар

Темурбек наслидин ҳар бир мирзони,  
Тахт ёниға қўйиб ўлчаб кўрдилар.

Халил Султон

Тахтга бўйи тенг деб топдилар кимни?

Чопар

Сизни!

Халил Султон

Чопар, ўзга йўруқ демадиларму?

Чопар

Дедилар!

Агар сиз кенгаш режасин  
Маъқул топмасанғиз...

(Ташқарида шовқин.)

Халил Султон

Яҳё, хабар ол!

(Яҳё чиқиб, қонга беланган Али товачини суяб киради.)

Товачи, тангримга не ҳудлиғ қилдинг?

Али товачи

Али товачининг кўнгли покиза!  
Хонимнинг гулига, мирзом, тиф тегди,  
Бунда келдим шошиб, ўзиб ўлимдин...  
Худойдод ўзиға тобе черик-ла  
Амир Нуриддинға қўшилмоқ истаб  
Қетди... Рустам барлос, Амир Бурундуқ  
Сайҳундин лашкарин ўтказиб бўлғоч,  
Самарқанд сориға равон бўлдилар...

Халил Султон

Нечун бу хиёнат?

Али товачи

Аларға сизмас,  
Тожу тахт керакдир...

Халил Султон

Нечун алдашди?

## Али товачи

Садоқат бобидин сўзлағон шўрлик  
Али товачига қилич тортдилар!  
Мирзом, мен ўламен... Зинҳор... Ишонманг.

(Улади.)

## Халил Султон

Тулкилар! Туллаклар, разил, қузғуилар!  
Эй, Яҳе, ғавкарларни йиғ!  
Айтғилки, шаҳзода бир ўзи қолди,  
Ани тарқ айлади хонн беклари...  
Қимнинг юрагида гина-кудурати  
Бўлса, жавоб берғил, кетсин — қолмасин,  
Аммо ким мирзони заррача сўйса,  
Отлансин сафарга!

Яҳе

Қандай сафарға?

## Халил Султон

Доруссалтанаға юриш бошлаймиз!  
Менинг кўзимға тик боқиб, уялмай  
Алдағон зотларга боқмоқ истармен,  
Бошимға тож кийиб, тахтда ўлтуриб!

(Яҳе чиқади.)

## Шодимулк

Мирзом, Самарқандға?!

## Халил Султон

Ҳа, Самарқандға!

### III

Самарқанд. Боғи Диљкушо.

Халил Султон

Сарпонгиз муборак бўлғай, устозлар!

Шоирлар

Улуғ бобонгизнинг мартабасидин,  
Шону шуҳратингиз баландроқ бўлсив  
Мўмин-мусулмоннинг баҳтиға мудом  
Давру даврон суринг олам турғунча!  
Омин!!!

(Юзларига фотиха тортиб, таъзимкашилик билан  
чиқа бошлийдилар.)

Халил Султон

(Шоирлардан бирига.)

Мавлоно, шошмангиз... Ҳаялланг бир оз...  
Устод, танимадим сизни, кечиринг,  
Шуаро, азалдин фаромуш... Ҳеч ким  
Сизнинг кимлиғингиз ошкор этмади,  
Мен-да журъат топиб қилмадим сухан...

Исматуллоҳ Бухорий

Бухоро шаҳридин яқинда келдим,  
Фақир — Исматуллоҳ Бухорий...

Халил Султон

Устод!

Сарҳад — чегара бор камтарлиққа-да,  
Бу исми шарифнинг улуғ эгаси  
Шоҳлар билан шоҳдай кўришмоғи шарт!  
Хуш кўрдик!

Исматуллоҳ Бухорий

Шаҳзодам, қуллуқ!

Халил Султон

Ултиринг,  
Бир мажлис қурайлик! Назм осмонидин  
Тушиб офтобнинг ўзи келса-ю,  
Биз кўрлар ғафлатда қолсак...

Исматуллоҳ Бухорий

Шаҳзодам,  
Энди навбат мендин узр айтмоққа.  
Рұхсат беринг...

Халил Султон

Нечун? Е хафасизму?

(Кулиб қарсак чалади. Шиговул киради.)

Шиговул, энг азиз меҳмонимизга  
Сарполар келтирғил!

Исматуллоҳ Бухорий

Сабр этинг аввал...

Халил Султон

Мавлоно, бекордир истиҳолангиз...  
Бугун тожу тахтга боқийлик тилаб,

Қасидалар битиб, бунда ўқифон  
Устозларға бердик арзимас инъом.  
Аммо «танимасни сийламас» дерлар...

Исматуллоҳ Бухорий

Шаҳзодам!..

Халил Султон

Бекорга изтироб тортманг,  
Шоҳнинг марҳамати шоирға,  
Чунки, эл-улуснинг ақлу хаёли  
Шоир юрагида жамланур эмиш.

(Кулиб.)

Аммо бир қасида қарзиз, мавлоно!..

Исматуллоҳ Бухорий

Шаҳзодам, қасида битмак кўп оғир...

Халил Султон

Не учун? Кўнгилда илҳом мавжланса...

Исматуллоҳ Бухорий

Шунинг-чун оғир-ки, қасида битмак  
Четдадир шоирнинг ихтиёридин,  
Яъни тошқинланғон илҳомдин ўзга  
Фалакка кўтариб мақтолғон шоҳнинг  
Поклиги ҳам зарур!

Халил Султон

Хўш, ўзингиз-чи,  
Масиҳ нафас, оташ маснавийларда  
Наҳот, бирор шоҳни мақтамадингиз?

Исматуллоҳ Бухорий

Ҳали мен қасида битганимча йўқ

Халил Султон

Улуғ Амир Темур Кўрагонийдек  
Оlamни забт этғон фотиҳ — буюк зот  
Шараф ўқимоққа арзимадиму?

Исматуллоҳ Бухорий

Шаҳзодам, қасида битмадим ҳали!

Халил Султон

Ийқ, йўқ!.. Жавоб беринг, устод, чекинмай!

Исматуллоҳ Бухорий

Ул зотнинг шарафли корлари юксак,  
Аммо гуноҳи ҳам шу қадар азим.

Халил Султон

Хўш, нечун келдингиз бизнинг даргоҳга?

Исматуллоҳ Бухорий

Шоҳлардан қалбимни мен йироқ тутдим,  
Аммо сипоҳликда жасоратингиз,

Урфону назмда камолатингиз,  
Муҳаббат йўлида фидолиғингиз,  
Юрагимға умид гулларин очди.  
Ўйладим, не учун доруссалтана  
Темурбекнинг не-не фарзандларию  
Беклари юзига дарвоза ёпғоч,  
Сизнинг бедавонгиз дупурларини  
Эшитган ониёқ хуррамлик ичра  
Истиқболингизға қучогин очди?  
Шул асрор мағзини чақмоққа келдим!

Халил Султон

Мавлоно, ҳақ гапни юзга отмоққа,  
Кўп уста экансиз, қани, айтинг-чи,  
Не учун, бўлмаса, бу зотлар — ҳали  
Давлатни қай йўсин идора этиб,  
Қанақа тахлитда улус кўнглини  
Забт этмоғим кўрмай мақтов айтдилар?

Исматуллоҳ Бухорий

Жаллоднинг бошинда тож кўрсалар-да,  
Алар мақтайверар қасида битиб,  
Алар мадҳиябоз! Шонрлар эрса,  
Шоҳлар даргоҳига келмоқдин аввал  
Буюк шоҳ — виждондин рухсат олурлар.

(Ширғовул сармоларни кўтариб киради.)

Халил Султон

Мавлоно...

Исматуллоҳ Бухорий

Шаҳзодам, бир битим тузсак,  
Бу инъом-эҳсонни кечиктирангиз,

**Сизға әруғ юз-ла қасида битиб,  
Қелғонимда кийсам бу сарполарни.**

**Х а ли л С ул т о н**

Оғир шарт қўйдингиз, мавлоно, оғир!  
Демак, мен одил шоҳ бўлмоғим лозим...  
Майли, айтганингиз бўлсин!

*(Шиговул чиқади. Эшикогаси киради.)*

**Э ш и к оғ а**

Шаҳзодам,  
Қондошингиз Султон Ҳусайн келиб,  
Бош эгди тахтингиз кўланкасиға!

**Х а ли л С ул т о н**

Фалат! Не сабаб?

**Э ш и к оғ а**

Мурувват истаб.

**Х а ли л С ул т о н**

Кирсия!

*(Эшикога чиқади.)*

Устод, шунда қолинг, тамошо қилинг,  
Кўринг, подшоҳликнинг таҳликасини!

*(Султон Ҳусайн киради.)*

Султон Ҳусайн

Тахтга ўлтиргонинг муборак бўлғай!

Халил Султон

Менинг иззатиммас, улуғ бобомиз  
Ўлтиргон мана шу тахтнинг ҳурмати,  
«Сиз»лаб галирсалар!

Султон Ҳусайн

Подшоҳ амри — ҳақ!  
Қутлуғ бўлғай тахтга ўлтиргонингиз!

Халил Султон

Хуш кўрдик! Марҳабо! Аммо бир савол  
Кўнглимга ғулғула солиб турниди:  
Қондошим, рост сўйланг, не ният ила  
Ташриф буюрдингиз?

Султон Ҳусайн

Паноҳ ахтариб!

Халил Султон

Ниятингиз покму?

Султон Ҳусайн

Валлоҳи аълам!

Халил Султон

Ишонмоқ мумкинму қасаминғизға?  
Эсимда, бобомнинг ғолиб лашкари

Дамашқда ғанимни ўрагон маҳал  
Худо олдидағи қасамни бузиб,  
Қочиб ўтғондингиз душман сафиға!

### Султон Ҳусайн

Холиқ пешонаға ёзғони бўлрон!

### Халил Султон

Йўқ, йўқ! Сиз тинч юрғон шайтонни авраб,  
«Мени йўлдан ур» деб ялинасиз-ку!  
Эсимдан чиқмағон, улуг бобомиз  
Бажо келтирғонда бандалигини,  
Оёқ босиб марҳум васиятиға,  
Чин-Мочин тарафдин юзни ўгириб,  
Шайтонға малай бўп тож-тахт ишқида,  
Самарқанд сорига лашкар тортдинғиз!  
Энди келғонингиз сабабин айтай:  
Қонхўр феълингиздин чўчиғон сипоҳ,  
Сизни ташлаб кетди — ёлғиз қолдингиз!

### Султон Ҳусайн

Ҳа, мирзо, ёлғизмен — дорға торттиринг!

### Халил Султон

Ўлимға шошилманг! Ёруғ оламда  
Ҳар инсон ўзича яшашга ҳақли!  
Деразадан қаранг, навниҳол баҳор  
Митти куртакларға, бежон тошларға,  
Нимжон майсаларға бағрини суйкаб  
Мулойим шивирлар: «Үйғонинг! Келдим...»  
Бу шавқли, сурурли дақиқалардан  
Бироннинг нигоҳини марҳум этмоққа

Ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!.. Зотан, одамзод  
Қон кечмоқ, ўлдирмоқ, ўлмоқ учунмас,  
Эгам яратғон бу оламға боқиб,  
Завқланмоқ, севмоқ-чун келғон дунёға!

### Султон Ҳусайн

Не амр этурсиз?

### Халил Султон

Қондошим, келиб  
Қутлуғ иш қилғонсиз... Бир ўйлаб қаранг,  
Ҳар ким ўз роҳатин ўйлаб иш кўрса,  
Эл-юрт азоб тортур, бўлур қиёмат!  
Ҳамжиҳат, ҳамнафас бўлайлик, келинг,  
Бегона эмасмиз, қон-қариндошмиз...

### Султон Ҳусайн

Оллоҳнинг амридир подшоҳнинг сўзи.

### Халил Султон

Менға бу унвонни тақишиға шошманг,  
Ҳали шаҳзодаман, подшоҳ эмасмен!..

### Султон Ҳусайн

Подшоҳ ўлмоқлиққа сизға не моне?

### Халил Султон

Жаъми ақраболар ила кенгашсак,  
Улуғ Амир Темур Кўрагонийнинг  
Тахтиға қай мирзо лойиқ топилса,  
Ўшани бош билсак...

Султон Ҳусайн

(Жонланиб.)

Яхши ўйлабсиз!

Халил Султон

Сизга бир тоғимдай энди суюнсан,  
Ҳарбда пишгансиз... Ҳордиқ олғон сўнг  
Бир туман қўшинға сардорлиқ қилинг,  
Малол кўрманг,  
Тагин оғир олманг!

Султон Ҳусайн

Бошим устиға!

Халил Султон

(Бирдан юмшаб.)

Келинг, чек қўяйлик адоватларга,  
Ахир, бир дараҳтнинг меваларимиз...

Султон Ҳусайн

Ҳақ гап, бир дараҳтнинг меваларимиз!

Халил Султон

Энди ҳордиқ олинг!  
(Султон Ҳусайн чиқиб кетади. Эшикога киради.)

Эшикога

Беклар — Рустам Барлос, амир Бурундуқ  
Гуноҳкор бошларин келиб эгдилар!

## Халил Султон

Бул менға әзгулик оилардин иишон!  
Бузғунчи бекларнинг кўнглига эгам  
Ақл зиёсини сочғон кўринур.

(Эшикоғага)

Бориб етказгинки, шонли бекларға  
Магар ниятлари тўғри, пок эрса,  
Кирсиллар — кечурмен гуноҳлариидин;  
Гар қаро ният-ла келғон бўлсалар,  
Қетсиллар — жазоға кўрмасмен лойиқ —  
Тангридин қўрқисинлар, ҳа, мендин эрмас!

(Эшикоға чиқади. Беклар киради.)

Амир Бурундук

(Халил Султоннинг пойига йиқилиб.)

Бир қошиқ қонимдин кечинг, шаҳзодам,  
Гуноҳкор бошимни сизға топширдим.

Рустам барлос

(Шеригининг ҳаракатини такрорлаб.)

Шайтон йўлдан урди — ақлдан оздим!

Халил Султон

Хайрият, оламда шайтон бор экан,  
Барча худ ишимиз анинг бўйнида!  
Қанийди иложи бўлсаю ҳозир  
Шайтонни чақириб, сўзларингизни  
Чиву ёлғонлигин айласам равшан!

## Амир Бурундуқ

Мирзом, шафқат қилинг, бош эгиб келдик,  
Қилич кесмағайлар эгилғон бошни!

## Халил Султон

Ишончга тенг эрур шафқат баҳоси.

## Рустам барлос

Амир Нуридину мурдат Шоҳмалик  
Бизни йўлдан урди... Доруссалтана  
Самарқанд очмағоч дарвозасини  
Мирзо Улуғбекнинг паноҳидаги  
Лашкар билан етдик Бухоро сори,  
Мирзо ёшдир — ҳали амри кўп noctor...  
Пушти-паноҳлари — Шоҳруҳ мирзодин  
Равиш кутадирлар, ёхуд бекларнинг  
Айёр кенгашларин йўл, деб билурлар.  
Амир Нуридиндур, мирзонинг кўзи,  
Кўнгилу тиллари — амир Шоҳмалик!

## Халил Султон

Боши ўзиdamу?

## Рустам барлос

Оталаринда!  
Сизга қарши жаъми фитна-найранглар  
Шоҳруҳ мирзодандир...

## Халил Султон

Беклар, сизлар-чи,  
Фақат фаришталик қилдиларингму?

Амир Бурундуқ

Шаҳзодам, биз фақат сизни ўйладик!  
Қўзғолон кўтардик!

Рустам барлос

Ҳақ гап, шаҳзодам,  
Бухородин қочди ағёрларингиз!

Амир Бурундуқ

Сизнинг илкингизда энди Бухоро!

Халил Султон

Исён бўлғониға ярим ой тўлди,  
Қайда эрдингилизлар?

Амир Бурундуқ

Мирзом, чўчилик...

Рустам барлос

Кутдик — тушмогингиз ғазаб отидин!

Халил Султон

Балки кутғонсизлар Халил Султонни  
Бирор бало-қазо ямлаб ютишин,  
Балки ўзга бирор қудратли фотиҳ  
Оlamни забт этур пайтини пойлаб,  
Ўйлаб анго тилу кўз бўлмоқлиқни,  
Ярим ой оллоға ёлборғондирсиз?

Амир Бурундуқ

Гуноҳкор этманғиз!

Рустам барлос

Мирзом...

Халил Султон

Ҳа, майли!

Сизни мени қатордин қолғон ҳисоблаб,  
Хиёнат қилдинғиз! Қочдингиз беор  
Тақдирнинг бешафқат илкига ташлаб!  
Рустам барлос, амир Бурундуқ, қаранг,  
Мана, қаршингизда бобомнинг тахти:  
Чамалаб кўринг-чи, дарров сезасиз  
Бўйим тахтдин баланд эканлигини!  
Сиз, тахтда ўлтиргон подшоҳ этигин  
Шунчалар берилиб ялағонсизки,  
Тахт нима? — Тождин ҳам баландда турғон  
Оқибат, садоқат, меҳр, диёнат  
Сўзларин унутиб қўйғонсиз тамом.

(Сукунат.)

Рустам барлос! Улуғ Амир Темурнинг —  
Бобомнинг муқаддас уруғидансиз,  
Яъни қариндошсиз менга, сўйланг-чи,  
Биз улуғ Амирнинг зурриётлари  
Бирлашсак дурустму?

Рустам барлос

Шаҳзодам, кошки!

Халил Султон

Бирлашмоқнинг эса танҳо йўли бор —  
Ҳар ким ўз сўзида мардона турса,

Кўнглинида борини сўйласа ошкор,  
Хиёнат, пинҳона ғараз бўлмаса,  
Пичоқ санчмасалар панадин келиб —  
Ким бизни тўзитур? Ҳеч ким! Ҳеч қачон!  
Кўнглинида бир ният сочур пок ёғду,  
Қариндошлиар ила маслаҳатлашиб,  
Ул қудратли эгам лойиқ кўрғон кун,  
Тахтга бир муносиб зотни ўтқазсак.  
Беклар, хизмат айланг садоқат ила,  
Билингки, ҳозирги ғайрат — жаҳдингиз  
Эрта бошида тож ярқирайдигон  
Ҳокими мутлаққа иззатингиздир!

Рустам барлос

Тупроққа қоришғон биз шўрликларни  
Самоға кўтарди мурувватингиз!

Амир Бурундук

Отғон ўқингизми, шаҳзодам! Қуллуқ!

(Эшикоға киради.)

Эшикоға

Ашфарадин амир Оллоҳдод келди!

Халил Султон

Жаъми ағёрларим маслаҳатлашиб,  
Менға дўст бўлмоққа онт ичдиларму?  
Чорлағил!

(Эшикоға чиқиб. Амир Оллоҳдод киради.)

Амир Оллоҳдод

(Таъзим билан.)

Паноҳ истаб келдим...

Халил Султон

Кўрқмадингизму?

Амир Оллоҳдод

Эр йигит чўчимай ўлмоғи лозим.

Халил Султон

Менинг... Отабегим амир Худойдод —  
Дўстингиз соғмулар?

Амир Оллоҳдод

Юрибди... Тетик.

Халил Султон

Сотиб келдингизму жон дўстингизни?

Амир Оллоҳдод

Мирзом, келавердим шундоқ — сотмасдин!

Халил Султон

Босқинчилик қилиб чарчадингизму?

Амир Оллоҳдод

Аскармен! Жанг қилиб чарчамасмен ҳеч!

## Халил Султон

Тошканду Фарғона туманин талаб,  
Ортиргон молларинг тугаб қолдиму?!  
Ҳайдаб кетганларинг улуғ бобомнинг  
Үюр-уюр сонсиз йилқиларини  
Қазисин еб бўлиб яна оч қолғоч,  
Ёғлироқ нимтанинг исини сезиб,  
Доруссалтанаға етиб келдингму?!

## Амир Оллоҳдод

Хизмат қиласажакмен амр қилсалар,  
Агар ҳайдасалар...

## Халил Султон

Дўстингиз қайда?  
Ахир, каминани фарзанд дердилар,  
Нечук фарзандига пичоқ ўқталур?

## Амир Оллоҳдод

Ҳар ким ўзига бек, ўзиға хўжа,  
Менинг дўстим эрса ўзимнинг ақлим!

## Халил Султон

(Ўзини тутиб.)

Аъло дўст топибсиз... Ақл — содик дўст!

## Амир Оллоҳдод

Сипоҳнинг ёнида қилич бўлғондин,  
Подшоҳнинг қошида сипоҳ бўлмоқ соз.

Шул сабаб Худойдод баҳридин кечиб,  
Самарқандға келдим...

Халил Султон

Амир Оллоҳдод,  
Сўзларингиз менға кўп ёқди, гарчанд  
Беҳаё очиқлик зоҳир бўлса-да.  
Чунки, дилидағин ошкор сўйловчи  
Бирор-бир амирни аллақачонлар  
Софиниб қолғондим...

(Қарс уради. Эшикогаси киради.)

Чорла, Арғуншоҳ  
Ташриф буюрсинлар мажлисимиизға.

(Сукунат.)

Яқинроқ келингиз, амир Оллоҳдод!  
Сизға алоҳида бир ўтингчим бор:  
Мендин кўп хафадир амир Худойдод...  
Амирнинг олдида абад қарздормен,  
Шул ёшға етгуича бердилар таълим,  
Бугун қилич тортсак бир-биримизға  
Қиёмат кўлмасму?

Бир мактуб битинг  
Амир Худойдодға — дўстингизғаким,  
Сатрларға жойланг афсусимизни,  
Шўхлиқ қилғон бўлсак — ёшлиғимиз бор,  
Эркалиғ қилғонмиз... Энди боринглар!

(Беклар чиқиб кетади. Амир Арғуншоҳ киради.)

Халил Султон

Фармонимни тингланг, амир Арғуншоҳ,  
Бобом Амир Темур Кўрагонийнинг

Руҳи йўл кўргозди — айладим қарор:  
Шу лаҳза, шу кундан амир Оллоҳдод  
Аркону давлатнинг вазири бўлгай!  
Черикка таълимот бериб, ғолиблиқ  
Илмини сипоҳнинг жасур кўксига  
Солсин Рустам барлос, Амир, Бурундуқ!

(Ҳамма ҳайрон.)

Арғуншоҳ! Тайёрланг тўғроли фармон!

### Арғуншоҳ

Мени донг қотирди, шаҳзодам, бу ҳол...  
Кечаги душманлар?..

### Халил Султон

Бугун дўст бўлур!  
Алар биздин паноҳ сўраб келғон пайт,  
Дариф тутсак магар шафқатимизни,  
Шубҳа тушмасникин, беклар қўнглига?  
Ёхуд ўзларини хўрланган санаб,  
Дилларин четига чекинғон ёвуз  
Ниятлари хуруж бошламаскинму?

### Арғуншоҳ

Сабр этсак бўларди...

### Халил Султон

Амир Арғуншоҳ,  
Юракни олдириб қўйибсиз бисёр,  
Доруссалтанани ҳеч касға бермай  
Тожу тахт қурғони ўлғон Арғуншоҳ

Наҳот, қиличини бўйниға осиб,  
Келғон қочқинлардин чўчиса... Аттанг!

(Қаҳқаҳ уриб кулади.)

Эзгулик кўчатин эксанг, кўкарур  
Эзгулик дарахти...

(Арғуншоҳ хафа.)

Қовоқни солманг,  
Мана, Мавлонодин сўранг, не дерлар?

Исматуллоҳ Бухорий

Шаҳзодам, Арғуншоҳ сардор... Рост деди!  
Хиёнатнинг кайфи қорадоридай  
Бир марта ютдингму, тортур комиға...

Халил Султон

Яъни?

Исматуллоҳ Бухорий

Бу беклардин хиёнат кутинг!

(Ташқарида шовқин.)

Халил Султон

Ҳой, ким бор? Не ғавғо?

Эшик оға

(Кириб.)

Мирзом, қора ҳалқ  
Судраб бормоқдадур бир девонани.

Халил Султон

Шўрлик не қилибди эгамга қарши?

Эшикоға

Билмадим. Ўзиям қизиқ девона,  
Одамлар муштласа, девона кулур,  
Қаҳри келур баттар муштумзўрларни

Халил Султон

Кулади? Гаройиб!.. Бунда келтиргил!

Эшикоға чиқади.

Тақсир, тахминланг-чи, ул нечук кулур?

Исматуллоҳ Бухорий

Бахтли бўлса керак, беҳад бахтиёр!

Шафқат девона киради,

Шафқат девона

Султонни бокарам, подшою олам,  
Мени муштдин халос этғонинг учун,  
Сенга бир таъзим!

(Таъзим қиласди.)

Қозихонадағи сўроқ, даррадин  
Озод қилғонига бир имо бирла,  
Яна бир таъзим!

(Таъзим қиласди.)

Муштдин бир биқиним кўкариб кетди,  
Буниси қорайиб кетмоғониға  
Яна бир таъзим!

(Таъзим қиласди.)

Чоҳ-поҳфа ташламай, ғашимға тегиб,  
Бу ердин соғ қўйиб юбормоғинга.  
Яна бир таъзим!

(Таъзим қиласди.)

Магар кетаримда подшолик қилиб,  
Қўлимға тутғазсанг бир ҳовуч танга  
Икки бор таъзим!

*(Икки марта таъзим қиласди. Ҳамма кулади.)*

Халил Султон

Девона, исминг не?

Шафқатдевона

Шафқатдевона.

Халил Султон

Не гумроҳлиқ қилдинг, Шафқатдевона,  
Халойиқ қаҳриға дучор бўлғувчи?

Шафқатдевона

Тақсир, раҳмим келур...

Халил Султон

Кимға?

Шафқатдевона

Балиққа.

Халил Султон

Нечук раҳминг келур, Шафқатдевона?

Шафқатдевона

Балиқдин бирор кас худлиғ кўрганму?

Халил Султон

Балиқнинг турмуши, кори безиён.

Шафқатдевона

(Овози титраб.)

Тақсир, нечук унда шўрлик балиқнинг  
Бошиға солурлар дўзах азобин?  
Дарёда беозор ўйнағон жонзот  
Балиқчи домиға бўлуру асир,  
Оғзин каппа-каппа очиб, ютоқиб,  
Соҳилда жонҳолат типирчилайдир...  
Кўзларини айтинг! Тақсир, кўзлари  
«Нима қилғон эрдим сизга», деб савол  
Берғондай термулур мижжа қоқмасдин.  
Тақсир, типирчилар — кўзлари очиқ,  
Тақсир, жон берадир — кўзлари очиқ,  
Қизигон ёғ ичра шўрлик қовурилиб,  
Жизғанак бўлуру — кўзлари очиқ!..

(Ҳўнграб ииғлайди. Ҳамма жим.)

## Халил Султон

Девона, шерикман мусибатинға,  
Аммо нечун сени халойиқ урди?

## Шафқатdevona

Субҳидамдин туриб ўтин терурмен,  
Уч танга пуллайман бозорға солиб —  
Қорин тўйғузурмен бир тангасифа,  
Иккисин липпамға уриб жўнаймен...  
Зарафшон сувига қотиллиқ тўрин  
Ташлаб ёнбошлиғон балиқчилардин  
Балиқ сотиб олиб икки тангаға  
Ночор бандиларни айлармен озод,  
Дарёға ташлармен, эҳтиёт бўл, деб!

## Халил Султон

Аммо, нечун сени халойиқ урди?

## Шафқатdevona

Тақсир, халойиқмас, балиқчилар-ку!  
Билмадим, ғашлари келгони-келғон,  
Балиқни дарёға ташласам, алар  
Ҳақорат қилурлар, баъзан уурлар,  
Бугун судрашғонди қозихонаға!

(Сукунат. Жимлик.)

## Халил Султон

Зарра гуноҳинг йўқ. Борғил. Озодеен!

## Шафқатdevona

(Тўхтаб.)

Тақсир, менга озроқ қарз бериб турғил!

Халил Султон

Нечун зарур бўлди, Шафқатдевона?

Шафқатдевона

Жаъми балиқларни сотиб олурмен,  
Барча балиқларни айлармен озод!

Халил Султон

Қанча сўрайдурсен?

Шафқатдевона

Юз динор...

Халил Султон

Оз-ку,

Етмайди, девона...

Шафқатдевона

Сен кўпроқ берғил!

• Халил Султон

Барибир етмайди... Борғил, девона!..

Шафқатдевона

(Кетаётib яна тўхтайди.)

Тақсир, сен подшосен сўзинг ўтади,  
Балиқ овлашмасин, тайинлаб қўйғил!

Халил Султон

(Зўриқиб.)

Хавотир олмағил, бажо этурмен...  
Энди бор, девона... Худо ёр бўлсин!

IV

Халил Султон ва Бобо Турмуш.

Халил Султон

Тақсир, ноз-неъматлар бизға мунтазир,  
Еб-ичиб ўлтириңг!

Бобо Турмуш

Шаҳзодам, тўқмен.

Халил Султон

Нўш этинг бир қултум шароб...

Бобо Турмуш

Шаҳзодам!..

Халил Султон

Бир бурда нон олинг, ҳеч бўлмагандай

Бобо Турмуш

Шаҳзодам, иштаҳам банддур...

Халил Султон

(Қизишиб.)

Қўрқмангиз,

Таомлар оғудин холе — биз дўстни  
Чорлаймиз пок ният ила, беғараз.

Бобо Турмуш

Шаҳзодам, шубҳам йўқ поклифингизга.

Халил Султон

Ундоқ эрса, нечун номус этурсиз?  
Бул пок дастурхонға пок илкингизни  
Чўзмоқдин?..

Бобо Турмуш

Шаҳзодам, кўнгул амрини  
Бажо этдим — ўзга гуноҳим йўқдур.

Халил Султон

Тақсирим, кўнглингиз тусамадиму?

Бобо Турмуш

Кўнглим ор айлади?

Халил Султон

Ажиб!.. Нимадин?

Б о б о Т у р м у ш

Ор қилди подшоҳнинг дастурхонидин!

Х а ли л С ултон

Тақсир, нуқсон борму ноз-неъматларда?

Б о б о Т у р м у ш

Дастурхон бехато тузатилғондур.

Х а ли л С ултон

Тақсир, йўқса қайдни кўнглиңгиз ори?

Б о б о Т у р м у ш

(Қўлига бир олма олиб.)

Шаҳзодам, дарахтин экканмудирсиз?

Үғит солғанмусиз, сугорғанмусиз?

Илк бор гуллағонда қувонгансизму?

Х а ли л С ултон

Тақсир, ўзга қисмат ҳукмидадурмен!

Б о б о Т у р м у ш

Қафтни қавартириб меҳнат қилмоқдин —

Дарахт ўстирмоқдин, дон сочмоқлиғдин

Ва ҳалол заҳматнинг меваларидин

Шод-хуррамлиғ ила баҳра олмоқдин

Ўзга қисмат Холиқ бандаларига

Бегона бўлмоғи лозим...

Шуннинг-чун  
Қўлимни урмадим бул неъматларға!

### Халил Султон

Тақсир, подшоҳликнинг суликатио  
Юрт сўрашинг ботин қонунлари бор.  
Қонунлар подшоҳлиғ иморатининг  
Фиштларин шундай мос жойлаштирганким,  
Бирини, қўзғотсанг, қулар иморат!  
Шул боис фалакнинг гардиши ила  
Кимдир юрт сўрайдир тифу фикрат-ла,  
Кимдир жанг қиладир, кимдир хизматкор!

### Бобо Турмуш

Ҳаммамиз оллоҳнинг хизматкоримиз!  
Ортиқмасмиз, тенгмиз меҳри қошида.  
Демак, ҳар кас қулдир ўзиға-ўзи,  
Ҳар ким бироргамас, ўзиға хўжа.  
Заминни яратиб қурдатли Холиқ  
Ишорат айлағон бандалариға —  
Ки, меҳнат-ла ердан гиёҳ ундуриб,  
Умр кечирсинлар фароғат ичра.  
Аммо фуқароға фароғат қайда?  
Закоту ушрнинг чўнг залворидин  
Евуз амирларнинг бебоклиғидин,  
Талотум — талонлар тўфонларидин  
Қадлари эгилғон, юраклари хун!..  
Шаҳзодам, оллоҳнинг васлин ўйлағон  
Ҳукмдор фуқаро ғамида бўлур...

### Халил Султон

Бобо турмуш, подшоҳ фуқаро ғамин  
Қай йўсин, қай тарзда ўйлаши мумкин?

## Б о б о Т у р м у ш

Одил қонунлар шарт, одил назорат!

## Х а лил С у л т о н

Менинг икки қўлим, икки кўзим бор,  
Жайҳуну Сайҳуннинг ораси ҳадсиз,  
Ҳар кимса бошида соя ўлмоққа  
Қурбим етмайди-ку!..

## Б о б о Т у р м у ш

Беклар, амирлар,  
Ислом пешволарин вазифаси не?

## Х а лил С у л т о н

Бажо айламоққлик менинг амримни.

## Б о б о Т у р м у ш

Демак, амрингизнинг қаноти толғин —  
Уламо алдоқчи, амирлар айёр...  
Алар нафлари-ла дунёни ўлчар...

## Х а лил С у л т о н

Бу ҳолнинг тубиға етдинғиз, энди  
Менга не маслаҳат раво кўурсиз?

## Б о б о Т у р м у ш

Тўғри одамлардин суюнчиқ топинг.  
Алар устун бўлса арконингизга  
Иншолло, тангirimнинг равиши бўлгай!

Халил Султон

Балли! Шунинг учун сизни чорладим!  
Келинг, устун бўлинг арконимизга!  
Давлат жиловида сизнинг ҳам тоза  
Қўлингиз турсин...

Бобо Турмуш

Иўқ! Шаҳзодам, асло!  
Йиллаб меҳнат ила чайилган қўлни  
Булгамоқлиқ нечун?

Халил Султон

Ана айтдим-ку,  
Ким хоҳлар улуснинг машмашасини!

Бобо Турмуш

Шаҳзодам, айб этманг бир фақирдурмен!

Халил Султон

Айблаймен! Тақсирим, уят! Бир четда  
Бироннинг айбларин фаришта каби  
Санааб ўлтиromoқлик инсонга уят!  
Сиз доно одамсиз, фикрингиз илфор,  
Улусда аёндир юксак меҳрингиз,  
Оқибат, ҳалоллик шиорингиздир —  
Барини эшиитдим...

Бобо Турмуш

Атрофингизда  
Мени мақтайдурғон мардум кўринмас.  
Ҳайронмен...

Халил Султон

Яхшилик — учқур!

Бобо Турмуш

Ҳайронмен!

(Шодимулк киради.)

Шодимулк

Хуш келибсиз, устоз!

Бобо Турмуш

Маликам!

Халил Султон

Тақсир,

Энди асроримиз фош бўлди ҳисоб.

Бобо Турмуш

Маликам, менда йўқ сифатлар топиб,  
Мақтабсиз...

Шодимулк

Мақтовга лойиқсиз, устод!

Халил Султон

Боботурмуш, ғайрат отин эгалланг!

Бобо турмуш

Шаҳзодам...

## Халил Султон

Ўзингиз айтиб турғондай,  
Одил қонунлар шарт, одил назорат,  
Менинг бўйнимдадир одил қонунлар —  
Одил назоратни сиз зиммангизга  
Олинг — фуқаронинг бошини силанг!

## Шодимулк

Устод, кўп тингладим суҳбатингизни.  
Отам билан суҳбат қуриб чорбоғда,  
Даврон танглигига, ноҳақлигига  
Сабаб иллатларин бир-бир айлаб фош,  
Тангликдин тенгликка элтфувчи шоён  
Иўллар хусусида сўйлардингизким,  
Менинг ҳам қалбимни ишонч шуъласи  
Баъзан ёритарди...

Устоз, йўқ деманг!

## Бобо Турмуш

Фариштадир кўнгул кўйин тутғон зот!  
Иншоллоҳ, оллоҳнинг хоҳиши бирла  
Тилингизга тушмиш бу маъсур таклиф...  
Мен қабул айладим таклифингизни!

## Халил Султон

Тақсир! Давлатимиз ҳолати шундай:  
Үртадин тарқалиб нифоқ тумани  
Амакимиз Шоҳруҳ мирзонинг зийрак,  
Меҳрибон қалблари иноятию  
Бизнинг фарзандга хос муҳаббатимиз  
Ойдин йўл кўрсатиб, шартнома тузди —  
Шавкатли лашкарлар ортиға қайтди!

Яна — мардонавор амир Нуриддин  
Келиб бошин эгфоч сартахт пойиға,  
Бизни фарзандим, деб йиллар алдағон  
Амир Худойдоднинг жонин қасдида  
Миннатдор қилични қуёшға қайраб,  
Неча кунким борур Фарғона сори!  
Иишоллоҳ, анға ёр бўлғуси зафар!..  
Ундан сўнг жангоҳлар тўзони тингай,  
Фуқаро қуёшни сезган майсадай  
Фалакка интилур...

Тақсир, шу пайтда  
Осмондин булутни қувиб турғувчи  
Сиздай бир довул шарт!

### Б о б о Т у р м у ш

Вазифам недур?

### Х а ли л С ултон

Вазирсиз, тақсирим!  
Менинг амримни,  
Менинг буйруғимни ижро этурсиз  
Ва мендин ўзгаға бўлмайсиз тобе.  
Фуқаро турмуши бўйнингиздадир —  
Огоҳлиғ қилингким, шер йўқлигида  
Ўзини шер сезғон айёр тулкилар  
Улуснинг бошиға савдо солмасин!  
Хуллас, сиз — имоним бўлғайсиз...

### Ш о д и м у л к

Тангрим ёrlақагай сизни, шаҳзодам!  
Бир ғариб кўзидан ёшин аритмоқ,  
Қирқ йиллиғ тоатдин афзал!

**Халил Султон**

**Маликам,**

Боринг-да, амримнинг ортидин бўлинг!  
Ҳар бирининг тортғон кулфатларию  
Пинҳон севгиларин жуссасиға мос  
Совға-салом беринг, зинҳор кам этманг!

(Шодимулк чиқади, Арғунишоҳ киради.)  
Арғунишоҳ, қандай хушхабарлар ила  
Дилимға шуълалар сочғони келдинг?

**Арғуншоҳ**

Юртимизда тинчлик, осойишталиғ.

**Халил Султон**

Арғунишоҳ, яширманг!

**Арғуншоҳ**

Тонгда Термиздин  
Чопар келғон эрди...

**Халил Султон**

Не хабар ила?

**Бобо Турмуш**

Қуллуқ!

**Халил Султон**

Раҳмат, Бобо Турмуш! Хос фармон ила  
Аркону давлатға қилурмиз эълон.  
Энди маслаҳатлиғ бир нозик иш бор:  
Дунёға келмоқдин, тақсир, мурод не?

Б о б о   Т у р м у ш

Ҳар қадам хуррамлиғ сориға бормоқ.

Х а лил С ултон

Бу қадам одатға хилоф бўлса-чи?

Б о б о   Т у р м у ш

Қайдин пайдо бўлур, шаҳзодам, одат?  
Сайдлар, амирлар, қудратли шоҳлар  
Бул ҳаёт дарёсин минг бир мавжининг  
Бириға мустабид нигоҳларини  
Тикғонлар-да, элға этғонлар эълон —  
Ки, шу мавж — ҳақиқат, ўзгаси бекор.

Х а лил С ултон

Доруссалтанада улуғ бобомдин  
Қочқин амирлардин, шаҳзодалардин  
Қолғон заифалар, ғунчалар бисёр.  
Аларнинг тақдирни қўлимиздадир.  
Малика арз этди, мен ўйлаб кўрдим:  
Балки зўравонлиғ тўфонларидин  
Асрағон осмону қуёшлари бор...  
Ўйладим... Ўйладим... Ва қилдим қарор:  
Алар дилларининграйини билиб,  
Зинҳор оғритмасдин кўнгилларини  
Ўйли-жойли қилсак... Сизга мақбулму?

Б о б о   Т у р м у ш

Оlamға татирлиғ қуттуғ иш бўлғай!  
Балки, ранги сомон ул шўрлуғларнинг  
Кўнглида нопормон орзулари бор,

**Арғуншоҳ**

**Амакингиз Шоҳруҳ мирзо қўшини  
Қўш ташлабмиш Термиз остонасиға!**

**Халил Султон**

**Демак, яна ғовға...**

**Арғуншоҳ**

**Шаҳзодам, шундай!**

**Халил Султон**

**Арғуншоҳ, гапиринг!**

**Арғуншоҳ**

**Амир Нуриддин...**

**Халил Султон**

**Нима, ўлибдими?**

**Арғуншоҳ**

**Вафоси ўлмиш!**

**Халил Султон**

**Амир Худойдодни паноҳ тортдиму?**

**Арғуншоҳ**

**Хўжанднинг хўжаси бўлурмиш энди.**

**(Сукунат.)**

Халил Султон

Арғуншоҳ, тақдирнинг бул тарсаклари  
Суяқ-суягимдан ўтди...

Мен — аҳмоқ!

Ҳомсут эмган банда!— бу нодонлар-ла  
Келишиб, бобомнинг қутлуғ тахтиға  
Қонида Темурнинг қайноқ олови  
Югурғон бирор-бир зотни ўтқазиш  
Кўйида хаёллар суруб юрибмен!  
Бу аҳмоқ бошимни, тақдир, тепкила!.  
Арғуншоҳ, сўйлағил! Яна не хабар?!

Арғуншоҳ

Хат етди валиаҳд Пирмуҳаммаддин!

Халил Султон

(*Арғуншоҳ узатган хатни олмай.*)

Нималар битибди?!

Арғуншоҳ

Сўрабдиларки,  
Қачон Амир Темур тожу-тахтини  
Халилға васият қилғон эрди деб.

Халил Султон

Сабрим тугаб борур... Оллоҳ, мадад бер!

Бобо Турмуш

Қалима қайтаринг!

## Халил Султон

Калима? Нега?

Мен гуноҳ қилдимму, айтинг-чи, беклар?  
Давот қалам олиб, Арғуншоҳ, ёзинг!  
«Маълум бўлғай мирзо Пирмуҳаммадға —  
Ким, бобомиз Амир Темурға тож-тахт  
Иноят қилғон ул қодир худойим,  
Менга ҳам тож-тахтни раво айлади!»

## Бобо Турмуш

Шаҳзодам, шошмангиз!

## Халил Султон

Энди шошмоқ шарт!

Арғуншоҳ, бугундин танга-тунгага  
«Мирза Халил Султон ибн Мироншоҳ  
Ибн Амир Темур Кўрагоний» деб,  
Муҳр босилсин-да, ўйиб зарблансин!  
Арғуншоҳ, аркони давлатни чорланг!  
Мирза Халил Султон ибн Мироншоҳ  
Ибн Амир Темур Кўрагонийнинг  
Хоқон бўлғонини айлайлик ошкор!  
Элға жар солдиринг! Оламға ёйинг!

(Ҳамма чиқиб кетади.)

Мен аҳмоқ!.. Андиша... Андиша айлаб  
Юрсаму... Жондорлар!.. Ҳаёси йўқлар!..

## V

Тун. Шаҳрисабз яқинидаги бир работ. Ёнаётган гулхан атро-  
фиде навкарлар. Амир Арғуншоҳ ва Амир Оллоҳ-  
додлар кирадилар.

## Арғуншоҳ

Ҳукмдор шул жойда мажлис қурмоқчи...  
Келгунча нафасни ростлаб олайлик.

(Сукунат.)

Оллоҳдод

Падариға лаънат! Боши айниғон!  
Мурдор! Беоқибат!..

Арғунийшоҳ

Кимни сўкурсиз?

Оллоҳдод

Султон Ҳусайнинни — кимни бўлурди!  
Дўзахму, беҳиштға жўнатмоғига  
Озгина қолди-я!

Арғунийшоҳ

Амир Оллоҳдод,  
Нега жўнатмади?

Оллоҳдод

Тақсир, билмадим,  
Шафқат солғондир-да, дилиға оллоҳ.

(Сукунат.)

Ўзи Халил Султон мирзонинг боши  
Айлонғон бўлмаса, Пирмуҳаммаддай  
Рақибга қарши Султон Ҳусайн  
Қаби бир мурдорни отлантирурму,  
Уч туман қўшинни илкига бериб?

## Арғуношоҳ

Хиёнат қилмоғин қайдин билибди?..  
Кимни отлантирун?.. Султон Ҳусайн  
Ўзининг жигари эрди, ҳарқалай.

## Оллоҳдод

Садоқат бўлмағай шоҳ авлодида,  
Зеро, тахт биттадир, шаҳзодалар кўп!

## Арғуношоҳ

Амиру бекларда садоқат борму?

## Оллоҳдод

Ўзингиздан сўранг — сиз ҳам амирсиз!

## Арғуношоҳ

Садоқат йўқ деғон қарорға келдим!

## Оллоҳдод

(Кулиб.)

Амир Арғуншоҳ ҳам хиёнатнинг кенг  
Кўчасинда озроқ саир қилдиларму?

## Арғуношоҳ

Менинг сабитлиғим улусга аён.

## Оллоҳдод

Йўқ эрса, ўзгадан шубҳангиз борму?

## Арғунишоҳ

Сизда шубҳа йўқму?

## Оллоҳдод

Амир Арғуншоҳ,  
Дилингизга шайтон ғулғула солмиш.

## Арғунишоҳ

Юксак меҳмонларнинг күшхонасида  
Қўлимизни боғлаб, банди этишғоч  
Мени чиқардилар қўшини ўтвфа.  
Нопок илкин қўйиб кифтишмға Султон  
Ҳусайн, ул марҳум соҳибқироннинг  
Тахтиға ўзидин бошқа шаҳзода  
Лойиқ эмаслиғин айлади баён.  
Таажжуб билдиридим... Султон Ҳусайн  
Мақтоловлар ёғдириб менинг шаънимға  
Айтди: Менинг сизға ҳурматим бисёр,  
Амир, елкангизда қолур бошинғиз!..  
Энди Халил Султон ила ўртада  
Тузилғувчи шарту шартномаларга  
Элчилик қилурсиз...

Сўнг меҳмонхона  
Тарафға ишорат қилди: Биз ҳозир  
Амирларни бир-бир этурмиз ғорат,  
Тамошасин кўринг! Кулди гулдураб...

## Оллоҳдод

Мириқиб тамоша қилдингиз чоғи...

## Арғунишоҳ

Тамоша қилмадим, аммо эшитдим...

Оллоҳдод

(Сергакланиб.)

Нени?

Арғуноҳ

Марҳумларнинг бир сўзлигини,  
Оллоҳдод лафзлари ҳалоллигини...

Оллоҳдод

Худо раҳмат қилсин, шердил эдилар!  
Эшитмадингизму бошқа бирор сўз?

Арғуноҳ

Эшитдим!

Оллоҳдод

Арғуноҳ!..

Арғуноҳ

Амир, эшитдим!

Оллоҳдод

Қўрқитмоқчисизму, сотмоқчисизму?

Арғуноҳ

Тақсирим, сотмоқлик менинг касбиммас,  
Фақат қасамиға содиқ одаммен.

Оллоҳ олдидағи улуғ бурчимким,  
Саодатманд хоқон Халил Султонға  
Бу зулмат кунларнинг буюгу митти  
Оқ-қаро кечмишин пинҳон тутмасдин  
Ҳикоя этмоқлик!

О л л о ҳ д о д

Ихтиёр сизда!..

А р ғ у н ш о ҳ

Халил Султон мирзо ҳозир бул ерға  
Етишгай... Оллоҳдод тепламда худо,  
Хун тўқмоқ эмасдур дилим муроди,  
Сизға инъом қиласай имкони најот —  
Қочинг!

О л л о ҳ д о д

Амир, раҳмат!

А р ғ у н ш о ҳ

Ҳаялламанг, тез!

О л л о ҳ д о д

Минг бор қуллуқ сизға, амир Аргуншоҳ!

(Бирдан тиржайиб.)

Жон жуда ширин-да!

А р ғ у н ш о ҳ

Жон ширин... Қочинг!

## Оллоҳдод

Қочгим келмаяпти — шерлигим тутди!

## Арғуноҳ

Гуноҳ-савобингиз ўз бўйнингизда,  
Қўлимдан келғонин қилдим, Оллоҳдод!

## Оллоҳдод

Тақсир, жон ширин-да!

## Арғуноҳ

Буни сиз ўйланг!

## Оллоҳдод

Амир, сиз ҳам ўйланг... Ёмон бўлмайди!

(Масхаралаб.)

Гапнинг муҳтасари шулки, амирим,  
Мирзоға мен ҳақда сўйлай олмайсиз!

## Арғуноҳ

Нечун?

## Оллоҳдод

Мени аҳмоқ ўйладиларму?  
Менинг эсим йўқму? Мен гарангманму?  
Қиличи қонсираб турғон ўн йигит  
Садақа олишғоч, қўлимни ялаб

Қасам ичдиларки, бирор-бир бежо  
Харакат-ла қўтири мушугимни-да  
Чўчитсангиз, авлод-аждодингизни —  
Токи бешикдаги чақангизгача —  
Бўғизлаб ташларға!..  
Тушундиларму?

### А рғу н ш о ҳ

Беҳаё одамсиз! Беймон!

### О л л о ҳ д о д

Тақсир,  
Бўрилар ичинда бўри бўл!

### А рғу н ш о ҳ

Беор!

(Ногора овози эшишилади. Аввад қўриқчилар, сўнгра  
беклар қуршовида Халил Султон киради.)

### Х а лил С ултон

Биз тайин этғонлар жамландиларму:

### Б о б о Т урм уш

Ҳамма мунтазирдир фармонингизга!

### Х а лил С ултон

Халил Султон ибн Мироншоҳ ибн  
Улуғ Амир Темур Кўрагонийга,  
Эна улусига, туққан юртига

Жонини бахш этиб, фарзанд хизматин.  
Беминнат бажарғон, эй, баҳодирлар,  
Хиёнат илонин бошини эзиб,  
Топғон зафарингиз муборак бўлғай!

### Овозлар

Үзингизға қутлуг! Зафар муборак!

### Бобо Турмуш

Душман мақсудига етмағай, омин!!!

### Ҳамма

Омин!

### Рустам барлос

Давлатингиз барқарор ўлсин!  
Омин!

### Амир Бурундуқ

Мудом ғолиб бўлинг, илоё  
Омин!

### Халил Султон

Жасурликни билиб дастуруламал,  
Оғир зафар юкин елкаларида  
Биз сори кўтариб ўтғон событдил  
Паҳлавон, мардларға тортиғимиз бор!

### Рустам барлос

Шону шавкатингиз осмонға етғай!

Амир Бурундуқ

Амринғиз осмону заминни тутғай!

Халил Султон

Бобо турмуш, ўқинг! Барчага аён  
Айланг жасурларнинг исми шарифин!

(Инъомлар улаша бошланади.)

Бобо Турмуш

Самарқандлиғ сипоҳ Қутбиддин Луқмон!

Халил Султон

Яхши кунларингда кийиб юр, полвон!

Бобо Турмуш

Термизлик йигитлар садасиға бош  
Мұхаммад Жайхуний!

Халил Султон

Уғлон, оғарин!

Бобо Турмуш

Құнғирот элидин арслон билак эр,  
Қарчығай бўз мерган Қутбўлди Бойсун.

Халил Султон

Дилимизда абад вафодарлиғинг!

## Бобо Турмуш

Китоблиғ эрларнинг даҳабошиси  
Паҳлавон Ажабшер Юсуф Чобағон!

## Халил Султон

Чобағон, толеинг чопслин ҳамиша!  
Амирлар, вафодор сипоҳлар, айтинг,  
Ким бугун тўқиннинг оловгоҳида  
Барчадин кўп ёнди ўзин аямай?

## Сипоҳлар

Вазир Бобо Турмуш!

## Халил Султон

Ҳақ сўз дединглар!  
Бобо Турмуш! Сизға ўттизта тулпор,  
Ўттиз ҳамён олтин, ўттизта чопон,  
Ўттиз таноб замин ҳадя этурмиз!

## Бобо Турмуш

Ҳукмдор, ташаккур! Аммо, жанггоҳга  
Мукофот таъмаси билан кирмадим,  
Менинг устим бутун, қорним тўқ...

## Халил Султон

Тақсир,  
Қўлимни қайтарманг!..

(Беклар ичида жонланиш.)

**Бобо Турмуш**

Бул муруватинг  
Нима қилсам менинг ихтиёrimму?

**Халил Султон**

Биздин қабул айлаб олсангиз — шул бас!

**Бобо Турмуш**

Ҳукмдор, минг қуллуқ, қабул айладим!..

*(Сипоҳларидан бирига)*

Яқин келинг, яқин...

**Юсуф Чобағон,**

Аломат жанг қилди йигитларингиз,  
Рустами достонга монанд тиғ тортди.  
Подшоҳлиғ тортиғин менга тегишли  
Порасин сизларға ҳадя этурмен!  
Олинг, баҳам кўринг даҳангиз ила!

**Юсуф Чобағон**

Тақсир...

**Бобо Турмуш**

Истагимға монелик қилманг,  
Олинг, ҳалол бўлсин!

**Юсуф Чобағон**

Илоё, омни,  
Мард паҳлавон ўтсун етти пуштингиз!

## Халил Султон

Бобо Турмуш, бизни ҳайрон этурға  
Бунча пок хислатни топдингиз қайдин?  
Бизни жол қилмоққа қасдингиз борму?

(*Бобо Турмуш таъзим қиласди.*)

Энди, беклар, жангнинг губорин ювиб,  
Хордик чиқаринглар, истиқболдағи  
Кору ташвишларға пешвоз чиққани!  
Сизларға-да рухсат, паҳлавон сипоҳ!

(*Ҳамма тарқалади. Арғуншоҳ қўзғалмайди. Уни кўриб  
Оллоҳдод ҳам тўхтайди.*)

## Халил Султон

Арзингиз бордируму, амир Арғуншоҳ?  
Чарчадик, тонгда ҳал этсак бўлмасму?

### Арғуншоҳ

Оlamланоҳ, ҳозир ҳал этмак зарур!  
Менинг, Оллоҳдоднинг бандиликдағи  
Ҳолимизға андак аниқлик лозим.

## Халил Султон

Арғуншоҳ! Бекорга хижолат тортманг,  
Иблис найранглари қошида инсон  
Ожиздир, ҳаммамиз алданиб қолдик...  
Номард чиқди бизнинг Султон Ҳусайн...  
Ани барчангиздин ортиқ кўрдим-ку,  
Ҳар бир истагини этдим-ку бажо—  
Нечун бу хиёнат?

Амирлар, нечун?

**Арғуношоҳ**

**Амир Оллоҳдоддин сўранг, ҳукмдор!**

**Халил Султон**

**Арғуношоҳ, туманли бул қалом нечун?**

**Арғуношоҳ**

**Оллоҳдод хиёнат йўлиға кирди!**

**Халил Султон**

**Амир, айбномангиз залворли, мудҳиш,  
Исбот талаб этар шунинг учун ҳам...**

**Арғуношоҳ**

**Мен қўшни ўтовда эрдим. Эшиздим.**

**Халил Султон**

**Нималар чалинди қулогингизга?**

**Арғуношоҳ**

**Менга садоқатга қасам иҷеил, деб  
Ул Хўжа Юсуфни Султон Ҳусайн  
Қаломи мажидга рўбарў этди...  
Хўжа рад айлади... Ани сўйдилар...  
Мен турғон ўтовнинг бўсағасида  
Сайдзода Амир Темурхўжани  
Куръони мажиднинг пок шаъни ила  
Қўрқитиб кўрдилар... Амир бош тортди...  
Уни ҳам сўйдилар қўйдай бўғизлаб...**

Кейин манов мурдат... Хиёнаткорнинг  
Пойига йиқилиб, қуръонни ўпуб,  
Лаънатлар ёғдириб пок исмингизга  
Султон Ҳусайинға қасамёд этди.

### Оллоҳ дод

Аргуншоҳ, ўлимдин қўрқмас эркансен!

### Халил Султон

Бадкирдор, ўлимдин сен қўрқмайсанму?

### Оллоҳ дод

Ўлимдин қўрқмаймен, зотан айбсизмен!  
Олампаноҳ, ўйланг, жанг бошланмасдин  
Ҳумоюн байроқлар тагида зафар  
Онларин кутаётғон лашкарингизға,  
Хиёнаткор эрсам, қўшилардимму?

### Арғуншоҳ

Васлингизға содиқ навкарларингиз,  
Беор ҳукмдаги бешараф сафни  
Тарқ этиб, қўзғолғоч мен ила бирға  
Зафар ким томонда эканин сезиб,  
Муқаррар қасоснинг қочиб илкидин  
Сиз сори келмишдир отин ўйрттириб.

### Оллоҳ дод

Аргуншоҳ, ўлимдин қўрқмас эркансен!

### Арғуншоҳ

Елғондин қўрқамен, ўлимдин — зинҳор!

Халил Султон

Нима жазо берай сизға, Оллоҳдод?..  
Отга судратайму, дорға осайму,  
Ехуд чоптирайму ўтмас тиғ пла?!

Оллоҳдод

Мирзом, ўлдирмангиз... бола-чақам бор,  
Чирқиллаб қолади ўн битта болам!

Халил Султон

Жим бўлғил!  
Эй жаллод! Бери кел, тезроқ!

(Жаллод киради.)

Менинг илк фармоним ижро эт бугун,  
Амир Оллоҳдодни ғорат айлағил!

(Саҳнада аёл пайдо бўлади.)

Оллоҳдод

*(Тиз чўкиб Халил Султоннинг оёғига ёпишади.)*  
Тақсир, рухсат беринг биргина кеча,  
Самарқандға бориб онамни кўрай,  
Сўнгра ўлдирсангиз... Ихтиёрингиз!

Халил Султон

Жаллод! Олиб борғил!..

Аёл

(Чинқириб.)

Тўхтағил, жаллод!

(Ҳамма қотиб қолади.)

Халил Султон

Қаердан келдингиз?..

Аёл

Ёмон эркансан...  
Одам ўлдирирма...

Халил Султон

Қайдин келурсиз?  
Йиғламанг! Бўлди... Бас!..

Аёл

Амир эт, кетсин  
Жаллодинг... Кетмаса йиғлайверамен...  
Кўзлари қўрқинчли!

(Халил Султонга.)

Менга қара-чи?  
Кўзинг тип-тиниғу нега ёмонсен?

Халил Султон

Жаллод, серраймагил, чиқиб тур!

Аёл

(Бирдан иигидан тўхтаб.)

Ўғлон,

Қўзинг тушмадиму, хушсурат, хушқад,  
Бўз отлиқ суворий бундин ўтгандир?

Халил Султон

Қўрмадим...

Аёл

Менги бор ўнг чеккасинда...  
Эгнидаги чакмон қора мовутдан,  
Кулганда бир кўзи кўпроқ қисилар,  
Қошлари қоп-қора...

Халил Султон

Эна, йўл бўлсин!

Аёл

Овора қилди-да мени бу бола!  
Ҳаммадан сўрадим — Самарқандда йўқ,  
Шаҳрисабзда ҳам дараги йўқдир...

Халил Султон

Қайга кетяпсан пою пиёда?

Аёл

Не қиласай, сўроқлаб шаҳарма-шаҳар  
Кетаверман-да!..

(Эслаб.)

Жаллод сендинму?

Үғлон, пошшомусен?

*(Халил Султон бош қимирлатади.)*

Сенинг юртингда  
Болам йўқму?.. Менг бор ўнг чеккасинда...

**Халил Султон**

Афсус, болангиз йўқ менинг юртимда.  
Эна, Самарқандга сизни жўнатай...

**Аёл**

Уғлон, Самарқандинг менга на ҳожат!  
Юртингда болам йўқ...

Ерингдан чиқиб,  
Боламни сўроқлаб кетаверамен,  
Топгунча сўроқлаб кетаверамен...  
Топсам, тўй бўлади, гумбур-гумбур тўй!  
Хой, тўйга келинглар!.. Чилдирма.. Ёр-ёр...

*(Рақс тушиб куйлайди.)*

Ёрга тушғон оқ рўмол сизникиму; ёр-ёр,  
Кўз ёш ичинда кулгу қизникиму, ёр-ёр,  
Асру ҳимматлар қилдинг золим фалак, ёр-ёр,  
Шундай гўзал келинчак бизникиму, ёр-ёр!

*(Чиқиб кетади. Жаллод киради.)*

**Жаллод**

Амрингизни кутиб маҳталмен...

**Халил Султон**

Борғил,  
Жаллод, ҳордиқ чиқар...

**Арғунишоҳ**

Ҳукмдор, ахир...

**Халил Султон**

Жаллод, ҳордиқ чиқар...

(Жаллод иккиланади.)

**Халил Султон**

(Бақириб.)

Гум бўлғил! Йўқол!

## VI

Самарқанд. Сарой. **Халил Султон ва Арғунишоҳ.**

**Халил Султон**

Лашкарнинг барчаси доруссалтана  
Бағрида етишиб топдиму қарор?  
Улус осойишму Юксак кенгашга  
Молик мамлакатнинг қандай ташвиши,  
Фуқаронинг қандай арзу доди бор?

**Арғунишоҳ**

Халойиқ тилида Пирмуҳаммаднинг  
Қўшини устидан яшиндай чақнаб,  
Булутдай бостириб, сел шиддати-ла,  
Қучгон зафарингиз! Сипоҳнинг эрса,  
Сўнгги пораси ҳам қадам ташлади  
Доруссалтананинг бўсағасиға.

Олингон ўлжалар — хазина, моллар,  
Асира аёллар, канизлар, ҳарам  
Махсус тартиб ила қўриқланмоқда  
Ишончли навкарлар соқчилигинда.

Халил Султон

Қанақа ўлжалар?

Арғуноҳ

Бахтнигун ағёр  
Тенгсиз қудратингиз тошқинларининг  
Мавжлари зарбига дош беролмасдин  
Ташлаб қочғонлари — жанг ўлжалари!

Халил Султон

Асира аёллар, канизлар кимлар?

Арғуноҳ

Барчаси тегишли Пирмуҳаммадға!

Халил Султон

Асиrlарни озод айлағондим-ку!  
Мирзонинг ўлжага тушгон молларин,  
Ҳарамин тегизмай совуқ сувға ҳам  
Қайтариб беришни буюргандим-ку!  
Амир, ким қайтарди менинг райимни?..

Арғуноҳ

Мен — содиқ қулингиз, амир Арғуноҳ!

**Халил Султон**

Дилим оғритдингиз, Арғуншоҳ, нечун?

**Арғуноҳ**

Ҳукмдор, вазирмен давлатнингизга!  
Сидқи ишонч ила, садоқат ила  
Сизнинг мавқеингизнинг юксаклигини  
Ўйлаб иш юритмоқ менинг вазифам...

**Халил Султон**

Фаройиб вазирсан... Подшоҳнинг амрин  
Бузмоқ — мавқесини юксалтироқму?

**Арғуноҳ**

Бунинг чуқур, тагдор сабаблари бор...

**Халил Султон**

Тагдор сабаблари? Яна чуқур де?..  
Сўйлағни!

**Арғуноҳ**

Ҳукмдор, беклар норизот

**Халил Султон**

Аларнинг кўнглини оғритдим не деб?  
Қай корим бекларға ўлмади маъқул?

**Арғуноҳ**

Подшоҳларнинг қадим удумлариға  
Риоят кўзи-ла боқмаслиғингиз

Бекларнинг кўнглиға чўқдирмиш туман!  
Зотан, салафлардин қолғон одат бор:  
Тўқинда ғолибнинг қўлиға ўтғон  
Улжалар бекларнинг шон-шавкатига  
Урушдағи гайрат-шижоатига  
Муносиб тақсимлаб берилмоғи шарт.  
Сиз эрса фармонбар, таги паст, беном  
Сипоҳга олтину зарни улашиб,  
Улуғ амирлару саркардаларнинг  
Хизматини қуруғ раҳматлар ила  
Сийладингиз...

### Халил Султон

Амир! Саркардаларнинг  
Очдин ўлмоқдаму бола-чақаси?!  
Оё, закот тўлаб қийналдиларму?!  
Хайру эҳсон сўраб бирор беквачиа  
Кўчада қолдиму суниат тўйисиз?!  
Оё, амирларнинг эгнидин сўнгги  
Чурук чопонлари тушиб қолдиму?!  
Оё, хотуглари ташлаб кетдиму,  
Қоқ-қуруқ супраға боқмоқдии тўйиб?!  
Молу дунё яна нечун аларға  
Керак бўлиб қолди?

### Арғуноҳ

Ҳукумдор, беклар  
Устундир бепоён давлатингизга.  
Алар ризо бўлса — оллоҳ ҳам ризо!

### Халил Султон

Арғуноҳ, бўғзимға қадалди ғазаб...  
Англанг, Халил Султон қароқчимас, шоҳ!

Қудратлиғ әгамнинг йўлдии адашғон  
Бандасин тўғрилиғ сори юзламоқ  
Муқаддас вазифам — олий бурчимдир.  
Шул сабаб, биз тараф қилич кўтариб  
Шумният ўйлағон Пирмуҳаммадға  
Оллоҳ жазо берди — мағлуб айлади!  
Аммо, Пирмуҳаммад томирларинда  
Улуғ Амир Темур Кўрагонийнинг  
Оташли ол қони оқаётғони  
Бизни мустар этғоч, гадолиғ ичра  
Қолмасин дедик-да, молу дунёсин  
Қайтармоқ шартлиғин айладик хаёл.  
Балки бил марҳамат тору танг фикрат  
Мирзонинг қалбиға инсофнинг кенгиш  
Дарвозасин очгай, дея ўйладик.  
Яна бир муруват боиси шулким,  
Заифу ожизнинг бошин силамоқ  
Ҳар бир мусулмоннинг кундалиғ кори —  
Шул боис, биз ҳарам тутқинлариға  
Озодлик бахшида этсак деғондик...  
Хўш, қайси ўйнимиз сизға номақбул?

### Арғуниш оҳ

Амирлар раъйинни топмағонингиз!

### Халил Султон

Мухтасар этайлик бил баҳсни, амир,  
Бегуноҳ Балх тараф карвон ҳозирланг,  
Ўлжа, мол-дунёни карвонға ортиб,  
Муруват кўргозиб заифаларға,  
Пирмуҳаммад Мирзо ўрдасиға тез  
Етказиб борсинлар, узримиз айтиб!  
Амир, яна қандай арзингиз қолди?

**Арғунишоҳ**

Беклар ўйлайдики...

**Халил Султон**

Яна бекларму?

**Арғунишоҳ**

Беклар ўйлайдики, суюкли вазир  
Бобо Турмуш, юксак мартабасига  
Муносиб эрмас деб...

**Халил Султон**

Бу гумон нечун?

**Арғунишоҳ**

Чунки бил инсоннинг авлод-аждоди  
Беклиғ мартабаси, шоҳлиғ тартиби,  
Давлат юритмоқнинг синоатидин  
Бехабар ўтғонлар...

**Халил Султон**

Демоқчиларки,  
Таги паст, тупроққа қоришғон ҳалқдин....

**Арғунишоҳ**

Олампаноҳ, шундай!

**Халил Султон**

Сизнингму, оё,  
Менинг бекларимнинг фикрлариму?

## **Арғуноҳ**

**Менинг ҳам, бекларнинг фикрлари шул!**

**Халил Султон**

**Амир, сиз тангримға ишонасизмур?**

## **Арғуноҳ**

**Шукӯр, мусулмонмен!**

**Халил Султон**

**Ҳа, балти! Айтнинг**

**Қудратли холиққа мен ҳам қулманму?**

## **Арғуноҳ**

**Олампаноҳ, шаксиз!**

**Халил Султон**

**Олам эгаси**

**Барчани баробар бандам дедиму?**

## **Арғуноҳ**

**Олампаноҳ, шундай...**

**Халил Султон**

**Барча мардумға**

**Оллоҳ, муруватни тақсим айловчи**

Баъзи нокас беклар тарозусини  
Назорат қилғони, покиза имон  
Ул Бобо Турмуш ҳақнинг бул қули  
Вазир мансабиға кўрди муносиб —  
Яна нуқсон борму менинг гапимда?

### А рғ у и ш о ҳ

Хукмдор, бенуқсон гапирадурсиз!  
Аммо беклар раъйин ўйланг аввало,  
Зотан, эл-улусининг раҳбари шулар  
Кўй — чўпон ортидан эргашур мудом.

### Х а ли л С ул то н

Бекларға айтгинки, амир Арғуншоҳ,  
Улуг Амир Темур Кўрагонийнинг  
Невараси, яъни, анинг тожини  
Бошиға қўндириғон мен — Халил Султон  
Адолатли вазир Бобо Турмушни  
Ҳаром тукини ҳам қадрлашимни!  
Амир, яна қандай кенгашли гап бор?

### А рғ у и ш о ҳ

Тақсир, бир йигитни ҳибсга олдик.

### Х а ли л С ул то н

Не гуноҳ қилибди?

### А рғ у и ш о ҳ

Кўчаю кўйда,  
Бозору ўчарда вайсаб, валдираб,  
Тарқатиб юрғонмиш иғво-ю, бўхтон.

Халил Султон

Давлат ҳақинданаму?

Арғунишоҳ

Шунга яқинроқ...

Халил Султон

Очиқ айтаверинг, амир Арғунишоҳ!

Арғунишоҳ

Маликам ҳақинда бўлмағур гаплар...

Халил Султон

Нима қилғон эркан маликам анға?

Арғунишоҳ

Маликамни ҳатто кўрғони ҳам йўқ.

Халил Султон

Фийбатнинг маъниси недин иборат?

Арғунишоҳ

Гўё маликамни буюк момонгиз  
Сароймулхонимнинг ҳалокатида  
Қўли бор эрмуш...

Халил Султон

Қайдин топибди,  
Бу мараз иғвони?

## Арғуншоҳ

### Сўйламаяпти —

Яхши галирсак ҳам, уриб сўксак ҳам,  
Бирор сўз демайди иғвони бичиб  
Тилиға кийгизғон зотлар ҳақинда.

### Халил Султон

(Қарсак чалади. Эшикога киради.)

Үзим сўроқлаймен, ҳибса тушғон  
Бандини келтиринг!..

(Эшикога чиқиб кетади.)

Гарчи Шоҳруҳ Мирзо мактублар йўллаб,  
Меҳр-садоқатга ичса-да қасам,  
Санд-хўжаларнинг қаҳр булутин  
Пуфлаб, аста-аста биз тараф ҳайдар:  
Мағрибдин ўзбаклар сермағон қилич,  
Самарқанд бошиға оташли кўлка  
Ташлаб ўтмоқдадир... Бир тараф эрса,  
Мўғул отларининг тагида гирён;  
Бир тарафдин азиҳустозим, яъни  
Жондай отабегим, пичоқ ўқталур;  
Бир тарафдин эрса амир Нуриддин  
Сурбет талабларин қаршимға қўйди...  
Нокаслар фитнаси...

Амир Арғуншоҳ,

Нонкўр Нуриддиннинг талабига мос,  
Ўзга чора-тадбир топилмабдиму?

## Арғуншоҳ

Ҳукумдор, ўзга ҳеч чора-тадбир йўқ!

**Халил Султон**

‘Үйлаб кўрдингизму, амир... Ҳеч йўқму?

**Арғуноҳ**

Қандай ўйласам ҳам жавоби битта.

**Халил Султон**

Моли дунё берсак кўнмас эканму?

**Арғуноҳ**

Элчилар гап очса молу дунёдин  
Қилич суғурғонмиш ғазабдин, нокас!

**Халил Султон**

Арғуноҳ! Вазирмас, дўстим бўл бир пас,  
Ўзга бир йўл топғил...

**Арғуноҳ**

Ўзга йўл — уруш!

(Бандини олиб киришиади.)

**Халил Султон**

Сумбатинга боқсан, дуппа-дурустсан,  
Эр йигит, не учун шаъннингни булғаб,  
Қасб-ҳунар билибсан иғво бўғтонни!

**Иигит**

Олампаноҳ!..

Халил Султон

Сўйла, қайдин бу иғво?  
Ким сени бошлади бу қаро йўлға?

Иигит

Гуноҳимдин ўтинг!..

Халил Султон

Ростини сўйла!

Иигит

Очлиғ силламизни қуритди, тақсир,  
Беш болам «Нон!, нон!» деб шишиб ётибдир,  
Аларнинг зорига чидай олмадим...  
Ваъда қилишfon сўнг бир тўда буғдой  
Кўндим...

Халил Султон

Иғвониму тарқатмоқлиққа?

Иигит

Ха, шундай...

Халил Султон

Эр йигит, ким фатво бермиш  
Сени макруҳ йўлға кирмоқлигинға?

Иигит

Тақсир, айтолмасмен...

Халил Султон

Қай табақадин?

Иигит

Олий беклардандир наслу насаби...

Халил Султон

Олисдан келғонму?

Иигит

Шу ерда — мүқим...

Халил Султон

Саройға яқинму?

Иигит

Худди саройда.

Халил Султон

Демак, бекларимдин бири экан-да!  
Исми шарифи не?

Иигит

Айта олмаймен...

Халил Султон

Эр йигит, қўрқмагил тепангда худо,  
Сўйла, ул нонкўрнинг кимлиғин фақат.

**Иигит**

**Айтольмаймен! Зинҳор!**

**Халил Султон**

*(Ғазабланиб.)*

**Айтасен!**

**Арғунишоҳ**

**Иигит,  
Амир Бурундуқнинг хонадонида  
Сени кўришганмуш...**

**Иигит**

**Тақсир, билмаймен...**

**Арғунишоҳ**

**Неча йил хизматин қилғон эрмишсен?**

**Иигит**

**Амир Бурундуқни танимасмен ҳеч...**

**Халил Султон**

**Жонинг сабил қолғон кўринур, йигит!  
Сўнгти бор сўраймен: ким бул иғвони.  
Тилинга солмишдир?**

**Иигит**

**Айта олмаймен,  
Қасам ичғондурмен қуръонни ўпиб..**

## Халил Султон

Ҳайвоннинг мурдори! Нафснинг қурбони!  
Бегуноҳ инсонга түхмат қилғон паст!  
Айтасен!

Айтасен!

(Иигитнинг ёқасидан ушлайди.)

Айтасен!

(Иигитнинг ёқасини қўйиб юборади.)

Жаллод!

(Жаллод киради.)

Олиб чиққин буни! Бошини кесгил!

## Иигит

Одил ҳукминг учун, ҳукмдор, қуллуқ!

Халил Султон

Бошинг кундададир нима десанг ҳам!

## Иигит

Оlamланоҳ қуллуқ, ёруғ оламнинг  
Еруғин сезмағон бу вужудимни  
Азоб-уқубатдин қутқазмоқ бўлуб,  
Измимни жаллодга томширғоннига!  
Минг шукур, очликдин кўзлари чўкғон,  
«Нон» деб йиғлайвериб толғон гўдаклар  
Ниҳон тортғоннига энди кўзимдин!..  
Минг шукур, яратғон қодир эгамга!..

Халил Султон

Жаллод! Анграймагил! Тезроқ бўй! Йўқот!  
Ҳозироқ жудо қил танидин бошин!

(Жаллод иигитни олиб чиқади.)

Арғуншоҳ

Амрингиз кўп маъқул!

Халил Султон

Арғуншоҳ боринг!

Арғуншоҳ

(Талмовсираб.)

Қаёққа?

Халил Султон

Осмонға! Ернинг тагиға!  
Арғуншоҳ, кўзимға кўришиманг фақат!

(Арғуншоҳ чиқиб кетади. Халил Султон ёғиз.  
Шодимулк киради.)

Шодимулк

Султоним бир ҳолсиз?..

Халил Султон

Маликам, ногоҳ  
Кўнглим бежо ўлди...

## Шодимулк

Худо сақласан!  
Бахтимизга бўлинг согу-саломат!  
Ҳаким чақиртирай...

## Халил Султон

Маликам, шонманг.

## Шодимулк

Султоним, соғ бўлинг, ҳеч бемор бўлманг!

## Халил Султон

(Қийналиб.)

Туман оға момом...

## Шодимулк

Йиғлаяптилар!..  
Кундузи канизак қизлар қошинда  
Сипо виқорликда кезинсалар-да,  
Тунда йиғладирлар... Ҳеч бир кимсаға  
Дилларини ёрмай оҳ урадурлар...  
Султоним, бирор-бир иложи йўқму?  
Ҳаммамиз хун бўлдик!

## Халил Султон

Иложи йўқ-да!  
Шодиям, ўзга бир чора топмадим.

## Шодимулк

Султоним, муқаддас севгимиз ҳаққи,  
Амир Нуриддиннинг бу талабини  
Рад этинг! Энг сўнгги илтиносим шул!

**Халил Султон**

Қийналманг, Шодијам, қийналманг бекор,  
Узгартиб бўлмағай қисмат азалии...

**Шодимулк**

Султоним, подшоҳсиз, кучингиз етар!..

**Халил Султон**

Подшоҳлар лол қолур чигалликлар бор!

**Шодимулк**

Султоним, илоёс, худойим суюб  
Сизни бандам десин! Туман оғани  
Бу азоб-ғурбатдин айлангиз озод!  
Султоним, мен учун, ҳеч бўлмағонда...

**Халил Султон**

Маликам, ягона йўли бор — уруш...

**Шодимулк**

Тўқинларда мудом ғолиб келғонсиз!

**Халил Султон**

Пирмуҳаммад ила урушидин ҳориб  
Лашкар энди қайтмиши дорулмулккаким,  
Ғолиб жанг қилмоғи ҳозир кўп душвор...  
Маликам, улуснинг аҳволи маълум.—  
Ҳар бало тўғони анинг бошинда —  
Шўрлик очлик ила олишиб ётур...

Яна уруш бўлса ҳолдан тойурмиз —  
Амир Нуриддинидин ғолиб келса-да,  
Кейин елвизакнинг ожиз шиндати  
Бизни олиб қетур дорулбақоға!  
Ағер тўрт тарафдин кўз тикиб турур,  
Юз марта ўлчашур, бир қадам боссак!

Шодимулк

Султоним!..

Халил Султон

Маликам, чиқинг-да чорланг,  
Туман оға момом кирсунлар!

Шодимулк

Ахир!..

Халил Султон

Ўзим гаплашурмен!

(Шодимулк эшик томон юради.)

Маликам, тўхтанг!  
Мени севасизму?!

Шодимулк

Султоним, тирик  
Юргонимга якто буюк боис — сиз!

Халил Султон

Мени севасизму, маликам рости?!

(Шодимулк келиб, Халил бошини қучоғига олади.)

**Шодимулк**

Гўдаксиз... Кичкина...

**Халил Султон**

Ушанда бекор  
«Юр» десам эргашиб кетавермадинг...  
Бахти яшарнидик...!

**Шодимулк**

Гўдак Султоним...

**Халил Султон**

Оддий бир одамнинг оддий баҳтини  
Менга кўп кўрди-я қодир худойим!  
Бу турмушдин қандай кечмоқлиғ мумкин!

**Шодимулк**

Чарчабсиз... Султоним, ҳордиқ олингиз!

**Халил Султон**

Ҳордиқ ололмаймен...

*(Сукунат)*

Маликам, бугун  
Мен одам ўлдирдим!

**Шодимулк**

Худо сақласин!

Халил Султон

Худо сақламади, маликам, яна!

Шодимулк

(Инглаб.)

Не кунларға қолди шўрлик бошимиз.  
Султоним, тавба денг, истиғфор айтинг.

Халил Султон

Билмадим, қошида не гуноҳим бор,  
Этам на тавбам, на зоримни тинглар!

Шодимулк

(Бирдан.)

Тез кетурмиз бундин... Отланинг! Тезроқ!

Халил Султон

Маликам, тақдирдин қутилиб бўлмас,  
Энди етагида ихтиёrimiz...  
Қаёққа борурмиз? Тўрт тараф ағерп!

Шодимулк

Султоним, энди ҳеч одам қонини  
Тўкмасликқа менга қасамёд қилинг!  
Калима келтиринг! Худойим!..

(Инглайди.)

Халил Султон

Борииг,  
Туман Оға момом энди кирсингилар!

Шодимулк

Султоним, қасамёд қилинг!

Халил Султон

(Безрайиб.)

Маликам!

(Шодимулк чиқади. Бир оздан сўнг бошдин оёқ  
қора либосда Туман Оға киради.)

Халил Султон

Момо, ҳозирмусиз сафарга?

Туман Оға

Шундай!

Халил Султон

Бекам-кўстму сафар анжомларингиз?

Туман Оға

Шундай, оламнаюҳ!

Халил Султон

Қачон жўнайсиз?

Туман Оға

Подшоҳ, Халил Султон буюргон лаҳза.

Халил Султон

Момо, мендин кўмак керак эмасму?

Туман Оға

Кўмак беролмағай оллоҳдин ўзга.

(Сукунат.)

Халил Султон

Мендин хафасизму?

Туман Оға

Подшоҳ амри — ҳақ.

Халил Султон

Бошқа иложи йўқ...

Туман Оға

Подшоҳ амри — ҳақ.

Халил Султон

Амир Нуриддиннинг сурбетларча талаби  
Ночор кунларимға тўғри келдиким,  
Чора тополмадим кўнмакдин бошқа...  
Ахир, сиз, бобомнинг завжи ҳалоли,

Хизматкор бир итдир амир Нуриддин!  
Мол-ҳол сўрамасдин, зар сўрамасдин  
Сизни талаб қилди уялмай, нокас —  
Жонимнинг оғриши сезғон-да, момо!..  
Кечириңг!

Туман Оға

Ҳамиша сен ҳақ, ҳукмдор!  
Ҳеч кимдин кечирим сўрама! Тош бўл!

Халил Султон

Бормайман денг, момо! Ҳозир амримни  
Бекор айлайдурмен!

Туман Оға

Чидағил! Тош бўл!

Халил Султон

Кечириңг!..

Туман Оға

Тоқат қил!

Халил Султон

Момо!..

Туман Оға

Энди хайр — хўш!..  
Қачон отланайин?

Халил Султон

Сизга не дейин?

Туман Оға

Амир Нуриддиннинг ихтиёрига  
Тонгда отланурмиз!  
Оlampanoҳ, хайр!

(Чиқиб кетади. Бобо Турмуш киради.)

Халил Султон

(Ўзи эшиштмай.)

Келинг, Бобо Турмуш... Қайда эдингиз?

Бобо Турмуш

Бир шўрлик мўминнинг жанозасида.  
Зарафшонға ҷўкиб жон бермиш... Баъзи  
Ўзун-қулоқ гаплар юрибди, гўё  
Балиқчилар ани чўқтиргонмишлар.

Халил Султон

Балиқчилар...

(Сергакланиб.)

Қандай балиқчилар, а?

Б о б о Т у р м у ш

(Ҳайрон.)

Балиқ тутадигон балиқчилар-да!

Х а лил С у л т о н

Қимни ўлдирибди?

Б о б о Т у р м у ш

Бир девонани.

Х а лил С у л т о н

Исми нима эркан?

Б о б о Т у р м у ш

Шафқатдевона.

Х а лил С у л т о н

Чиндин ўлибдиму?

Б о б о Т у р м у ш

Елғони борму?

(Сукунат.)

Х а лил С у л т о н

(Кўзларида ёш.)

Жойинг жаннат бўлсун, Шафқатдевона!  
Мени ташлаб кетдинг... Алвидо!.. Омин!!!

## VII

Самарқанд якинидаги борлардан биридаги шийпон. Базмга  
ҳозирлик кўрилмоқда. Созандалар соз чалиб турибдилар.  
Базмга таклиф қилинганлар борни сайд қилиб юришибди.  
Муҳаммад Порсо ва беклар кирадилар.

Муҳаммад Порсо

Беклар, оллоҳимнинг марҳамати кенг!

Рустам барлос

Тақсир, сабрнинг ҳам чегараси бор.

Амир Бурундуқ

Жонимиздин ўтғоч сизға арз этдик.

Амир Оллоҳдод

Тақсир, ул подшоҳмас, хотиннинг қули!

Рустам барлос

Яна Бобо турмуш каби таги паст  
Аннинг ихтиёрин жиловлаб олғон!

Муҳаммад Порсо

Содиқ бандаларимиз, қодир эгамға!  
Нимаки иш қиласак — яратғон раҳбар!  
Кўнглимға раҳматнинг нури тўкилиб,  
Бир қутлуг ниятдин жунбушға келдим:  
Насиҳат қилайин аввал мирзога,  
Дўлин равишиға қўл солиб кўрай.

Рустам барлос

Ҳазрат, умидимиз сиздин!

Муҳаммад Порсо

Иншоллоҳ!

Эгам тӯғри йўлға солса ажабмас.,

Амир Оллоҳдод

Ана, келмоқдадир...

Муҳаммад Порсо

Боғни айланинг,

Ўзим қаршилаймен...

(*Беклар бир томондин чиқадилар, бир томондан  
Халил Султон ва Бобо Турмуши кирадилар.*)

Муҳаммад Порсо

Жаъми мўминларнинг покдил пешвоси,  
Фуқаро таянчи, амиру беклар  
Бошида порлағон наъири аъзам,  
Оллоҳ фикратнинг ердағи қули,  
Мирзо Халил Султон ибн Мироншоҳ  
Ибн Амир Темур Кўрагонийнинг  
Тож-тахти ҳамиша барқарор бўлсун!  
Омин!!!

Халил Султон

Хуш кўрдик, ҳазрати Муҳаммад Порсо!

Мұҳаммад Порсо

Бухородин келдим, қутлуғ ният-ла,  
Менға аён бўлди — чигал мушкуллар  
Дилингизни чирмаб безовта этмуш...

Халил Султон

Кўмакка келдим, денг?

Мұҳаммад Порсо  
Мирзом, кесатманг!

Сиз учун эгамға йиғлоганимда,  
Ҳумоюн ўрдаға етиб келишдек  
Бир хаёл дилимға ёғду ташлади.

Халил Султон

Ҳазратим, ул қутлуғ ниятингиз не?

Мұҳаммад Порсо

Мирзом, сабр ила сўзимни тингланг —  
Зотан, мен раҳматнинг нури манглайин  
Абадий силағон пайғамбарзода,  
Сайдлар авлоди — оқсуяқдурмен!  
Ҳатто жаннатмакон бобонгиз бизға  
Жеркиб сўйламагон, суйиб суйлагон!

Халил Султон

Сўйлангиз, тинглармен, Мұҳаммад Порсо!

Мұҳаммад Порсо

Сўйлашсак бўлмасму иккимиз холе?

Халил Султон

Давлат ишидинму сўз юритурсиз?

(Муҳаммад Порсо тасдиқлайди.)

Бобо Турмуш анда айни муддао!  
Андин яшириқли асроримиз йўқ.

Муҳаммад Порсо

Мирзом, сиз эгамнинг суйғон зотлари —  
Амиру бекларга, дини исломнинг  
Түғин баланд тутғон уламоларга  
Илтифот эшигин ёпиб қўйдингиз.

Халил Султон

Яна не қилибмен, Муҳаммад Порсо?!

Муҳаммад Порсо

АЗИМ ГУНОҲЛАРИ УЧУН ЭГАМНИНГ  
ҚАҲРИҒА ДУЧ КЕЛҒОН ПАСТ БАНДАЛАРГА  
МЕҲР КЎРГАЗУРСИЗ!

Халил Султон

Эй, Бобо турмуш,  
Айтинг, ҳақиқатму ҳазратнинг сўзи?

Бобо Турмуш

Эгам бандаларин барчасин суяр,  
Меҳрини тенг бўлур ҳар бир жонзотга!

Халил Султон

Ана, кўрдингизму, Муҳаммад Порсо!  
Мен фақат Холиқни алдамоқ бўлғон  
Зотларни тартибга чақириб қўйдим...

## Мұҳаммад Порсо

(Бобо Турмушга шпорат қилиб.)

Олампаноҳ, бунинг сўзиға кирманг,  
Рўзаю номозни тарк этғон кофир,  
Эгамнинг дилини қайдин тушунсин?

## Бобо Турмуш

Дунё ҳаракатда, вақт оқиб борур,  
Лаҳза олиб келур минг шакл-мазмун,  
Бир кечада боғлар қанча барг ёзур,  
Кечаги эмасдир дарё сувлари —  
Хуллас, аста-аста ўзгарур олам...  
Шу боис айтурмен, пайғамбарларнинг  
Ҳар сўзин фикрлаб қабул этмоқ шарт,  
Зеро, тинч қотдиму, фикр ўлиқдир!

## Мұҳаммад Порсо

Олампаноҳ! Кофир ёнингизда-ку!

## Бобо Турмуш

Энди қай сабабдин рўза номозни  
Тарк этдим?

Жавоб шул, Мұҳаммад Порсо!  
Инсонни яратди эгам меҳнат-чун,  
Демак, неки тўғон ҳалол меҳнатга  
Баҳридан кечмоқлиғ бир муқаддас бурч.  
Рўза тутдик — бизни ҳолдин тойдирди,  
Вақтни ўғирлади — ибодат, номоз —  
Шул сабаб меҳнатни аъло билдик-да,  
Номозу рўзани баҳридин кечдик!

## Мұҳаммад Порсо

Тилингни тий, кофур! Тилинг кесилсін!  
Дұзахда тилингдин осиладурсен!  
Олампаноқ, буни тез дағъи этинг!

## Халил Султон

Қимни дағъ этмакни ўзимға қўйинг...  
Яна не сўйлайсиз, Мұҳаммад Порсо?

## Мұҳаммад Порсо

Наҳс босиб кетибмиш саройингизни!  
Раҳмонни унутғон манов шайтону  
Эрка хотинингиз қулоғингиздин  
Қуртдай кирғонлару ғимирлаб аста,  
Миянгизни қоқлаб қўйғонлар...

## Халил Султон

Ҳазрат!  
Малика ҳақинда сўз очманг!

## Мұҳаммад Порсо

Нечун?  
Анинг құлмышлари ҳаммаға аён!  
Саройға тегишли қиз-жувонларни  
Зўрлаб эрға берғон ўшал жодугар:  
Темур хазинасин эшиғин очиб,  
Ҳар кимға-да сочғон ўшал исрофгар:  
Туман оғани ким ўрдадин қувди,  
Сароймұлк хонимға ким берди заҳар,  
Беклар обрўйини ким яксон этди? —  
Малика атағон ўшал жодугар!

Халил Султон

Ўзингизни босинг, ҳазрат, уялинг!  
Магар подшоҳлиғнинг юқидин ҳоле  
Бўз йигит бўлсайдим, бу иғводин сўнг  
Бўғзингизға шундоқ қўлимни чўзиб,  
Ширин жонингизни юлиб олардим!  
Энди, менга айтинг, Муҳаммад Порсо  
Ўзингиз поксиизму эгам қошинда?

Муҳаммад Порсо

Танҳо парвардигор гуноҳсиз эрур!

Халил Султон

Демак, гуноҳингиз йўқ эмаскан-да?  
Қани, биттасини айтиб беринг-чи?  
Яхшиси, эслатай: Шоҳруҳ Мирзодин  
Қандай хат олдилар?

Муҳаммад Порсо

Ҳеч қандай! Бўҳтон!

Халил Султон

Сўнг масжид жомедин Бухоро аҳлини  
Қандай хабар ила хурсанд қилдилар?

(Муҳаммад Порсо жим.)

Эсингиз йўқ эркан, Муҳаммад Порсо!  
Мен айтай, эшигинг! Ул Шоҳруҳ Мирзо  
Мактуби бечора Халил Султоннинг  
Кунин битғонлиғин башорат айлаб,

Бу йўлда найрангни бўшаштирманг деб,  
Ёзилғон макрли илтимос эрди.  
Сиз эрса, қувончдин номозни қўйиб,  
Муқаддас масжиддин қилдинғиз эълон —  
Ки Халил Султоннинг паймони тўлди...  
Энди пок ниятдин менға лоф урманг!  
Ўзим айрилаймен кофур, муслимни!  
Ҳозир отингизни эгарланг, ҳазрат,  
Шаҳарда ўлтирманг, чўл-саҳро кезинг,  
Кофур ким, муслим ким фарқига бормас  
Кўчманчи саҳройи улуслар борким,  
Урфони исломдин сўйланг аларға!  
Оtingиз тайёрму?  
Кўмак шартмасму?

(Муҳаммад Порсо жим.)

Энди йўлға чиқинг, Муҳаммад Порсо,  
Подшоҳлиғ вақтини ўлдирманг бекор!

(Масҳаралаб.)

Айтғондай, базмға қололмайсизму?

(Муҳаммад Порсо жим.)

Ҳазрат, на илож бор — ишингиз тифиз,  
Саҳройилар сизнинг васлингизға зор!  
Йўлингиз оқ бўлсун, Муҳаммад Порсо!

(Бобо Турмуш ва Халил Султон чиқиб кетадилар.  
Беклар кирадилар.)

Рустам барлос

Пирим, нима деди?

Муҳаммад Порсо

Умид узинглар!  
Шайтоннинг измида фикру хаёли...

(Сукунат.)

Бир қарорға келсак, беклар, кечикмай!

Оллоҳдод

Пиримнинг айтғони — биз учун қарор!

Амир Бурундук

Пиримнинг айтғони — худонинг амри!

Муҳаммад Порсо

Қадру қийматингни паймолланмоғи,  
Хўрланмоғи ёмон, амирлар, ёмон!

Рустам барлос

Пирим, не қилайлик?

Муҳаммад Порсо

Қодир худойим  
Кўнглимға солғонин этайин ошкор:  
Улув Амир Темур Кўрагонийнинг  
Тожини бул нокаст кўтаролмабди —  
Одил подшоҳ истаб тебранмоқда тахт!  
Амирлар, тож-тахтга муносиб зотлар  
Изғир Самарқанднинг теварагида,  
Бирининг кўнглини топинг...

## Оллоҳдод

Ҳазратим,  
Демак, бул қузғунни...

(Қўлини бўғзига қадаб кўрсатади.)

## Муҳаммад Порсо

Бек, кўп қизишманг!  
Сиз, Амир Арғуншоҳ, бул маслаҳатға  
Бош қўшмай турибсиз бир четда хомуш  
Қарор кўнглинигизга ўлтирамадиму?

## Арғуншоҳ

Жаъми мусулмонға пири комилсиз,  
Сизға хосдир ўлчаб-ўйлаб иш кўрмоқ!  
Пирим, бул қарорда шошмадингизму?  
Халил Султон мирзо ҳали кўп ёшлар,  
Чархнинг тегирмонин тоши бошида  
Айланаверғон сўнг қўйилиб қолар...

## Рустам барлос

Қачон қўйиладур? Уч йилдин ошди,  
Бошиға тож кийиб хезланур, хумпар!

## Амир Бурундуқ

Мен андин қўлимни ювиб бўлғонмен.

## Оллоҳдод

Арғуншоҳ, чайналманг -- бирмизму, йўқму?

## Арғуншоҳ

Сиз билан бир бўлмоқ мумкинмас, амир!  
Билурсиз, иккимиз қўшилолмаймиз —  
Биримиз муз бўлсак, биримиз олов...

Муҳаммад Порсо

Майда гиналарға, беклар, ўрин йўқ!  
Арғуншоҳ, мирзонинг қошида ҳозир  
Инобатға тушғон кимнинг каломи?  
Хазина калити кимнинг қўлинда?

Амир Бурундуқ

(*Арғуншоҳга*)

Мирзонгиз хуш кўрғон таги пастларнинг!

Муҳаммад Порсо

Кимлар олаётир жангдин сўнг инъом,  
Юртни сўраётғон арбоблар кимлар?  
Арғуншоҳ, сиз бизнинг бир томчимизсиз,  
Сойға оқмоғингиз зарур...

Арғуншоҳ

Вақт беринг,  
Бир муддат ўйлайн...

Муҳаммад Порсо

Амир Арғуншоҳ,  
Ўйланг, кўпроқ ўйланг — ҳаққа еting тез!

(Бекларга.)

Амирлар базмға боринглар энди.  
Улуғ Амир Темур Қўрагонийнинг  
Нодон зурриёти ғазабланмасун,  
Базмда сизларға кўзи тушмағоч.  
Минбаъд ғазабига дучор бўлмангиз!  
Амирлар, базмға боринглар! Хайр!..

Рустам барлос

Пирим, сиз ҳам меҳмон бўлиб кетурсиз...

Муҳаммад Порсо

Нопок дастурхондин қилурмен ҳазар,  
Омин! Тезроқ етинг ниятингизға!

Беклар

Омин!!!

VIII

Самарқанд ва Жizzах ўртасидаги қишлоқлардан бири — Султония. Тун. Гулхан теварагида икки навкар.

I Навкар

Мирзо ухладиму?

II Навкар

Шўрлик чарчағон,  
Хиргоҳга кирдию тош қотиб қолди.

## I Навкар

Ҳеч ким келмаяпти...

## II Навкар

Хаялладилар.

(Сукунат.)

## I Навкар

(Қулоқ солиб.)

Зилдай сукунат-а!

## II Навкар

Бутун олам жим!

(Сукунат. Елкасига чакмонини ташлаган Халил Султон  
чиқади.)

Халил Султон

Үйқудан зўр келиб ўлтирибсизму,  
Қўзғолманг, қўзғолманг... Ботир йигитлар!

## I Навкар

Олампаноҳ сизнинг шарпангиз сезиб,  
Ҳар қандай ёв каби уйқу ҳам қочди.

Халил Султон

(Ўйлануб.)

Сизни ким юборди бизни кутгали?

## II Навкар

Амир Оллоҳдод ва Амир Арғуншоҳ  
Истиқболингизға чиқарди пешвоз.

Халил Султон

Ўзга сўзу йўриқ демадиларму?

## I Навкар

Олампаноҳ бизни Султонияда  
Қутғойлар, иншолло, етиб боргаймиз,  
Сизнинг изингиздин, дедилар, холос.

Халил Султон

Лашкарда сокинлиғ, тинчлик эрдиму?

## II Навкар

Буйруқ берилғанди тунги ногаҳон  
Ҳужумға шай бўлиб ҳушёр турмоққа.

## I Навкар

Отлар түёғига уланг боғлонғон,  
Навкарлар ўралмиш қора либосға.

Халил Султон

Амир Худойдодға кечаси пинҳон  
Тунги зарб бермоққа азм қилдиларму?

## I Навкар

Мақсадни сипоҳға айтғонлари йўқ.

Халил Султон

(Уйланиб.)

Нечун этмадилар бизларни огоҳ?  
Ахир, Шаҳрисабзға чопар юбориб,  
«Қўмакка келинг» деб шоширдилар-ку?..  
Ёв ила тўлқинлар бўлуб турғондир?

II Навкар

Бир ёй бўшатмади икки тараф ҳам.

Халил Султон

Илғор била илғор келғондир тўқнаш?

I Навкар

Султоним, сезмадик жанг шарпасини.

Халил Султон

Душманнинг йиятин билмаклик учун  
Банди олинғондир?

II Навкар

Эшитолмадик...

Халил Султон

Жангға тайёргарлиқ йўруқларини  
Унитишон эрса бизнинг амирлар,  
Амир Худойдоднинг тинч турмоғига  
Ақлим етмаётир...

(Сукунат.)

Шаҳрисабздин  
Бизга ҳамроҳ бўлур келғон амирлар  
Ҳордиқ олмоқдалар қайси ҳиргоҳда?

I Навкар

Оlampanoҳ, алар келғонлари йўқ.

Халил Султон

Шоҳруҳ лашкари-ла Шаҳрисабзда  
Хавотир ичинда бетма-бет туриб,  
Үйқу нелигини унутғон беклар,  
Йўлнинг азобидин толмабдилар-да!

(Сукунат. Сесканиб.)

Ботирлар, тинглангиз, отму кишинади!

(Қулоқ тутишади.)

II Навкар

Оlampanoҳ, тинчлик...

I Навкар

Ҳеч садо йўқдир.

Халил Султон

Ана, боз кишинади!.. Бул — менинг отим!

## II Навкар

Иўлнинг уқубати, мирзом, ҳорибсиз...

Халил Султон

(Кулоқ тутиб.)

Туннинг сукунатин қаранг — бағрида  
Икки ёв лашкари пусиб ётсаю  
«Қилт» этғон шарпасин эшитолмасанг...

(Бирдан.)

Иигитлар, худо бир, от кишнайпти!  
Менинг отим! Ана... Яна кишинади!

(Биринчи навкарга.)

Бориб хабар ол-чи, нечун безовта...  
Бул туркман тулпори баодат эрди —  
Эркалиғ қилмасди беҳуда кишинаб...

(Биринчи навкар чиқиб кетади.)

## II Навкар

Тамадди қилсангиз бўларди, мирзом...

Халил Султон

Овқатни қўйиб тур... Бир кося сув бер.  
Чўлладим...

(Иккинчи навкар чиқади.)

Эй, қаро кеча, қаъринга

Не улкан жумбоқни бекитғонсанки,  
Менинг дилимға ҳам кўлкаси етмиш...  
Нега титраяпмен? Нега кўнглимға  
Ғусса чўкаяпдир? Нега дилғашмен?

## II Навкар

(Кириб.)

Тақсир, сув келтиридим...

(Халил Султон олаётуб, косани тушириб юборади.)

Эй, воҳ кўргулик!..  
Момом айтардилар, сув ёруғлик, деб,  
Наҳотки ёруғлик кетди умримдин?!

(Бирдан)

Эр йигит, ҳамроҳинг қайтиб келдиму?  
Отлар тинч эканму?

## II Навкар

Ҳаяллаб қолди.  
Келмади...

Халил Султон

Эр йигит, ўзинг хабар ол,  
Югуриб борғил-да, югуриб қайтғил!

(Иккинчи навкар чиқиб кетади.)

Ишониб бўлмайди бул кечага ҳеч,  
Қўзин яширади ғар аёл каби,  
Асабий танида бир шумлик пинҳон.

Яна ўлжасини кутғон жондордай  
Садо чиқармасдин ётиши ғалат...

(*Сүкунат. Узоқдач кимнингдир қичқириғи эшитилади.*)

Э воҳ, ким қичқирди жон аччиғида,  
Кимнинг поймонаси ногаҳон тўлди...  
Кўнглимға чўкмоқда мудҳиш хаёллар —  
Нечун бармоқларим қалтирас бежо?  
Юрагим қўргоннинг қўрқинч лашкари  
Бир бор ҳали забт этмағонди-ку!

(*Қулоқ тутади.*)

Бойўғли сайради... Менга тушунтири,  
Неларни сўйладинг, тун суяр, эй, қуш!  
Мени бирор хавфдин этдингму огоҳ,  
Е бир кир ниятни олқишлидингму?

(*Шовқин-сурон эшитилади. Қонга бўялган Яҳе  
на в қ а р киради.*)

Яҳе

Мирзом, шундасизму? Қочинг бу ердин!

Халил Султон

Яҳе, қайдин келдинг?

Яҳе

Вақтни ўтказманг,  
Мирзом, ҳали замон етиб келишур!

## Халил Султон

Осмондин тушдингму, Яҳё? Либосинг  
Нечун қону қузға беланғон?..

Яҳё

Мирзом, \  
Пистирма бор эркан бўсағангизда...

## Халил Султон

Мулозимлар билан гапинг қочдиму?

Яҳё

Паймони тўлибдур мулозимларнинг,  
Бўғизланиб ётур эшигингизда!

## Халил Султон

Е, тангрим!

Яҳё

Ингининг, вақтни ўтказманг!  
Келиб қолишадир...

## Халил Султон

Яҳё, ким келур?

Яҳё

Арғуншоҳ, Оллоҳдод...

Халил Султон

Тушунмаяпмен,  
Нечук алар келса қочмоғим лозим?

Яҳё

Аргуншоҳ, Оллоҳдод отабегингиз  
Амир Худойдод-ла ташриф буюрур...

Халил Султон

Амир Худойдодни банд этдилараму?

Яҳё

Сизни банд этғони келишур бунда!

Халил Султон

Яҳё!..

Яҳё

Олампаноҳ, амирларинғиз  
Гапни бир қилишди Худойдод ила...  
Энди амирларға Худойдод эрмас,  
Сиз ёвсиз!

Халил Султон

(Бирдан тинчиб.)

Шундай де?.. Яҳё, отни мин,  
Мен ила бу ерга Шаҳрисабздин  
Қелғон амирларнинг қошиға етғил,  
Айтғилки, тожу тахтар ичинда!

## Яҳе

Алар-да хоинлар сафидадурлар...  
Мирзом, тез отланинг!

Халил Султон

Яҳе, қаёққа?

## Яҳе

Шоҳруҳ лашкари-ла бетма-бет турғон,  
Черигингиз сори! Шаҳрисабзга!

Халил Султон

Яҳе, шоширмоғинг, энди бекордир...  
Раҳмон-ла баҳслашди бир малъун шайтон!  
Үйла, тил топишғоч бирмас, ўнтаси  
Раҳмон ҳам қутулмас алар домидин!  
Ана, айтмадимму... Отлар дупури!..

*(Ташқаридан овозлар эшигилди. Аввал наўкарлар кириб тик қотадилар. Сўнг амир Худойдод киради.)*

Худойдод

Соф-омон бўлсинлар, шаҳзодам, мудом!

Халил Султон

Отабек, одобнинг расмларини  
Менинг қулоғимға қўйғон ўзингиз.  
Адаб тартибиға амал қилинг деб,  
Сизға танбеҳ берсам уят эрмасму?  
Сўйланг-чи, қанақа сулукати бор  
Қелмоқликнинг подшоҳ қадамгоҳига?!

*(Худойдод тош қотиб туради.)*

Халил Султон

Қани, таъзим қил-чи!.. Хиёнаткор! Паст!  
Оёғимни яла жонинг борида!..

*(Навкарлар уни қуролсизлантиришиади.)*

Амир Худойдод

Хўрланмоқ навбати, мирзом, сизники!

Халил Султон

Эй, амир, не ният бу қилмишингдин,  
Нечук олов ила ўйнашмоқдасен,  
Бечора парвона?

Амир Худойдод

Ёниб кечдингиз!  
Энди оловланмоқ биздин, шаҳзодам!

Халил Султон

Отабек, айтинг, бу хиёнатдирму?

Амир Худойдод

Тож-тахтни мустаҳкам этмоқ ўйида  
Улуғ журъатимиз дебочаси бул!

Халил Султон

Бул йўлда подшоҳни банд этмак?.. Ажаб!

Амир Худойдор

Олий фармонларнинг қадри сусайғоч  
Сизни банд этмакни ихтиёр қилдик,  
Энди сиз — суратсиз; қўлу, кўз, бош — биз!

Халил Султон

Бекор хаёл сурманг, отабек! Ҳозир  
Амир Оллоҳдоду Амир Арғуншоҳ  
От суриб келсалар хиёнат қўпфой...

Амир Худойдор

Шукурким, амирлар бизга ҳамдамлар!

Халил Султон

Шаҳрисабзда турғон лашкар етса-чи?

Амир Худойдор

Жаъми бекларинғиз бул корға йўлдош!

Халил Султон

Отабек, шундоқ денг...

Амир Худойдор

Шундоқ, шаҳзодам!  
Чархидун айланиб ўтғони-ўтғон!

Халил Султон

Шундоқ денг...

Отабек, сизға не керак,  
Тож-тахтму? Ҳайиқманг, сўйланг!

Амир Худойдод

Шаҳзодам!..

Халил Султон

Отабек, тож-тахтни олинг — розимен!

Амир Худойдод

(Довдираб.)

Шаҳзодам...

Халил Султон

Бекорға қон тўқмоқ нечун?  
Олинг салтанатни, амир Худойдод,  
Фақат юртни сўранг одиллик ила!

Амир Худойдод

Шаҳзодам...

Халил Султон

Отабек, гўдак чоғимдин  
Феълим сизға аён — ёлғон демасмен...  
Ҳозир тайёр бўлур туғроли фармон:  
«Салтанату улус, тожу тахту юрт,  
Амир Худойдодга тобе бўлгой» деб  
Битурмиз... Отабек, розидирсизму?

Амир Худойдод

Шаҳзодам, сиз...

Халил Султон

Фақат бир сўровим бор!  
Мени ўз ҳолимға қўйинг, илтимос.  
Фақирликда кечсин энди йилларим,  
Бирор мендин қўрқиб саломлашмасин,  
Хавотир ичидаги боқмасин ҳеч ким,  
Еировни ўлдирамай, бирорни сўкмай,  
Лашқарға лашкарни таништирамайни!  
Ёр сочин силағон, ашъорлар битғон  
Мана шул қўлларим қилич тутмоқниң  
Қийноқ азобидин қутулсан бир бор...  
Мен ҳам одамлардай яшай... Далада  
Қўш тортай, кечқурун уйимға келиб,  
Тизимға ўтқазиб фарзандларимни  
Бир коса сув ила нонимни ҳалол  
Тановул этайин...

Амир Худойдод,  
Тожу тахт ўртаға тушмасдин аввал  
Менға шафқатингиз, меҳрингиз ҳаққи  
Гапимни қайтарманг!

Амир Худойдод

(Ўйлануб.)

Режаларимиз  
Мос келмағай сизнинг сўровингизға...  
Мен айтдим: Сиз — сурат, бошқа кор биздин...

Халил Султон

Отабек, ҳадди бор маккорлиғнинг-да!

А м и р   Х у д о й д о д

Улус нигоҳида, аввалғида сиз —  
Тожу тахт эгаси, юртнинг хўжаси...

Х а л и л   С у л т о н

Шайтоннинг малайи! Худо бехабар!

А м и р   Х у д о й д о д

Жаъми фармонларни амир Худойдод,  
Яъни мен битғоймен. Шаҳзодам, сизга  
Осони қолади — муҳр босмоқлиқ...  
Бул тунни ўтказинг истироҳатда,  
Еб-ичинг ҳар таом бўлғай муҳайё!  
Аммо кўйиш қилманг фириб бермоққа,  
Соқчилар ҳушёрлар!

Мирзом, хуш қолинг!  
Йўлға отланмоққа берумиз хабар.

(Навкарлари билан чиқиб кетаётуб, Яҳёга кўзи  
, тушади.)

Кимсан?

Я ҳ ё

Мен... Навкармен...

А м и р   Х у д о й д о д

Нечун бундасен?  
Қани дафъ бўлғин-чи!

Я ҳ ё

Рухсат берсангиз,  
Бегим шунда қолсам...

Амир Худойдод

Нимани истаб?

Яҳё

Шаҳзодам хизматин айласам бажо.

Халил Султон

Ул менинг одамим, амир Худойдод,  
Рухсат беринг, қолсин.

Амир Худойдод

Қурол-яроғни

Топширгил! Қўзингга қарагил аммо  
Навкар, қаҳрим қаттиқ!..

(Чиқиб кетади.)

Халил Султон

Яҳё, энди гапир, бунда қолмоқдин  
Муддаонг нимадир?

Яҳё

Хизматингизни

Бажо келтирмоқлик!

Халил Султон

Ростини деғил!

Яҳё

Теппамда худо бор!

**Халил Султон**

Нени сўрайсен,  
Хизматинг ҳақиға...

**Яҳё**

Шаҳзодам...

**Халил Султон**

Наҳот,  
Текинға бироғға хизмат қилурсен,  
Ниятингни гапир?

**Яҳё**

Шаҳзодам, тахтға  
Үлтирмасдин аввал ишонардингиз...  
Худони қўйдим-ку ўртаға, мирзом!

**Халил Султон**

Яҳё навкар, кечир... Кўп йиллар сели  
Бўтана оқизиб қалбим устидин  
Ўтдилар!

**Яҳё**

Шаҳзодам, мен тушунурмен!

**Халил Султон**

Сен хафа бўлмагил...  
Хўш шунча йиллар  
Дом-дараксиз кетдинг — қайларда эрдинг?

Яҳс

Шонли лашкарингиз сафида, мирзом.

Халил Султон

Лашкарим сафида? Нега кўрмадим.  
Нечун сен келмадинг менинг қошимга?  
Ахир, подшоҳ эдим — сени сийлашға  
Қурбим етарди-ку!

Яҳё

Мирзом, ор билдим...

Халил Султон

Нимани, эй Яҳё?

Яҳё

Рости, уялдим.  
Ҳамият истабму, шамъа айлабму  
Келғон деб мирзомнинг ўйлашиларидин.

Халил Султон

Яҳё, бери келғил!

Бир қучоқлайн!

(Яҳёни бағрига босади.)

Яҳё

Қайдин келди мирзом, бу қаро кунлар...

## Халил Султон

Қаро кунлар бошқа, Яхё билмайсен...  
Қаро кун эгамнинг бир бандасини  
Жаллодға топширмоқ... Бир бандасици...  
Қаро кунлар бошқа... Яхё билмайсен...

## IX

Рай шаҳри. Халил Султоннинг қароргоҳи.

### Шодимулк

Султоним, ўйланманг...

## Халил Султон

Ўйланмай бўлмас,  
Шодиям, кўксимда гувиллар тўфон,  
Қай тараф қарасам, ургой юзимға;  
Қай тараф қарасам, йўл кўролмасмен...

### Шодимулк

Сизга жабр этдилар номусулмонлар...

## Халил Султон

Сен-чи, не жафолар кўрмадинг, бекам...

### Шодимулк

Менинг йўлим бўлак...

Халил Султон

Шодиям, асло!

Худойим ҳаммани бирдек яратғон —  
Кўз берғон, қўл берғон, ақл, қалб берғон..  
Меҳрибон амаким Шоҳруҳ Мирзонинг  
Навкарлари сени сазойи айлаб,  
Жар солиб Самарқанд кўчаларида  
Ўтгонлари менга етғон чоғинда  
Не куйға тушмадим? Бекам, сенинг-ку  
Фарёдинг сўнгиға ким етғай?

Шодимулк

Мирзом,

Ўзни ўйламадим ул хўрлиқ чоғи!

Халил Султон

Нимани ўйладинг?

Шодимулк

Султоним, сизни!..

Бошимға ёғилғон масхараларнинг  
Оридин, илоё Султоним қадди  
Букилмасин, зарра «қилт» этмасин, деб  
Яратғон эгамға қилдим тиловат.

Халил Султон

Тиловат қилардим... Ишонардим мен  
Қодир яратғоннинг иноятиға...  
Андин мен кўп нарса сўрағоним йўқ —  
На тож-тахт, на давлат, на ном, на шуҳрат,  
Оддий бир фақирнинг фақир умрини  
Сўрадим — бермади... Не қилғондимки,  
Тангirim, дариф тутдинг марҳаматингдин!

## Шодимулк

Қалима қайтаринг, тилға эрк берманг!

Халил Султон

Отабегим амир Худойдод менинг  
Таънимдин Самарқанд музофотини  
Бир ойча бошқариб, Ашфара сори  
Қочғон сўнг Шоҳруҳнинг тифидин чўчиб,  
Асир айлаб кетди... Не сабаб? Нечун?  
Номим керак эрди анға, Шодиям  
Бир шўрлиқ улусға бош бўлмоғиға!  
Ёмон жазосини тортди — мўғуллар  
Амир Худойдоддинг беақл бошин  
Менға келтирилар асл тортиқ деб.  
Мен не қилдим шўрлиғ каллаға боқиб?  
Баттар қувондимму? Яйраб кулдимму?  
Иўқ, ғамдин қовурилиб бошимни эгдим...  
Кўз олдимға келди, болалиғимда  
Сипоҳлиғ илмини қойил қилғонда,  
Оё, фаҳмим ётса давлат ишининг  
Бирор асрориға — шул бежон бошнинг  
Қўллари манглайим сўйиб силарди...  
Энди ул ётибдир — на қўл, на оёқ...  
Наҳот шул — дунёддин топғон қисмати,  
Наҳот, мардум каби ўтмоқ мумкинмас,  
Жаноза ўқилиб, кафан ичинда?  
Наҳот, умр ўтса «қотилим қайси»,  
Деб боқиб кўзиға фарзандларининг?  
Яна нима учун бешон бул ўлим?  
Бул қўрқув? Хавотир? Тожу тахт учун!..

## Шодимулк

Султоним, кўп куйманг, барчаси ўтди...

## Халил Султон

Шодимулк, ўтғони йўқ... Тож-тахт ғавғосин  
Қутқули лашкари тегарамизда  
Калхатдай айланар... Пайт пойлар, кутар...  
Сенга бир бошидан тушунтирайин:  
Ашфарадин чиқдим бошимни эгиб,  
Қаро тортиб келдим Шоҳруҳ Мирзони —  
На ҳурмат сўрадим андин, на лашкар,  
На олтин, на сарой, на сарпо, улов...  
Якто илтимосим сену бир кулба!  
Меҳри дарё тошиб Шоҳруҳ Мирзонинг  
«Падаринг идора қўлғон юртлардин  
Қўнглинг ўлтиргони сенга бўлғай» деб  
Мени бул тарафга ҳайдади нечун?  
Ироқу Эроннинг эгаси камму?  
Бир интоқ устида ўн қилич ўйнар,  
Бир қишлоқнинг бордур ўнта подшоҳси!  
Шул қиличининг бирни менинг танимни  
Бўлаклаб ташласа амаким Шоҳруҳ  
Қандоқ қувонарди... Бай-бай!.. Сўрама!  
Чунки ул қўрқадур Халил Султондин,  
Дўст эрмас, рақибин кўрадир менда!  
Худойим! Подшоҳлиф менъа на даркор!  
Аммо, бул ноламға шионадир ким?  
Босғон қадамимни ҳар бир темурий  
Санару ўзича беради баҳо...  
Шодиям, мен ўлсам алар қутулур,  
Оlam ҳам, одам ҳам тортажак енгил,  
Фитнаю қиронлар камайғай озроқ!..

## Шодимулк

Ёмон ният этманг, меъи қўрқитманг,  
Илоё, давр суринг дунё турғунча!

Халил Султон

Шодиям, ўшанда бекор қилдим-да...  
Қетсак бўлур эрди...

Шодимулк

Менدادир гуноҳ.  
Сизни адаштиридим...

Халил Султон

Қайдин билибсан  
Дунёнинг зайдини...

Шодимулк

Хом хаёл сурдим,  
Үйладим, тож-тахтга сиз эга бўлғоч,  
Оlamнинг зулматда сарғайғон рўйин  
қуёш юварму деб...

Халил Султон

Эзгулик ила

Покламоқ истадим мардум кўнглини,  
Софлик инъом этдим, бошин силадим,  
Кечирдим, ишондим... Нима қайтди, хўш?  
Нималар бердилар? Бекам, хиёнат!  
Ўн олти ёшимда Амир Темурнинг  
Дуосин олдим-да қирғинга кирдим:  
Ўн тўққиз ёшимда, англадим ногоҳ  
Фақат муҳаббат деб яшамоқ зарур,  
Ўзга иш оламда ўткинчи, бекор:  
Ингирма биримда бир шиддатланиб,  
Лочин каби қўндим бобом тахтига —

Беклар «биз — садоқат» дея онт ичди:  
Ингирма бешимда — ҳимматларимнинг  
Ҳақи — хиёнатнинг тўрига тушдим,  
Ингирма еттимда мана Райдаман,  
Қайға боришимни билмасдин ҳайрон —  
Фақирликда умр кечирай дегон  
Бир шўралиқ орзумни бор қилолмасмен.  
Осмон узоқлиғин турубмен кўруб,  
Ернинг қаттиқлиғин сезиб турибмен...  
Ингирма еттимда — соч-соқолим оқ,  
Ингирма еттимда олам қоронғу!

### Шодимулк

Ҳозир ҳеч кечмасдир балки, Султоним,  
Черикнинг жавобин беринг! Кетурмиз!..

Халил Султон

Қаёққа?

### Шодимулк

Оллоҳнинг марҳамати кенг!

Халил Султон

Шодиям, бизлардин ихтиёр кетди —  
Ҳаёт уммонида эиди бир ҳасмиз,  
Қайға улоқтиурса, оқамиз почор...

### Шодимулк

Наҳот, чораси йўқ...

Халил Султон

Чорасиз қолдик...

Чериксиз афёrlар олдида киммэн?—  
Мени масхаралаб алар суйишур...

Шодимулк

Султоним ўлимдин гапирманг зинҳор,  
Мени ўйланг, ахир...

Халил Султон

Умрингиз балки

Осон кечардиму менингсиз...

Шодимулк

Уят!

Султоним, сиз мени билмас эрканси...

Тирниклиғим — сизда, ўлмоғим — сизда,  
Самолиғим — сизда, хорлиғим — сизда,  
Сизсиз куним тўхтар, умидим тўхтар,  
Нафасим тўхтар-да, тўхтар юрагим!..

Халил Султон

Сенға оғир бўлур...

Шодимулк

Сиз ила ҳеч вақт!

Халил Султон

Шодиям, мардумнинг умри бир шаъмдир,  
Шамол қўзғалару учади, нохос.  
Менинг-да, теграмда шамоллар елар,  
Гар жангу жадалда ўчсам абадий

Ушбу вазиятни кўнглинига жойла:  
Авайла қизимиз Ҳуснинигорни,  
Анға сагирлигин билдирма, бекам,  
Изғима, Самарқанд сори йўл тутғил,  
Мирзо Улуғбекнинг паноҳида бул —  
Чархи дун бизларни гар этди рақиб,  
Бироқ ҳақ гап шуки, Улуғбек — одил,  
Феъли авторида юксаклиғ бисёр!

### Шодимулк

Султоним, кўнглини бузманг! Инишооллоҳ,  
Бу ёруғ оламдин умидим кўпдир!  
Қўш-қўш неварали бўлурмиз ҳали,  
Келин тушуурмиз, қиз узатурмиз,  
Ҳали иккаламиз қўша қарибмиз...

### Халил Султон

Бир келари гапни айтдим-қўйдим-да...  
Энди, ором олғил, Шодимулк, борғил,  
Ҳасрат тугамайдир сўйлағон ила.

### Шодимулк

Бажо хаёлларни бас қилинг, мирзом,  
Сизни хушбахт кўрай...

### Халил Султон

Маликам, хайр...

(Шодимулк чиқади. Халил Султон ўйга толади.  
Саҳнада аёл пайдо бўлади.)

### Халил Султон

(Чўчиб.)

Қай шамол учирди, она!

А ёл

Ўғлим йўқ...

Халил Султон

(Бақириб.)

Мен нима қилайин?! Нечун изма-из  
Юурсиз ортимдин, таъқиб қилурсиз?!

Мендин не истайсиз!?

А ёл

Ўғлон, ўғлим йўқ.

Халил Султон

Қелинг, меҳмон бўлинг хонадонимға,  
Улгунча қилайин хизматингизни.

А ёл

Ўғлимнинг қаерга кетғонин билдим...

Халил Султон

(Сергакланиб)

Қайға кетибди?

А ёл

Энди қайтмайдур,  
Бир уйға кирибди болам бечора,  
На эшиги бордир ва на туйнуги.

Халил Султон

Наҳотки... Үзиму?.. Ажали бирла?

А ёл

(Бирдан.)

Уни сен ўлдирдинг?

Халил Султон

(Бақириб.)

Нима? Мен ани  
Қўрмагонмен, ахир?! Қандай ўлдирай?  
Үйланг, эна, ахир!..

А ёл

(Қўзғалиб.)

Сен ўлдирғонсен!

Халил Султон

Ҳисобға қўшмасак мангу жадални  
Жаллодға топшириб фақат бир касни...

А ёл

Бошини олдирдинг...

Сен ўлдирғонсен!  
Қотил! Қотил! Қотил!!!

(Чиқиб кетади. Яхё навкар киради.)

Яҳё

Шаҳзодам, хушхабар!

Халил Султон

Қайга кетди ул?

Яҳё

Мирзом, англамадим...

Халил Султон

Ҳозир бир аёл  
Бунда турғонди-ку!

Яҳё

Кўзим тушмади.

Халил Султон

Шундай де... Хўш, гапир, Яҳё — содиқ дўст,  
Не мұжда келтирдинг?

Яҳё

Муждан асил!  
Устод Исматулло Бухорий келди!

Халил Султон

Бизнинг эшикдин ҳам нур киаркан-да!  
Ошпазни чақирғил! Шу жойда кичик  
Дастурхон тузатсин. Хос либос кийиб,  
Истиқболлариға чиқурмен пешвоз.

(Халил Султон, ортидан Яҳё чиқиб кетадилар, ошпаз дастурхон тузата бошлиайди. Халил Султон хос либосда қайтиб чиқади, ўтиб кетаётуб тўхтайди.)

## Халил Султон

Ошпаз санъатингни кўрсатғил бул кун,  
Билурсен садоқат бобида дўстлар  
Мени эркалатиб сийлошғони йўқ.  
Шул сабаб, ҳар содиқ кимсам ёдимда:  
Менинг ҳисобимда улар тўрттадир:  
Бири — шўришимнинг шериги — аёл:  
Бири — Яхё навкар хизматидадир:  
Бири — Бобо Турмуш — раҳматлиғ вазир  
Хиёнаткорлиғни эп билмай, ўзин  
Ҳовузға отди-да, узлатға кетди,  
Шоҳруҳ одамларин кўзи олдида!  
Мард эрди — мардларча ҳалок бўлди ул!  
Тўртинчиси — сенсан...

Неча йил бирға  
Шоҳлиғу фақирлиғ кўйида кездик...

*(Ҳазиллашиб.)*

Эскидии қолғон бир гап ёдға тушди:  
Дердилар, қирқ, етти, уч рақамларин  
Пинҳон хосияти бўлармиш... Қара,  
Содиқ дўстларимни санадим — тўртта!  
Демак, қайси бири менга дўст эрмас,  
Уттадии биттаси ортиб қолмоқда!

*(Дастурхонға қараб.)*

Ошпаз бул гулобинг қандоқ лолагун!  
Недин тайёрладинг?

## Ошпаз

Узум сувидин...

**Халил Султон**

(*Кулиб.*)

Сирингни фош қил-чи, нималар қўшдинг?  
Гулоб бағрини қон этғали, ошпаз!

**Ошпаз**

(*Довдираб.*)

Ҳеч нарса... Қўшмадим...

**Халил Султон**

(*Ҳазилни давом эттириб.*)

Айтғил, айтавер,  
Барибир фош бўлур сиру асроринг!

**Ошпаз**

(*Бирдан Халил, Султоннинг оёғига йиқилиб.*)

Мирзом! Мен гумроҳни кечиринг, мирзом!

**Халил Султон**

Нималар деяпсан? Тур, ўрнингдан тур,  
Жинни бўмадингму?

**Ошпаз**

Йўлдан урдилар!  
«Заҳар қўш» дедилар... Ваъда бердилар...

Халил Султон

Ошпаз ҳазиллашма... Наҳот, бул...— заҳар!

Ошпаз

Шаҳзодам!..

Халил Султон

Ростдинму? Нима сабабдин?  
Бундоқ макруҳ ишға қўлингни урдинг?  
Кўзимға қара-чи!.. Ошпаз, гапинг рост!  
Қотил бўлмоқлиққа журъат этдингму?  
Бекор қилибдурсен... Нима сабабдин?

Ошпаз

Ваъдалар бердилар...

Халил Султон

Қандай ваъдалар?

Ошпаз

Мирзом, мен — ҳиндурумен... Асир тушғонмен,  
Сизға оғу берсам, она юртимға  
Омон қайтишимға ваъда бердилар.

Халил Султон

Шундоқ де... Хўш, менға нега айтмадинг  
Аввалроқ... Юртингда қондошинг кўпму?  
(*Ошпаз бош силкитиб тасдиқлайди.*)  
Бола-чақанг борму? Хотининг-чи?

## Ошпаз

Бор...

Халил Султон

Волиданг омонму?

## Ошпаз

Омон эрдилар,  
Ким билсин, қанча сув ўртада оқди...

Халил Султон

Иншооллоҳ, бахтинаға омон бўлғайлар!

(Бирдан.)

Мен сенға озодлиғ инъом қилурмен,  
Уч, йигит, қуш каби диёринға уч,  
Дийдориға тўйғил қондошларингни!..

## Ошпаз

Шаҳзодам, кечиринг!

Халил Султон

Нечун кечирмай?  
Ҳар ким экканини ўради, ахир!  
Қай бир гуноҳимға худовандининг  
Юборғон жазосин қўлисен, ошпаз!  
Бор йигит, йўлларинг бехатар бўлғай!

(Ошпаз чиқиб кетади.)

## Халил Султон

Ўзинг йўл кўрсатдинг, қодир худойим,  
Англа, деб ишора айладинг нозик,  
Фаҳми тез одамнинг ўзи тушунғай...  
Бу қўрқинчли тушдай кунлар не учун?  
Бир силтаб узмоқ шарт умр ипини,  
Шундай узмоқ шартки — улаб бўлмасун!  
Нени эзгулик деб оламға бердим,  
Қилич бўлиб тушди олам бошиға,  
Гуноҳим шунчалар кўпки.... Худованд,  
Ўзинг ярлақагин! Ўзинг мадад бер!  
Қолғонлардин тутма меҳрингни дариғ,  
Кўзи ёшлиғларни ол паноҳинга!

(Ташқарида қадам товуши эшитилади. *Халил Султон*  
шошиб оғули гулобни ичади. Яхё ва *Исматуллоҳ*  
Бухорий кирадилар.)

## Халил Султон

Устод, хуш келибсиз!

Исматуллоҳ Бухорий

Бормусиз мирзом!

## Халил Султон

Эшиғондим, устод, шаҳри Самарқанд  
Тупроғин тарқ этиб кетғонингизға  
Тўрт йилча бўлмишдир...

Исматуллоҳ Бухорий

Юртма-юрт кездим...  
Қадамгоҳингизға келдим, шаҳзодам,  
Бўйнимда турғон бир қарзни узғани...

Халил Султон

Қарздор этмағонмен сизни, мавлоно!  
Баъзан шоҳларнинг ҳам қўли қисқадир...

Исматуллоҳ Бухорий

Сиздин бир қасида қарз эрдим, мирзом,  
Шуни битиб келдим...

Халил Султон

Мавлоно, шошманг,  
Шартимиз бор эрди...

Исматуллоҳ Бухорий.

Барча шартларға  
Мувофиқ кўнглимнинг раъйи ила мен,  
Сизнинг шаъннингизга қасида битдим.  
Сиз, одил ҳукмдор эрдингиз, мирзом!

Халил Султон

Устод, қуллуқ... Аммо устимдин кулманг!

Исматуллоҳ Бухорий

Камиинанинг тили дили ила бир!  
Эшитинг!

(Қасидани ўқишига ҳозирланади.)

Халил Султон

Мавлоно, сабр этинг озроқ,  
Қарз узмак навбати мендиндир аввал!

(Устидаги қабосини ечиб Бухорийга совға қилмоқчи бўлади.)

Кийғонда эсларсиз!

(Халил Султон Бухорийға қабони кийгизаётуб, қўллари шоирнинг елкасига осилиб тушади.)

Исматуллоҳ Бухорий

Мирзом, нима бўлди? Рангнингиз ўчди?

(Яхёга.)

Табибни чақирғил...

Халил Султон

Яхё, керакмас...

Жонимни ушлагон Азроил илки!  
Ул қўйиб юбормас — қудратли, метин —  
Домига тушдингму, қутулиб бўлмас...

Яхё

Шаҳзодам...

Халил Султон

Танимни оғу ёндирур...  
Шодимулкни чақир! Сўнг бор термулай!

(Яхё югуриб чиқади. Саҳнага бирин-кетин беклар, хизматчилар, канизаклар кириб кела бошлайдилар.)

## Халил Султон

Ё даврон менға мос келмади, оё  
Чархи кажрафторға ўгай бўлдим мен,  
Хуллас, бу оламға сиғмадим... Мана,  
Кетяпмен! Ким куяр, ким мени эслар?..

## Исматуллоҳ Бухорий

Эзгулик қолмағай ернинг тагинда,  
Сиз — одил эрдингиз, сахий, кўнгилчан...

## Халил Султон

Алдамаяпсизму? Қаранг, турибмен  
Нақ шундоқ узлатнинг бўсағасида,  
Ростини эшитсам, ёмон бўлмағай...  
Ҳар ҳолда кимлигим билсан, яхши-да!

## Исматуллоҳ Бухорий

Хавотир олмангиз, ростини дедим!

(Шодимулк киради.)

## Шодимулк

Султоним, не учун сизга бу жазо?  
Султоним, қандайин тирик юурмэн!  
Менға юрагингиз ачишмадиму?

## Халил Султон

Кечирғил, Шодиям, сабрим тугади...  
Кўзимни юмдим-да, симирдим оғу!

## Шодимулк

Мен ўзим сезғондим... Ўзим сезғондим.  
Нега сизни ёлғиз қўйдим... Сезғондим.

Халил Султон

Рози бўл, Шодимулк, мендин рози бўл!

## Шодимулк

Жойингиз жаннатда бўлсин, Султоним!

(Бирдан.)

Оғу... Оғу қайдада?

Халил Султон

Ҳув анов идишда...  
Тўкиб ташланг ани..

## Шодимулк

Мен ўзим! Ўзим! Ўзим!..

(Югуриб бориб оғуни симиради.)

Оҳ, нақадар яхши! Султоним, ёлғиз  
Кетмайсиз... Борамиз бирга иккимиз  
Қодир яратғоннинг кенг даргоҳига!

Халил Султон

Шодиям, сен хазон бўлмагин эрди!

Шодимулк

Султоним, васият қилинг мардумға,  
Айтингки...

Халил Султон

...Бизларни бирға күмнинглар!

Шодимулк

Шод бўлсин десангиз магар руҳимиз!  
Ва яна айтингки...

Халил Султон

...Яхё қулоқ тут,  
Фарзанди ожиза Хуснинигорни  
Улуғбек мирзонинг илкиға топшири..

(А ёл пайдо бўлади.)

Шодимулк

Беакам, танидинғму ҳув, ўшал аёл!  
Боласи кўйида куйғон шўрлик-ку!

Халил Султон

Ризолиг сўрайин аввал шул зотдин!

Исматуллоҳ Бухорий

Қўрқманглар, инсонға ўлим олдидин  
Шундоқ босинқираш бўладир зоҳир.

Халил Султон

Она, розимусиз?

*(Аёл бош қимиirlата-қимиirlата ғойиб бўлади.)*

Бекам кўрдингму,  
Розимен деди-я?

Шодимулк

Розимен, деди!

Халил Султон

Хайрият... Хайрият.

*(Улади.)*

Шодимулк

Ҳозир борамен,  
Бегим, ортингиздин етурмен ҳозир!  
Аммо жоним тандин чиқмасдин бурун,  
Ўзим куйиб сизға ўзим айтайн!

Қизил гулдай очилиб кетдинг, бегим,  
Шамолларға сочилиб кетдинг, бегим!  
Фалак чархи кўксингизда айланди,  
Бир дон каби янчилиб кетдинг, бегим!  
Тиригингда ўйнадим, кулдим, бегим,  
Үн тўрт кунлик ой каби тўлдим, бегим!  
Мен сени ажалларға бериб қўйиб,  
Юрмадим, ўзим ҳам ўлдим, бегим!

*(Улади.)*

Исматуллоҳ Бухорий

Бир Юсуф — Зулайҳо ўтди оламдин!

Тамом

## РОСТ ТҮЙГУЛАР ҚУИЧИСИ

Адабиёт устидан, инсон қалби устидан ҳукмронлик қилиб яшаган замон ичидә ижод этмоқ осон эмас. Бундай ҳукмронликка дош беролмай, «замона мадҳи»ни қасб қилиб, юз шаклу шамойилга кирган ижодкорлар оз бўлмади. Тузум худо берган неча асл шоирлар истеъдодини «қурбонликка сўйди».

Кўп йиллик жимликтан сўнг, олтмишинчи йиллар бошида, Ҳусниддин Шариповнинг илиқ сатрлари сиёсий сипо шеъриятга унтуилаёзган инсоний самимиятни олиб киргандек бўлди. Кейин Эркин Воҳидовнинг инсоний меҳрини қўзғатувчи шеър-достонлари уйғона бошлади. Сўнг Абдулла Ориповнинг ҳақиқатпараст шеърияти наъра тортиб, бош кўтарди. Айниқса, шундан кейин шомр бўлиш осон бўлмай қолди. «Бундай шоирларнинг каҳашонида» эл назарига тушиш ҳам қийин эди. Ёлғонлар қафасига кўникиб қолган адабиётнинг рост-гўйликка қайта юз тутиши ана шундай бошланди.

Рауф Парфи истибод ва асорат ҳасратини мажоз усулида маромига етказиб куйлади. Сўнгра худди табиатнинг оддий қонунияти каби авлод кетидан янги карвон дунёга келди. Йўлдош Эшбек, Усмон Азим, Муҳаммад Солиҳ, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон ва бошқа истеъоддлар юрак яланғочлаб майдонга чиқдилар.

Адабиёт даргоҳига йўналган ҳар бир ўқимишли ёш

шоир ушбу изтиробга дуч келиши муқаррар: «Асл шеърлар эса ёзилib битган...»

Шеърият майдонида пайдо бўлаётган ҳар бир иқтидорли шоирнинг китобини ўқиб, мен ҳар гал ҳайратланиб, шукур циламан: «Йўқ, ҳали ёзилемаган шеърлар кўп экан!...» Ҳали неча улуғ истеъдодлар дунёни қайтадан кашф этгайдирлар!

Қафасдаги адабиётнинг исёнкор куйчиларидан бўлмиш кейинги авлод чин сўзни расм этди. Жумладан, Усмон Азим рост туйғулар куйчиси, тўғрисўз шоир сифатида танилди. Ёлғон ва сохта ғояларни симиравериш жонига теккан ҳалқ аҳволини у бешафқат ва тўғри баҳолади. Мўстаҳкам ёлғон салтанатининг фуқаросини ботиний ўлимдан бошқа не кутади? Усмон Азимнинг шоирона ижтимоий фаолиятига «Бахшиёна» туркуми роят қўл келди:

Мени қўйгил, менга тақдир тошдир азал,  
Аммо дунё тўғри сўзга очдир азал.

Шоҳинг кимдир? Қўрқоқ, сотқин, хиёнаткор  
Бузуқларнинг тўдасига бошдир азал...

Усмон Азим шиддатли туйғулари билан, кескин ҳолатлар ва аниқ тасвирлари билан ўзбек шеъриятига янгича руҳ олиб кирди. Ҳалқнинг пажмурда жасадига руҳ киритгувчи хилқат — рост сўз эканини шоир Элбек бахши бўлиб бундай ифодалайди:

Ҳақ гап учун ҳар бир гапга кўнади эл,  
Тўғри сўздан кўпаяди, тўлади эл.  
Дордан қўрқиб ёлғон айтиб турганим йўқ,  
Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл...

Адабиётимиз аҳлига назар ташлаб, гоҳида мен айрам шоирлар шахси билан ижоди ўртасидаги мутаносибликнинг бузилаётганини кўраман. Шоир шахси —

вужуд, шеъри — руҳ бўлиб, иккиси икки томонга талпинаётгандек, бир-бирларини топа олмаётгандек туюлади. Руҳ — ҳақиқат майдонига, ҳақ аршинга, вужуд эса кўнгил майлига берилиб, фароғат ва хиёнат даргоҳига интилаётгандек кўринади. Вужуд истибодд қонуниятига бўйсуннаётгандек, руҳ эса мустабид салтанатга, золим замонга бўйсунмаётгандек туюлади... Мен хаёлимдаги бундай тасавзурдан изтиробга тушиб, «Алҳазар!» деб, Усмон Азимнииг ушбу сатрларидан таскин топгандек бўламан:

Устозим деганинг шеърфуруш чиқса,  
Суйганим деганинг эрфуруш чиқса,  
Подшоҳим деганинг элфуруш чиқса,  
Чидагин болам-а, чидагин...

Жабрга сабр билан жавоб берган, оҳини қўшиқ қилиб айтган элга ёруғ кунлар мұяссар бўлса, не ажаб.

Усмон Азимни талабалик пайтимда — 1976 йилларда таниғанман. У маҳал биз — Сирожиддин Сайинид билан иккимиз талабалик шаҳрининг бақироқ ҳаваскор шоирлари, севмай туролмайдиган ошиқлар эдик. Усмон Азим, Иўлдош Эшбек, Хуршид Давронга эргашиб, турфа оҳанглар ичидаги пала-партиш қулоч отардик. Ўшандада Усмон аканинг ўғли Улугбек билан жиддий «мусоҳаба» қилар эдик: «Бойсунга борганимисан?» деб сўраймиз Улугбекдан. «Ҳа», дейди у. «Қачон?» деймиз. «Ёшлигимда» деб жавоб беради икки яшар болакай. Биз митти болакаининг «ёшлиги»ни тасаввур этиб, қаҳқаҳа отамиз. Бизга ғаройиб туолган воқеалардан яна бири — Усмон Азим ўрисча таълим олган рафиқасига «Ўтган кунлар»ни ўқиб бериб, уни таъсиrlантириб, юм-юм йиғлатгани ва аёл руҳиятида улуғ инқилоб ясагани эди... Шундан бери шоир ҳаёти ва ижодидаги ҳар бир ўзгаришни шавқ билан кузатиб келаман.

Орадан қанча вақт ўтди. Йил сифатида оз бўлса

ҳам, юртимиз, ҳалқимиз тақдирига тегишли воқеа-ҳодисалар, қирғин-қатағонлар, алдов-бўғовлар, қамоқ ва зулмлар мажмуаси сифатида — сўнгсиз бир китоб. Бу Усмон Азимнинг Қорақамин томондаги эшиги қулфсиз ва занжирсиз, томидан чакка ўтадиган, лекин ҳовлисида қип-қизил атиргул очилиб турадиган ижара уйндан тортиб, то ҳозирги Усмон Юсупов кўчасидаги гиштлик «қасри»гача бўлган даврdir. Бу — ўтюрак шоирнинг минбарларда адабиётнинг жаллоденфат зодағопларини сўз тигига илган чоғларидан бошлаб, Халқ ҳаракатигача, уидан то Президентлик саройидаги фаолиятига қадар кечган даврdir. Бу -- қаламкашининг «рост ҳислар юрти» бўлган митти шеърларидан тортиб, то Халил Султон тарихигача, сўнг ўлим фалсафаси: инсон руҳи, бақо ва фано тушунчасигача бўлган давр...

Бир куни Дўрмондаги ёзувчилар боғида Усмон ака, мунаққидлар айрим шоирлар тўғрисида жуда кўп ёзишини сўзлаб қолди. Яъни, ўзи тўғрисида камроқ ёзишаётганидан жўрттага хафароқ кўринди. Шунда мен: «Сизнииг ҳаққингизда мунаққидлар нега жуда кам ёзишларининг сабабини биласизми?» дедим. «Нега?» деди. Мен: «Чунки сиз ўзингиз ҳаққингиздаги энг яхши гапларни доим ўзингиз айтиб юрасиз, бошқалар ўзидан ортдириб нима ҳам дер эдик, деб ёзмай қўя қолнишади» дедим. Гулдурос қаҳқаҳа кўтарилиди.

Бу — ярим табассум бўлан айтиладиган ҳазил. Бироқ Усмон Азим, Йўлдош Эшбек, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон шеърнити етарли талқин ва тадқиқ қилинмаганини ўқинч билан айтиб ўтмоқчиман. Ахир, истеъоддли шоирлар ижоди кўнгилдаги барча дарду исёнларни ошкор этмоқ учун яхши восита-ку. Менинг ушбу ёзганим эса мақола эмас, оддий бир муносабат, холос.

Усмон Азим бир шеърида:

Бу дунё-ку маним кўнглим ярим этди,  
Ярми билан куйласам ҳам олам тўлар!— деб  
ёзган.

Шопр халқи муҳаббат дардидан, эл-юрт армонидан,  
гоҳо эрксизлик ва қуллик ҳасратидан кўнгли ярим ки-  
шилардир. Ахир, шоир «Шонрлар армондан туғилади-  
лар» деб бежиз ёзмаган. Халқнинг ростгўй шоири Усмон  
Азим «ярим кўнгил» билан Туркистон осмонларини озод  
исёнларга, эркин фарёдларга тўлдириб яшагай, деб ти-  
лак қиласман.

*Мирзо Кенжабек.*

## МУНДАРИЖА

«На-да дўзах оташи...» . . . . .	3
«Бу дунёга...» . . . . .	4
«Бўлинниб боряниман...» . . . . .	4
«Мен ҳеч кимга...» . . . . .	5
«Шу кунлар тўлиқиб...» . . . . .	6
I. «Итиробдан...» . . . . .	7
II. «Қурбон қушнинг...» . . . . .	7
III. «Кечалари юрак...» . . . . .	8
«Тахтли кўнгил...» . . . . .	8
«Дунё қотди...» . . . . .	9
«Аввал яшашни ўрган...» . . . . .	10
«Подшоҳ ғазабланди...» . . . . .	10
Шахмат ҳақида шеър . . . . .	13
«Пўлатдан зирҳ...» . . . . .	14
«Деразамда икки қуш...» . . . . .	15
Қисмат . . . . .	16
Ҳавотир . . . . .	16
«Қуёш бор...» . . . . .	17
«Изиллаб...» . . . . .	17
«Эллик йил аввал...» . . . . .	18
Уттиз саккизинчи йил. Лагерь . . . . .	19
«Бу ёлғон чаққондир...» . . . . .	19
Баллада . . . . .	20
«Роса қирқ ёшингда...» . . . . .	21
Пахтага қасида... . . . . .	24
«Орол қумнинг...» . . . . .	24
Ўзбек аёли ҳақида очерк . . . . .	26
«Сизга заррача йўқдир...» . . . . .	26
«Пахтазорда беҳуш йиқилдим . . . . .	27
Қари отлар . . . . .	27
«Отланмоқда ёлғон...» . . . . .	27

«Қаҳру газаб соврүлди...» . . . . .	28
«Одамларга кўча-кўйларда...» . . . . .	29
Онамга тасалли. . . . .	30
«Хайр-хўш йўқ...» . . . . .	30
Дашт ҳақида баллада . . . . .	31
«Ёўлар эди шундай байрамлар...» . . . . .	33
«Бу тош гарип эди...» . . . . .	34
«Зачжирларни уздим...» . . . . .	35
«Тун ярмида...» . . . . .	36
«Юравер. Қолма йўлдан...» . . . . .	37
«Мен тахтдан...» . . . . .	37
Қишки кечалар . . . . .	38
«Қишига «хайр-хўш»ни...» . . . . .	38
«Дараҳтларни зулумот кўмди...» . . . . .	40
Қозоқ шонри Қенгишлиқ. Мирзабеков хотирасига марсия. . . . .	40
Яхши одам . . . . .	41
«Саҳро — чексиз...» . . . . .	42
«Қаро тунда...» . . . . .	42
Хориш. . . . .	43
«Гуллар ҳидин...» . . . . .	44
Балладалар . . . . .	46
Болаликнинг бир кечаси . . . . .	74
«Жонҳолатда...» . . . . .	75
Жавзо. . . . .	76
Қавс . . . . .	77
Хут . . . . .	77
Тунги концерт . . . . .	78
Нодраматик баллада ёки беғам марш . . . . .	78
«Соҳилларга...» . . . . .	80
Цирк. Илон ўйнатувчи аёл. . . . .	81
«Энди бизга ишқ йўллари...» . . . . .	82
Эртак . . . . .	83
Дераза ҳақида баллада . . . . .	84
Цирк. Муаллақчи аёл. . . . .	85
Армон ҳақида баллада . . . . .	87
Умид ҳақида баллада . . . . .	89
«Севгинг юрагимда...» . . . . .	90
«Қуёш аста-аста...» . . . . .	91
«Оғир экан...» . . . . .	92
«Қушлар бунча...» . . . . .	92
«Сенга келиш нима?» . . . . .	93
«Гоҳ гужум шовуллар...» . . . . .	94
«Тош бетон...» . . . . .	94
«Соҳилини қайрайди денгиз...» . . . . .	95

«Сиз ёққансиз менга...»	95
«Ногоҳ совуқ тушди...»	96
«Тош күнгил...»	97
«Емон бўлди...»	97
Графика	98
«Ташқарига чиқаман»	98
«Елғизлик ортимдан...»	99
«Мени тинч қўй!»	100
«Тўйганмидим шодликни ичиб».	101
«Сокин сеҳр...»	101
«Сиз қарғайсиз...»	102
«Хайрлашмоқ қерак...»	103
«Мен сенга осмонни...»	103
«Энди у кўчага...»	104
«Севгимиз ўлдими...»	105
«Саратонда гуллар ўлади...»	106
«Мен йўқман...»	107
Севги ҳақида умидбахш баллада	108
«Адашиб бораман...»	110
«Ташқариде ёмғир ёвар...»	111
«Сен ухлаяпсан...»	111
«Кундузлар кечага айланиб...»	112
Ҳаёт қўшиғи	112
«Бекор. Елғон!»	113
«Шудгорзорда донлайди...»	113
«Ёмғир ёғиб ўтади...»	114
«Отим қолар демагин...»	115
«Қодир ҳаёт...»	115
Битик тошлар орзуси.	116
«Пинқилдингми, кўзларингда»	117
«Тегиримон тоши...»	118
Тошпари	119
Халил сулон (тарихий-драматик қисса)	135

**Литературно-художественное издание**

**Усман Азимов**

**МУКИ ПРОБУЖДЕНИЯ**

**Стихи и историко-драматическое поэмы**

Художник Шумилов В.  
Ташкент, издательско-полиграфическое объединение  
им. Г. Гуляма  
На узбекском языке

**Адабий-бадиий нашр**

**Усмон Азимов**

**УИФОНИШ АЗОБИ**

**Шеърлар ва тарихий-драматик кисса**

Муҳаррир *M. Ҳайдар*  
Расмлар муҳаррири *A. Малажонов*  
Техн. муҳаррир *T. Смирнова*  
Мусаҳиҳ *Ш. Назарова*

**ИБ № 4057**

Босмахонага 28.11.90 да берилди. Босишга 14.03.91. да рухсат этилди  
Бичими 70×90<sup>1/2</sup>. сон № 2 босмахона қоғози. Адабий гарни-  
турс. Юқори босма. Шартли босма тобоги 11.70+0,07 вкл. Шартли  
кр.—оттиск 11,77. Нашр л. ё 12,25.-0,05 вкл. Ўжами нусха 10000. Ўн  
1098. раҳамли буюртма. Баҳоси 5 с. № 274—89 раҳамли шартнома  
Faafur Fулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700129.  
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.  
700002, Тошкент, Сағбон кӯчаси, 1-берк кӯча, 2-үй.